

УМАРАЛИ НОРМАТОВ



ЖАНР
ИМКОНИЙЛАРИ

АДАБИЙ-ТАҢҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

Еафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашрханаһи
Тошкент — 1970

Кейинги пайтларда адабий жанрларга қизиқиш кучайди, ҳикоя, поэма, драма, роман жанрлари бўйича қизғин баҳслар ўтказилди, жаҳон адабиётчиларининг бу масалаларга бағишиланган маҳсус анжуманлари бўлиб ўтди.

Бу тасодифий эмас. Жанр масаласи термин ёки форма масаласигина бўлмай, айни вақтда у мазмун масаласи, мазмунга, ҳаёт ҳақиқатига мос форма топа билиш, бинобарин, маҳорат масаласи демакдир.

Кўлингиздаги китоб шу масалаларга бағишиланган. Автор ўзбек адабиётида поэма, баллада, роман, ҳамда ҳикоя жанрининг ҳозирги аҳволи, бу жанрлар ривожининг айрим тенденциялари, шунингдек, жанр хусусиятлари, талаб ва имкониятлари ҳақида баҳс этади.

Норматов Умарали.

Жанр имкониятлари. Адабий-тангидий мақолалар. Т., Гафур Гуломномидаги адабиёт ва санъат нашрийти, 1970. 136 бет,

Норматов Умарали. Возможности жанра. Критические статьи.

Индекс 7—2—3

8 Уз

ПОЭМА ~~ЖАЛА НУШИЕИ~~

Бир неча йилдирки, умумсовет адабиётшунослигига поэма жанри устида қизғин баҳслар бўляпти, жанр, унинг талаб ва имкониятлари ҳамда турлари ҳақида хилма-хил фикрлар ейтиляпти; энг қизғин баҳс поэмада лирик ва эпик тасвир муносабати устида боряпти. Муҳолифлар лирик ва эпик элементларнинг нисбатига кўра поэмани шартли равишда «сюжетли» ва «сюжетсиз»га бўлиб, уларнинг қай бири афзал эканини исботлашга уринадилар, «сюжетли»— лиро-эпик поэма тараффорлари «сюжетсиз»— лирик поэмани рад этмоқчи бўладилар, бир қаҳрамонга эга бўлган «сюжетсиз» лирик поэмалар— ҳаракатсиз, статик поэмалардир, улар бир ўринда туриб юғуришга ўхшайди, уларнинг истиқболи йўқ, улар риторикадан бошқа бир нарса эмас, деб даъво қиласидилар. «Сюжетсиз» лирик поэма тараффорларининг фикрича, «сюжетли» лиро-эпик поэмаларнинг умри тугаган, энди «сюжетли» поэмалар давр талабига жавоб беролмай қолди, сюжетни повесть ва романларга бериб кўя қолган маъқул, шахс психологиясини очиб беришда энг қулайи лирик поэмадир, унинг ҳозирги куни ва келажаги порлоқ ва ҳоказо.

Баҳслар давом этяпти. Бироқ поэма жанри баҳслар бир ёқли бўлишини кутиб тургани йўқ. Поэманинг ҳар

иккала тури — лирик поэмалар ҳам, лиро-эпик поэмалар ҳам ривожланиб боряпти, уларнинг ҳар бири ўз «афзаллик»ларини намойиш этяпти.

Бадий адабиёт, хусусан поэзия ривожи ва камолотини поэмасиз тасаввур этиш қийин. Кимдир ҳақли равишда «поэма — катта масалага катта жавоб» деган экан. Поэма катта фикрлар, кучли туйғулар маҳсули. Сўнгги йилларда поэзиямиз улкан муваффакиятларни қўлга киритди. Шеъриятнинг тематик ва ғоявий диапазони кенгайди, шеърият даргоҳига бир гуруҳ истеъоддли ёшлар кириб келди, шеър яратиш маҳорати, шеър санъати сезиларли даражада кўтарилди. Бу таъкид поэмачиликка ҳам тааллуқли.

Бундан бир неча йил бурун шеърхонлар «Тошкентнома», «Сурат», «Россия», «Икки қоя», «Менинг маҳаллам», «Гулшан», «Она юрт қўшиғи», «Қуёшга ошиқман» сингари ўткир поэмаларни ўқишига мушарраф бўлган эдилар. Бу поэмаларнинг ҳар бири адабиётимизда муҳим воқеа бўлди, адабий танқидчилик ҳам уларга муносиб баҳо берди. Шундан сўнг поэмачилик ривожи бир оз секинлаб қолди. Аммо бу узоқ давом этмади. Қисқа муддатли «станаффус»дан сўнг яна дадил жонланиш бошланди. Кейинги бир ярим-икки йил ичida ўнлаб поэма эълон қилинди.

Шуниси характерлики, эълон қилинган поэмаларнинг авторлари асосан ёшлар — Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Сайёр, Юсуф Шомансур ва бошқалар. Биз уларни ёшлар деб аташга одатланиб қолганимиз. Лекин улар шеъриятда анча бўй чўзиб қолди. Шу туфайли улардан кўпроқ ва жиiddийроқ нарсалар талаб этавериш мумкин.

Хозирги кунда бу авторларнинг ёшига ва тажрибасига яраша иш тутишга уринаётганликлари, ўзларининг замон ва адабиёт олдидағи масъулиятларини чуқур анг-

лаб етаётганниклари кишини хурсанд қиласди. Бу уриниш улар яратган поэмаларда ҳам кўриниб турибди. Энг муҳими, улар поэма жанри қонуниятларини эгаллаб боряптилар, жанрнинг бой имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилияптилар.

Авваллари бизда жанр талабларини назар-писанд қилмасликдан, тўғрироғи, уни тушуниб етмасликдан ке-либ чиқадиган нуқсонлар учраб турарди. Бирор воқеани шеърга тизиб, поэма деб аташ, жанрбол материал танлашда адашиш, шеърий асарда айтиш, ифодалаш мумкин бўлган фикр ва туйғудан поэма чиқариш учун уриниш ҳоллари бўлган. Янги поэмалар бу хил нуқсонлардан маълум даражада холи. Уларда воқеанависликдан, баёнчиликдан қочишга уриниш кўзга ташланади. Авторлар поэмабоп ўткир драматик воқеаларни топяптилар, воқеаларнинг олий моментини, олий моментда туғилган фикр ва туйғуларни тасвир этиш йўлини тутяптилар, хуллас, эндиликда дуруст-дуруст поэмалар яратиляпти.

Жанр тараққиётида бундан ҳам қувончлироқ фазилатларни кўриш мумкин. Поэмачиликда катта фикрлар, кучли туйғулар сари дадил интилиш бор, уларда гражданлик мотиви чўқурлашиб боряпти. Авторлар бу жанр орқали урушни қоралаш, инсон ва инсонийлик, оталар ишига садоқат, ишқ-муҳаббат, меҳнат, ижтимоий бурч каби проблемаларни кўтариб чиқяптилар, «ўзи ва замонаси ҳақида», оталар ва уларнинг янги ҳаёт йўлидаги кураши ҳақида куйиб-пишиб гапиряптилар.

Бироқ яратилган поэмаларнинг ҳаммасини ҳам етук асарлар деб айта олмаймиз; поэмалардаги заиф ўриниларни, поэмачилик ривожидаги ҳарактерли нуқсонларни назардан соқит қилиб ўтолмаймиз. Яхиси, улар ҳақида конкретроқ гаплашайлик.

Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достони уруш ва инсон проблемасига бағишланган. Достонининг фашизм усти-

дан қозонилган буюк ғалабанинг йигирма йиллiği арафа-
сида пайдо бўлғанлиги тасодифий эмас. Уруш тўплари-
нинг садолари тинганига йигирма йилдан ошди.

Лекин даҳшатли тўплар чинқириғи ҳамон қулоқла-
римиз остида акси садо бериб турибди, ҳали-ҳали уруш
доғларини учратиш, деярли ҳар бир қалбда уруш тиги
тилиб ўтган жароҳат изларини кўриш мумкин. «Нидо»
достонининг қаҳрамони уруш туфайли севикли отасидан
жудо бўлган. Мана, йигирма йилдирики, у «ота» дийдо-
ридан маҳрум; коммунист ота кўксини тешган ўқ йи-
гит бағрини ўйиб, унга озор беради, қалбини ўртантি-
ради. Лирик қаҳрамон шу кунларда туриб, ўша даҳшат-
ли ҳодиса юз берган йилларни хотирлайди. У йилларда
қаҳрамон ҳали бола эди:

«Уруш-уруш» ўйин бўлса бас,
Титратамиз кўку заминни.
Ким ўлабди дейсиз у нафас
Бу урушнинг
ростакамини.
Бурчаклардан бир-биrimizни.
Ёғоч милтиқ билан отамиз.
Биз билмаймиз:
Қай биримизнинг
Ўқقا учди бу вақт отамиз.
Кўксимизни ушлаганча, жим
Йикиласиз,
Улган бўламиз.
Биз дунёда ростакам ўлим
Борлигини қайдан биламиз?!»

Бола секин-аста «узоқларда даҳшат солиб кезган
жанг гулдуроси»нинг қишлоқ кўчаларидағи акси садо-
сини сеза бошлайди, ҳақиқий уруш даҳшатларини, рос-

такам ўлим изтиробларини бирин-кетин ўз кўзи билан кўриб туради. Бирор жангда оёғини, бирор қўлини йўқотиб қайтаётир, бирорнинг отасидан қора хат келаётир. Ниҳоят, бола оиласида ҳам мусибат рўй беради, ота жангда ҳалок бўлади. Позмада ота ўлими ҳақидаги ҳабар ва бу хабар туфайли қаҳрамон қалбида туғилган туғёнлар тасвири ғоят ҳаяжонли чиқкан.

Лирик қаҳрамон фақат уруш даҳшатлари туфайли изтироблар алангасида куйиб-ёниш, урушни нафраташ — қарғаш билан чекланмайди; коммунист оталарнинг ёвга қарши олиб борган мардона кураши, қаҳрамонликлари билан фахрланади, оталар ҳаёти ва курашини мардлик мактаби деб билади, уларнинг шонли ҳаётини бир умр унутмасликка, Ватанга, халқга хизмат этиб, улар руҳини шод этишга сўз беради. Қаҳрамон оталар қони ва жони эвазига қўлга киритилган ҳаётни юксак қадрлайди. Ўзи ҳамда тенгдошларининг замон өа тарих олдидағи ижтимоий бурчини чуқур англаб етади:

«— Нега эгилмасин
Одам кетса одам,
Устунга зўр келар қуласа устун.
Бу ташвишли дунё,
Сермашаққат олам
Бизнинг елкамизда қолди-ку, дўстим!
Уни бўронлардан,
Қуёшли йўллардан
Нурли истиқболга олиб ўтамиш.
Биз уни олганимиз
Табаррук қўллардан,
Табаррук қўлларга элтиб тутамиш».

Шоир «Нидо»ни «Коммунист отам достони» деб атайди. «Нидо» асари ўзига хос поэма — марсия — қаҳра-

монона ўлим ҳақидаги марсия; бу ажойиб марсия ҳам мунг, ҳам ҳаёт тантанаси оҳанги билан йўғрилган. Поэмада шахсий мотивлар ижтимоий мотивлар билан уйғунашиб кетади, бир шахснинг туйғу ва ўйлари миллийонларнинг туйғу ва ўйларига айланиб қолади. Гюзма биргина лирик қаҳрамоннинг эмас, уруш жафосини чеккан миллион-миллион кишилар қалбининг мунги, нидоси, урушга нафрати, миннатдор авлодларнинг қутлуғ жангда ҳалок бўлганлар хотираси олдидағи, тарих ва замон олдидағи қасамёди каби жаранглайди.

Поэма одамларга нисбатан жуда катта ҳурмат ва муҳаббат билан ёзилган, шоир қалбидаги муҳаббатни асар сатрларига кўчира олган.

Шоир қаҳрамон қалбини очишда катта маҳорат кўрсатган, қаҳрамон қалби қаъридан отилиб чиқсан ўй ва туйғуларнинг бутун бир гаммасини беришга мубаффақ бўлган. Қаҳрамон бир хил тонда гапирмайди, унинг нутқи қалбидаги ўй-туйғулар оқимиға мос равишда товланиб туради: угоҳ бўзлайди, гоҳ кулади, гоҳ ҳайқиради, гоҳ баён этади, гоҳ мурожаатга ўтади, гоҳ сўроққа тулади. Шоир айни вақтда нутқ ритмикасига мос равишда шеър вазнларини ҳам ўзgartириб боради.

Поэмада публицистик руҳ кучли. Бироқ бу поэтик публицистика ҳар қандай дабдабалардан, риторикадан холи, у қалб ҳарорати билан, мусаффо лирика билан йўғрилган; шоирнинг ҳайқириқ ва мурожаатлари ғоят самимий. Шунинг учун ҳам шоир сўзлари ўқувчи қалбига осонетиб боради, уни түғёнга солади.

Хайридин Салоҳнинг «Янгроқ ҳаёт» поэмаси «Нидо»га оҳангдош. Бу ерда ҳам уруш ва инсон проблемаси кўтарилилган. Бу поэмада ҳам лирик қаҳрамон уруш туфайли яқин одамидан жудо бўлган. Лекин отасидан ёки акасидан эмас, йўқ, суюкли оғасидан, ғойибона устозидан айрилган. Лирик қаҳрамон ўзига устоз деб билган

бу одам — Улуг Ватан уруши йилларида фашист газандаларига қарши олиб борилган шиддатли жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ажойиб ўзбек шоири Султон Жўра эди. Қаҳрамоннинг шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббати чексиз:

«Султон оғал
Устоз дейишга—
Ижозат бер, сенга меҳрим бор.
Кечалари кирасан тушга,
Сўзлашаман тонггача бедор.
Кундузлари ўйим тўридан—
Термуласан содда рамкадан.
Шеър битганда маслаҳатгўйсан,
Сафар чоги — пойдош, ҳамқадам.
Қонли уруш келтирган кулфат
Бир-бировдан ажратди бизни.
Лекин нондай эзгу шеърият
Яқин қилди юрагимизни.
Не иложки, тириклигингда
Учрашмоқлик насиб бўлмади.
Аммо кўз ёш йўқ кипригимда,
Ширин бир ўй мени ҷулғади.
Кўрмай туриб руҳсоринг бир зум,
Ҳамсуҳбатинг бўлмай бирор он,—
Кечир мени — ботина олдим
Сен ҳақингда ёзмоққа достон!»

Поэма ана шундай самимий сатрлар билан бошланади. Автор шоирнинг уруш арафасидаги ҳаёти, урушда иштироки, жангдаги матонати ва ўлими ҳақида ҳикоя қиласиди. Поэмада маҳорат билан ёзилган талайгина мисралар бор. Хусусан 1-бобда шоирнинг «Бруно» поэмаси устида ишлаш ҳолати — ижод психологияси яхши кўр-

сатилган, она юрт билан хайрлашув тасвири ҳам жозибадор чиққан, автор Султон Жўра шеърларидан олинган парчаларни поэма руҳига сингдириб юборган.

Хусниддин Шарипов «Изма-из» поэмасида яна космос темасига мурожаат этади. Космос баҳона бўлади-ю, шу орқали буюк Ленин ва заҳматкаш олим образларини яратиш шоирнинг бош муддаоси бўлиб қолади.

„Одамларнинг нигоҳи яна осмонга қадалган, «кўзларда юлдузлар гарди чайқалмоқда», «кўкда дуч келган сайёralар уйқусини бузиб» инсон учмоқда. Фазовий олим чўл кўксидаги антиқа бир ҳис билан хаёл оғушида кўкка термулиб ўтирибди. Унинг бундай ҳолатга тушуви табиий, чунки «фазовий кема унинг қўлларидаги дунёга келган», бунинг устига кема ичидаги «фазокор азамат — унинг ўз ўғли», ҳа, унинг ўз ўғли рулда ўтирибди!

Ана шу ҳаяжонли дақиқада олим хаёлан Ильичга дуч келади, у билан сұхбатлашади. Сұхбат вақтида жуда кўп масалалар тилга олинади, сұхбатга вәқти-вақти билан шоир — лирик қаҳрамон ҳам аралашиб туради.

Асар ҳаёт ҳақида, авлодлар ворислиги ҳақида революция, кураш ва инсоният баҳти, инсон туфаккури, тафаккур қудрати ва истиқболи ҳақида ўй-фикрлар достонидир, ҳа, у фалсафий достондир. Шуниси қувонарлики, шоир нуқул ўйлар, фалсафалар баёнини бериш билан овора бўлиб қолмайди, айни вақтда қаҳрамонлар қалбидаги бошқа жиҳатларни ҳам кўради. Ильичнинг ва олимнинг одамийлигини, шахсий фазилатларини, интим кечинмаларини, уларнинг она, ёр, севги, фарзанд ҳусусидаги нозик туйғуларини ҳам қаламга олади.

Шоир асар тили устида жуда катта меҳнат қилганлиги кўриниб турибди. Автор кўлгина ёрқин картиналар яратган, талай янги тасвирий воситалар, бадиий деталлар қидириб топган, форма соҳасида изланишлар қилган.

Ю. Шомансурнинг «Қонсиз фожиа» поэмаси устида кўпгина баҳслар бўлди. Айрим ўртоқлар поэмани бутунлай йўқиқа чиқариб қўйишди, бошқа ўртоқлар эса уни ҳимоя қиласман деб кўкка чиқариб юборишиди. Поэманинг ҳам кучли, ҳам заиф томонлари бор. Унга одилона баҳо бермоқ керак. Аввало, поэманинг мазмунни ҳақида. Танқидчи С. Мамажонов «Замон руҳи, ҳаёт ҳақиқати» сарлавҳали мақоласида поэманинг ғоявий мазмунини шундай таърифлайди: «Поэмада музей шофери орқали шоир шахсий машинанинг ташкилотларга кераги йўқ, ёки хўжайинларнинг ўзи машинани ўргансин деган фикрни ўтказади. Бу, аввало, поэма учун олиб кирадиган гап эмас...» Танқидчининг охирги жумласидаги фикр тўғри; мабодо поэмага шу гап асос қилиб олинганда эди, асар ҳақиқатан ҳам арзимас бир нарса бўлиб чиқарди. Тўғри, поэмада «шахсий машинанинг ташкилотларга кераги йўқ, ёки хўжайинларнинг ўзи машинани ўргансин» деганнамо гап ҳам бор, бироқ бу поэмадаги асосий гап эмас, поэманинг пафоси, идеяси бошқа. Автор асарини бекорга «Қонсиз фожиа» деб атамаган. Шоир унда ёшларнинг ҳаётдаги ўрни, виждони, бурчи, масъулияти масаласини кўтаради. Асар қаҳрамони Йўлдош яхшигина касб эгаси — музей директорининг шофери. Унинг бажарадиган вазифаси ҳам осон — директорни музейга келтириш, уйга қайтариш, директор хотинини у ёқ-бу ёққа олиб юриш. У бир умр шу тақлидда «тинч-осойишта» умр кечиравериши мумкин эди. Бироқ йигит секин-аста ҳаёт ҳақида, яшашнинг маъноси ҳақида бош қотира бошлайди; тенгдош-замондошларининг ажойиб ишлари — севгилиси геолог қизнинг матонати, фазокорлар жасорати, пахтакор дәҳқонлар ғайрати, Павел ва Зояларнинг ёрқин хотираси — буларнинг ҳаммаси уни ўйлашга мажбур этади. Йигит ўз ҳаётини уларнинг ҳаёти билан таққослайди, жамиятга дурустроқ наф етказмай ёш умрини ҳазон

этаётгани учун ачинади, бу хил ҳаётнинг фожиасини англаб етади, виждан азобида ёнади.

Поэмада қаҳрамон ҳаётидаги ана шу мұхим нұқта — қаҳрамон виждонининг уйғониши, виждан туғёни моменти тасвир этилади. Қаҳрамон қалбини тасвирлашда шоир аввалги поэмаси «Бахт»га қараганда анча илгарилаб кетган. Бу поэмада энди у сохта интригаларни, сунъий кечинмаларни эмас, ҳаёттік ва жиддий кечинмаларни тасвирлашга ҳарақат қиласы, қаҳрамон қалбига чүкүрроқ кириб босради.

Ағсуски, шоир яхши ўйланган қалб интригасининг ечи мини жуда осон ва шаблон бир тарзда ҳал этади, қаҳрамонни директор машинасининг шоферлігі лавозимидан озод этади-да, чүлга юборади, юқ машинасининг шоferи лавозимиға тайинлайди қўяди. Шу тариқа қаҳрамонни «қонсиз фожиа»дан ҳалос этади. Ҳ. Шариповнинг «Давр ва инсон характери» мақоласида таъқидланганидек, ахир қонлимиси, қонсизми, ҳар ҳолда фожиа юз берган жойни ташлаб кетишнинг ўзи ҳаётидаги мураккаб конфликтларни ҳал қилиб юбораверганда, ҳозир ҳалқнинг бошини қотириб турган қанчадан-қанча муаммолар аллақачоноқ ўрнини топиб кетмасмиди?! Поэма қаҳрамон — шофер йигит тилидан айттирилган. Шоир қаҳрамон тилини инди видуаллаштиришга кам эътибор берган. Бу ерда гап айрим иборалар устида бораётгани йўқ, шеърий нутқнинг характери устида бораёттир. Шеърий нутқда самимийлик, табиийлик етишмай турибди, қаҳрамон ҳаддан ташқари билғон бўлиб кўриняпти, ўз тили билан эмас, шоир тили билан гапиряпти.

Кўриниб турибдики, достончиликда жонланиш бор, яхши аломатлар бор, булар достончилик истиқболи ҳақида зўр умид туғдиради.

Шоирларимизнинг муваффақиятларидан қувонганимиз ҳолда, достончилик истиқболини ўйлаб, бу жанр-

нинг янада барқ уриб ривожланишига ҳалақит берәётган ва асосан, маҳорат масаласи билан изоҳланадиган баъзи камчиликлар, жанр қонуниятларини эгаллашдаги қийинчилклар хусусидаги, поэма жанрининг баъзи томонлари ҳақидаги мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Кейинги пайтларда яратилган поэмаларда характерли бир камчилик кўзга ташланяпти — эпик тасвирдан фойдаланишда уқувсизлик сезиляпти.

Бунга поэма жанрининг назарий масалалари яхши ҳал этилмаганлиги ҳам сабаб бўләётганга ўхшайди. Адабиётшуносликда поэмада эпик элементнинг роли ва характери хусусида чалкашликлар бор. Чунончи, адабиёт назарияси китобларида¹ поэма шеърий йўлда ёзилган ривоят, повесть ёки ҳикоя деб таърифланади. Бу таърифга қўшилиб бўлмайди. Поэмадаги эпик тасвирни повесть ёки ҳикоядаги эпик тасвир билан тенгглаштириш поэмани барбод этиш демакдир. Поэмадаги эпик тасвир повесть ёки ҳикоядаги каби берилар экан, поэзия ўрнини проза эгаллар экан, худди ўша ерда поэма тамом бўлади, китобхон учун зерикарли бир нарсага айланади. Поэмадаги эпик элемент ўзига хос хусусиятларга эга. Поэмадаги эпик тасвир кам деганда икки ҳолдагина — биринчидан, у чинакам қўшиққа айланиб кетса, чуқур лиризм билан йўғрилган, прозаизмдан тамоман холи бўлса, иккинчидан, қаҳрамон характерининг мухим томонларини, янги қирраларини очишга ёрдам берса, қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятидаги олий моментлар таҳлилидан иборат бўлса, қаҳрамон психологизми, қалб драмаси билан узвий боғланса — фақат шундагина ўзини оқлай олади.

Поэма бу — прозада айтиш, ифодалаш мумкин бўл-

¹ Қаранг: Адабиётшунослик терминлари лугати, «Ўқитувчи» нашриёти, 1967 йил. Л. И. Тимофеев. Основы теории литературы, 1959, стр. 347.

маган қалб қўшиғи. Тасаввур қилинг: «Демон» билан «Катерина» ёки «Зайнаб ва Омон» билан «Сурат» воқеаси насрга кўчирилса нима бўлар эди? Бир вақтлар классик адабиётимиздаги достонларни насрга айлантириш учун неча бор уринишлар бўлган, бироқ бу уринишларнинг ҳаммаси муваффақиятсиз чиққан эди. Бу қонуний бир ҳол. Достонбоп гапни прозада, прозабоп гапни достонда айтиш, ифодалаш қийин. Мабодо шоир айтмоқчи, тасвирламоқчи бўлган гап, воқға, ҳикоя ёки повестбоп экан, уни шеърга тизиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?! Қисқаси, поэма — қалб қўшиғи, ундаги лирик элемент ҳам, эпик элемент ҳам поэзия, қўшиқ дарражасига кўтарилигдан бўлмоғи лозим. Адабиёт тарихида поэмани қўшиқлардан иборат қилиб тузиш тажрибаси ҳам борки, бу бежиз эмас.

Шуниси характерлики, агар 50-йиллар ўзбек адабиётида лирик поэмалар устун дараражада ривожланган бўлса, 60-йилларга келиб, лиро-эпик поэмаларга эътибор кучайди, лирик поэмаларга ҳам эпик элементлар кўплаб кириб кела бошлади. Бу умуман адабиётда бўлгани каби поэмачиликда ҳам инсон тақдиди билан қизиқиш, инсон тақдиди ва ҳаётини кенгрок таҳлил этишга интилиш кучайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Бироқ поэмалардаги эпик тасвир кўпинча ўзини оқлолмай қоляпти, эпик элементлар тасвири вақтида авторлар жанр талабларига ҳар доим ҳам риоя этаётирлар деб бўлмайди.

Х. Салоҳнинг или поэмаси «Лайло»да шундай бўлган эди. Шоир достонида «бир тоғ гўзалининг саргузаштини» бир бошдан назмга соловерган эди. Автор воқеалар тафсилоти билан овора бўлиб кетиб, асарни чинакам поэтик руҳдан маҳрум этиб қўйганди.

Шоир янги поэмаси «Янгрок ҳаёт»да воқеабозлиқдан, бәёнчилик ва юзакичиликдан қочишга ҳаракат қилган.

Энди у қаҳрамон саргузашти тафсилотларини эмас, қаҳрамон ҳаётидаги айрим моментларни тасвир этиш йўлидан боради. Шоир жанр қонун-қоидаларига амал қиласди ва натижада бир қадар муваффақиятга эришади.

Поэма романтикамага мойилроқ жанр. Поэмада воқеа бир оз шартли, символик характерда бўлавериши ҳам мумкин. Лекин реалистик поэма сохта пафосни, сунъий патетикани, ғайри табиий эмоционалликни кўтармайди. Кўпинча шундай бўляптики, шоир қаҳрамон фаолиятидаги айрим моментларни ғоят ҳаяжон билан тасвирлайди, қаҳрамонларни жуда кескин ҳолатга солиб қўяди. Бу ҳис-ҳаяжон ва кескинликнинг асл боисини суриштириб кўриб баъзан ҳайрон бўласиз, шу нарсага шунчаликми, дея ёқа ушлаб қоласиз; эпик асос билан лирик кечинма орасида қандайдир ажralиш борлигини барада сезиб турасиз. Шунаقا камчилик Ҳ. Шариповнинг «Изма-из» достонида ҳам бор. Чунончи, Ильич билан олим орасидаги баҳслардан бирини олиб кўрайлик. Олим ўғлининг ишидан ниҳоятда хурсанд, лекин бир нарсадан кўнгли ғаш, ота кўнглида аллақандай рашк қўзғалган, у ўғлидан қаттиқ хавотирда. Олим ўғлини бир қиз билан учратган. У дейди:

Кейин ўша қизни кўрдим бир-икки,
Қаттиқроқ қараш ҳам мумкинмас унга.
Шундайин нозикки, шундай нозикки...
Ўхшар елда турган жажожи қайнинга.

Олим ўғлининг юлдузлар сари парвоз этишидан хавотир олмайди, аммо фарзандини ана шу нозик қиз қўлига топшириб қўйишидан чўчийди. Олим шу ҳақда Ильичга арз қиласди. Ниҳояти қизнинг нозиклиги олмининг шу қадар қаттиқ ҳаяжонларига етарли асос бўла олармикан?! Бундай нуқсон Сайёрнинг «Даҳрий» достонида жуда аниқ кўринади.

...Севишганларнинг висол дамлари яқинлашиб қолған, йигит тўй тараддудини кўриб қўйган. Шу орада қишлоқда босмачилар шарпаси кезиб қолади. Улар тўйни азага айлантириб юбориши мумкин. Шу ўринда тўйни ўтказиш керакми ёки қолдириш керакми, деган масала устида баҳс кетади, шоир тўйни қолдириш мумкин эмас деб ҳисоблади ва уни «исботлайди». Табиийки, шундан кеийин қалтис ҳодиса юз беради. Базм авжига чиқиб, ҳамма тўй гаштини сурин турганда, «бирдан отлар дупури» эшишилади, «тун тўшини ўқ чақмоғи тилиб» ўтади, босмачилар халқни қуршовга олади, йигит қўлга тушади, банди этилади, қўрбоши уни сўроққа тутади. Савол-жавоб вақтида шоир йигитни ҳам фидоий, ҳам даҳрий қилиб кўрсатади. Йигит худога ишонмаслиги, худонинг йўқлиги, бундай худода ўчи борлиги ҳақида «ҳаяжонли нутқ» сўзлайди. Автор бора-бора бутун эътиборини ана шу нарсага йигитнинг даҳрийлиги масаласига жалб этади, қаҳрамоннинг шу хислатини биринчи планга олиб чиқади, шу хислати учун унинг шаънига мадҳиялар айтади, даҳрийликни поэма пафоси даражасига кўтармокчи бўлади, ҳатто асарига «Даҳрий» деб ном беради.

Автор танлаган ситуация йигит характеристидаги шу хислатни жилвалантириш, қаҳрамон даҳрийлигини очиш учун у қадар қулай келмагани, асардаги вазият билан патетика орасида мантиқий боғланиш заиф экани яққол кўриниб турибди. Бунинг устига қаҳрамоннинг фидоийлиги ҳам табиий эмасдек туюлади. Йигит ўлимга тик боқади, қўрбошидан тезроқ ўлдиришни сўрайди, қўрбоши эса ишни кейинга суради, бунга йигитнинг сабри чидамайди, у муддаога тезроқ етишмоқ истайди, ўзини олова ташламоқчи бўлади. Хўш, ўлим учун бу қадар шошилишнинг нима ҳожати бор? Буни чин қаҳрамонлик деб бўлармикан? Шу топда қаҳрамоннинг ўлими ким учун ва нима учун керак? Кўриниб турибдик, қаҳрамон-

нинг фидоийлиги ҳам, даҳрийлиги ҳам мустаҳкам мантиқий асосга эга эмас. Шунинг учун бўлса керак, автор поэмада қанчалик эҳтирос билан куйиб-ёниб юракдан гапиришга интилмасин, барибир унинг сўзлари китобхонга қандайдир эриш туюлаверади.

Достондаги ғайри табиийликнинг яна бир боиси бор. Поэмада ҳаётийлик, оригиналлик етишмайди, унга китобийлик соя ташлаб турибди. Қаҳрамоннинг босмачилар қўлига тушуви, улар билан савол-жавоби, ўлим ёқасида Қизил Армия томонидан қутқарилиши, воқеаларнинг «баҳтли хотима» билан якунланиши, ижобий ва салбий қаҳрамонлар қиёфаси — ҳамма-ҳаммаси 20-йиллар ҳақида аввал яратилган адабиёт ва санъат асарларини эсга солади.

* * *

Поэмани қалб қўшиғи дедик. Эпик асарлардан фарқли ўлароқ, поэмада воқеа, драматизм асосан қаҳрамон қалби орқали ўтади. Поэмада китобхонни воқеаларнинг изчил тасвири эмас, балки воқеалар туфайли қаҳрамон қалбida туғилган психик кечинмалар — драмалар, ўйлар, туйғулар тасвири қизиқтиради. Поэма қаҳрамон қалбини кўрсатишда, қалб драмасини очишда бекиёс имкониятларга эга. Поэманинг муваффақияти кўп жиҳатдан жанрнинг ана шу имкониятларидан қанчалик унумли фойдалана олишга боғлиқ. Бу шарт поэманинг ҳар иккала турига — лирик поэмага ҳам, лиро-эпик поэмага ҳам баббаробар тегишли. Аммо поэманинг ҳар иккала тури психологизмни ифодалашда ўзига хос томонларга эга эканини эсдан чиқармаслик керак. Марказида биргина лирик қаҳрамон турган лирик поэмалар психик кечинмалар тасвирини беришда нисбатан қулайликларга эга.

Қаҳрамонларнинг ўзаро муносабати асосига қурилған лиро-эпик поэмаларда эса психик кечинмаларни тасвишлаш бирмунча мураккаб. Эҳтимол, лиро-эпик поэмаларнинг кўпчилиги муваффақиятли чиқмаётганига сабаб шудир. Бироқ бу нарса лиро-эпик поэманинг истиқболиги умидсизлик билан қарашиб учун асос бўлолмайди. Ага «шарт»га риоя этилса, жанрнинг мураккаблигидан чўчимай, ишга астойдил бел боғлаб киришилса, воқеалар тафсилоти йўлидан эмас, қаҳрамонлар қалбини кўрсатиш йўлидан борилса лиро-эпик поэма ҳам ўзини бемалол оқлай олиши мумкин. Бу жиҳатдан Ҳ. Шариповнинг «Боғ кўча болалари» поэмаси ғоят ибратли. Поэмада шоир воқеаларни қаҳрамон психологизми билан боғлаб тасвир этган, қалбларга чуқурроқ кириб борган ўринларда ютади, воқеалар ҳақида ахборот бериш йўлига ўтиши билан ютқазиб қўяди.

«Боғ кўча болалари» даштларни боғ-бўстонга айлантираётган ёшлар ҳақидаги, уларнинг меҳнати ва севгиси ҳақидаги достондир. Шоир, бир томондан, меҳнат романтикасини очиб беришга интилади, инсон меҳнатини улуғлайди, меҳнаткаш, яратувчи инсон шаънига мадҳиялар айтади; иккинчи томондан, омонат севги доғи-юзтиробларини тасвир этиш, чин севгининг лаззати-юз ҳаётбахш-куч-кудратини тараннум этиш бобида куч синаб кўрмоқчи бўлади.

Поэма марказида бош қаҳрамон Асқарнинг тақдири туради. Шоир Асқар тақдирини тасвиirlашда тафсилотларга берилиб кетмаслик чорасини қидиради, Асқар тақдиридаги ҳал қилувчи моментларнигина танлаб олади, воқеаларни бир бошдан баён этиб ўтирумайди, уларни айланма йўллар билан бериб боради.

Агар воқеаларни тартибга солиб, бир ипга тизиб чиқадиган бўлса, шундай манзара ҳосил бўлади: Асқар бир вақтлар Баҳри исмли қизга кўнгил қўйган, қиз ҳам

йигитга сўз берган. Шу орада уруш бошланиб қолади, йигит жангга кетади. Асқар неча ўлимлардан омон қолиб, ёвни енгиб, ёр қошига қайтганда ғоят кўнгилсиз ҳодиса устидан чиқади, қиз аҳдни бузиб, ўзга билан турмуш қуриб кетган бўлади. Бу ҳодиса йигитни лашзага солади. Достоннинг шу нуқтаси Миртемирнинг «Сурат» поэмасини эслатади. Ҳ. Шәрипов худди «Сурат» автори каби алданган севги изтиробларини маҳорат билан кўрсатади. Бироқ авторнинг муддаоси фақат шундангина иборат эмас. Агар «Боғ кўча болалари» воқеаси шу нуқтада тугаб қолганда эди, «Сурат»нинг шунчаки қайтариғи бўлиб қолар эди. Аслида достон худди ана шу нуқтадан бошланади, гўё достон воқеаси «Сурат» воқеасининг давомига ўхшаб кетади. Йигит кўнгия дардига таскин бериш, ўзини озутиш ниятида даштга бош олиб кетади, у ерда боғ-роғлар барпо этишга киришади.

Орадан йиллар ўтади, йигит эса катта киши бўлиб қолади, у ўтқазган ниҳоллар боғга ейланади, у яратган боғлар эл оғзида достси бўлиб кетади. Асқар табиатда—қоқ даштда буюк ўзғарниш ясайди, айни вақтда унинг қалбида ҳам катта ўзғарнишлар юз беради. Бир вақтлар у «чин муҳаббат қандей бўлмоғин» бевафога кўрсатиб қўймоқчи, «пинҳон тутиб илк севги доғин» дунёдан танҳо ўтмоқчи эди. У шунга аҳд қилган эди. Агар Асқар шу аҳдидаги қаттиқ туриб, бир умр танҳо ўтиб кетганида, унинг бу қилмишини китобхон ҳеч қачон оқламаган бўларди. Асқар шундай одамки, унга аскетлик ярашмайди, Асқар табиатан чин севгига муҳтоҷ, чин севги, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга муносиб. Воқеалар давоми мантиқа мувофиқ бўлиб чиқади, Асқар ҳусну малоҳатда Баҳрини эслатувчи ўзи каби боғбон қиз Диlldорни севиб қолади. Қаҳрамон кўнглида ғалати ҳислар туғён уреди, бу севги унинг кўнглига ҳам ғавшлик солади, ҳам шодлик.

Асқар күнглидаги шодликка ғашлик илашиб қолиши нинг сабаби бор. Дилдор — Асқарнинг фарзанди тенг бир қиз. Шоир худди шу чигаллик муносабати билан қаҳрамон қалбидаги туғилган ҳис-туйғулар, ўй-хаёллар туғे нини гоҳ ошкора гоҳ пинҳоний йўллар билан ифода эти боради, сўнгра Асқар ёши улғайиб қолган бўлса ҳам күнгли ёш, у Дилдорни севишга ҳақли, деган хуносаг-келади, ўзининг бу хуносасига китобхонни ишонтиради Асқарнинг хатти-ҳаракатига китобхонда симпатия қўзғатади. Бунга шоир қаҳрамон қалбини таҳлил этиш орқали эришади. Гарчи шоир ҳали мавжуд имкониятларни ҳаммасини ишга сололмаган бўлса-да, Асқар психология мини тасвирлашда маълум муваффақиятларни қўялга киритган.

Афсуски, поэмадаги бошқа бир етакчи қаҳрамон — Дилдор ҳақида бундай дея олмаймиз. Маълумки, Асқар күнглидаги ғашлик, чигалликнинг бир ёқли бўлиши аввали қизга боғлиқ эди. Шоир буни ҳисобга олади, албатта Дилдор ҳам Асқарга меҳр қўйганини, Асқар саргузаштидан огоҳ бўлгач, қиз күнглидаги туйғу яна авж олганинг айтиб ўтади. Шулар билан баробар шоир китобхонни қилиб биографияси билан таниширади, унинг қандай қилиб чўлга келиб қолгани ҳақида хабар беради, қиз хислатлари — ишчанлиги, шаддотлиги, одоб-ахлоқи тўғрисидан кўп гапиради. Лекин шоир қиз қалбига қўл уриб кўрмайди: қиз отаси тенги одамни қандай қилиб севиб қолди ўша топда қиз күнглида нималар кечди — бу саволлар поэмада жавобсиз қолган. Шоир қиз хатти-ҳаракати ҳақида ахборот беради, қиз қилмишини ижобий ҳодиса тарзида баҳолайди, аммо уни психологик жиҳатдан асослаб бермайди. Шу туфайли достонда Дилдор образи бирмунча қуруқ чиққан.

Энди достондаги Баҳри образини олиб кўрайлик. Бу ёрда аҳвол бутунлай бошқача. Баҳри ҳақида асарда жуда

кам гапирилади, у фақат бир ўринда — достон охиридаги-на воқеага жиндек аралашади. Шу аралашувнинг ўзидаёқ китобхон Баҳрини жуда яхши билиб олади. Хўш, нега шундай? Чунки шоир ўша ўринда қаҳрамон ҳақида, унинг саргузаштлари ҳақида ахборот беришдан қочади. Қаҳ-рамоннинг бутун кечмишини унинг қалби, қалб драмаси, қалб сўзлари орқали беради. Баҳри ногаҳон Асқарнинг бўлғуси қайлиғи Дилдор билан учрашиб қолади. Баҳри кўнглидагиларини Дилдорга тўкиб солади:

Пешонамнинг шўрлигимиди,
Ота-онам зўрлигимиди,
Кўзларимнинг кўрлигимиди,
Ё ўзимнинг ғўрлигиммиди,—
Олтин кўриб мис дебман бир вақт,
Танимабман иқбол қушини.
Курешмасанг келмас экан баҳт,
Баҳт севаркан ботир кишини.
Менга унча қилмайди алам
Очилмасдан туриб сўлганим.
Оғирроқдир бир яхши одам
Умри учун зомин бўлганим,
Сизни кўргач,
Асқар севгиси
Очган эмиш янгидан ғунча.
Шу туфайли, эй, ўрмон қизи,
«Халоскорим» дейман ўлгунча.
Яшнаб-кулиб яшанг то абад,
Майли келса одамлар рашки.
Мен ҳам олиб сизлардан ибрат
Тополсайдим йўлимни кошки...

Нақадар самимий, нақадар ихчам сатрлар! Бу сатрларни ҳам қалб қўшиғи, ҳам қалб кўзгуси дейиш мумкин.

Бу қўшиқда аёл қалбининг торлари титраб садо бертирибди. Бу кўзгуда йўл қўйилган хато учун жафо чекан, аламлар ўтида ёниб мусаффо бўлиб қолган қалъанинг бутун борлиғи, драмаси барада кўриниб турибди.

Хуллас, поэма — бу — қалб қўшиғи. Достоннависла га даъватимиз шу: одамлар кўксига қулоқ тутинг, қалб га дадилроқ кўл уринг, қалб қэъридаги бор бисотлар қидириб топинг ва уни қўшиққа солиб куйланг. Чинака поэма фақат шу йўл билан туғилади!

ЖАНР ИМКОНИЯТЛАРИ

Уч-тўртта китоб чиқариб, тўрт-бешта достон ёзиб, кўпчиликка танилиб қолган шоир оғайним бир сұхбатда: «Ёзадиган фактларим, айтадиган гапларим жуда кўп, уларни шеъриятда ифодалаш қийин бўляпти, яхшиси прозага ўтиб кета қолсамми деб турибман»,— деди. Шунда бошқа бир шоир: «Ўзи шу нарса одат бўлиб боряпти — катта проблемаларни кўтариш, йирик инсоний тақдирларни қаламга олиш, кенг ҳаётий полотнолар чизишга келганда шоирларимиз шеъриятни ташлаб, ўзларини прозага уряптилар, ахир шеърият ҳам бунга қодир-ку, ҳар қандай катта проблемани, улкан инсоний тақдирни ифодалашга қодир поэтик жанрлар ҳам бор-ку»,— деб таъна қилди.

Худди шунингдек, танқидчилар орасида ҳам «шеъриятнинг торлиги»дан зорланадиганлар, «шеъриятга сифмай, прозага ўтиб кетган шоирлар» ишини маъқул кўрадиганлар топилади.

Қолаверса, айб фақат шоирлар билан танқидчиларда ҳам эмас. Кўпдан бери адабий жамсатчилик орасида прозага зўр умид боғлаш расм бўлиб қолган. Адабий жараён ҳақидаги докладлар ҳам нуқул роман устидаги баҳслардан бошланиб, очерк билан тугайди, ҳозирги вақтда адабиётнинг қиёфасини роман белгилайди, деган

гапни тез-тез эшитиб турамиз. Шу ҳол мени поэма жанр масаласига яна қайтишга мажбур этди.

Шубҳасиз, хаётнинг кенг манзарасини чизишда романнинг имкониятлари бекиёс, ҳозирги адабий жараённи романсиж тасаввур этиш асло мүмкин эмас; амм шеъриятда ҳам имкониятлари жиҳатидан романдан қо лишмайдиган жанр — поэма бор, адабиёт ривожини по масиз тасаввур этиб кўринг-чи, бу ҳам асло мүмкин эмас. Ватан урӯши ҳақидаги «Василий Тёркин», «Қон ва хок поэмалари ифода кўлами жиҳатидан қайси жанг романларидан қолишади?

Адабий жараёнда шундай ҳоллар мавжуд: баъза бошқа жанрлардаги йирик эпик асарлар поэмага нисбат берилади. Н. В. Гоголь «Ўлик жонлар»ни поэма деб атаган. Атоқли киноарбоб Довженко машҳур бир фильмни поэма деб номлаган. Бу нарса тасодифий эмас — поэманинг катта имкониятидан далолат. Ёки, аксинча, адабиётшуносликда поэма жанри намуналарига роман деб нисбат бериш ҳоллари ҳам учрайди. Айрим адабиётшунослар «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин» типидаги достонларни эпик тасвир кўламига қараб роман жанри намунаси сифатида баҳолайдилар¹. Ҳолбуки, бутур асарлар поэма жанрининг энг яхши намунаси. Адабиётшунослар поэмада романга хос хусусиятларни кўрган эканлар, бу ҳам достон жанрининг улкан имкониятини яна бир бор тасдиқлайди.

Яхшики, кейинги вақтларда шу ҳақиқатни тан оладиган, поэзияни, поэмани қатъий туриб ҳимоя қиласиган поэма ҳам роман каби ҳалқ ҳаётидаги бутун-бутун даврларни таҳлил этишга, романдаги каби мураккаб характерлар, катта инсоний тақдирлар яратишга қодир эканини.

¹ Маҳмудали Юнусов. Барҳаёт анъаналар, 1969, 64—65-бетлар. Ў. Мұхитдинов. Поэма ҳақида ўйлар, 1969, 4—5-бетла-

ни эътироф этадиган кишилар сафи тобора кенгайиб бормоқда; аввало шоирларнинг, достоннависларнинг ўзлари шу сафнинг олдида турибдилар. «Бир вақтлар фалсафа фани фанларнинг фани саналар эди,— дейди таниқли достоннавис Марцинкевичюс.— Худди шунга ўхшаш поэмани ҳамма жанрларнинг жанри, дегим келади. Адабиётнинг бутун кўп ёқлама тажрибасига таяниб туриб поэма гўё жамият ҳаёти ва фикрининг маълум босқичини умумлаштиради, зиддиятлар ва курашлар фожиасини ҳис этган ҳолда давр ва замон типи бўлмиш характерлар яратади»¹.

Боя эслатилган сухбатда поэмани ҳимоя қилган шоир — достоннавис Ҳусниддин Шарипов эди.

Достоннавислар поэманинг нималарга қодир эканини амалда ҳам намойиш этаётирлар. Адабиётимиз тарихида ҳеч қачон ҳозиргидек кўп достон битилмаган. Фақат кейинги уч йил ичида бизда элликдан ортиқ достон эълон қилинди, «Шарқ юлдузи» журнали достонсиз чиқмайдиган бўлиб қолди. Шуниси характерлики, уч-тўрт йил бурун достончиликни асосан ёшлар тебратиб турган эди, ҳозирги кунда эса бу жанр ривожига катталар ҳам таъсир кўрсатаётирлар. Бир вақтлар «шеъриятга сифмай», прозага ўтиб кетган айрим адиллар яна достончиликка қайти. Энг мұхими, жанр тараққиётида чукур ички жараёнлар рўй беряпти. Жанрнинг асл моҳиятини белгилайдиган эпик тасвир санъати кўтариляпти, унда ҳам худди романдаги каби мураккаб эпик характерлар пайдо бўляпти, бадиий форма соҳасида дадил изланиш, услугубда хилма-хилликка интилиш, янги ифода воситалири қидириб топиш, шу билан баробар эски достончилик анъаналарини давом эттириш, ўтмишда тўпланган бой

¹ Ю. Марцинкевичюс. Судьбы поэмы. Сб. «Литература и современность», М., 1967, стр. 373.

тажрибаларни қайта синовдан ўтказиш — демак изланиш
изланиш ва яна изланиш — ҳозирги достончилик ривож
даги асосий нарса ана шундан иборат.

Тўғри, изланишлар ҳар доим ҳам кутилган натижаси
бераётир дейиш қийин, жанр тараққиётида қийинчиллилар
борлигини кўриб турибмиз, жанр талабларига рисола
этмаслик ёки аксинча, жанр имкониятларидан етарлар
фойдалана билмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди. «Лите-
ратурная газета»нинг 1965 йили поэма ҳақида бўлиб ўт-
ган мунозарасида яхши бир гап айтилган эди — поэмадоқ
бўлиши керак, поэма бундоқ бўлиши керак, де
кўрсатма бериш ўринсиз; жанр ривожининг аниқ йўлинг
олдиндан белгилаб қўйиш сира мумкин эмас. Адаби
ҳодиса ниҳоятда сеҳрли жараён. Ҳатто у кечаги энг ақллар
хулосаларни ҳам бугун рад этиб қўявериши мумкин. Лекин
шундай бўлса ҳам бадиий ижоднинг кўп йиллик таж-
риба асосида тўпланган шундай қатъий қоидалари, та-
лаблари борки, уларга амал қилмай туриб дадил олға ба-
риш асло мумкин эмас.

I

«Поэма бу катта масалага катта жавоб» деган гап
да ҳикмат кўп. Чунки чинакам поэма ҳамиша катта проб-
лемадан туғилади; катта фикр, кучли туйғу — поэмани
оёқка турғизадиган куч ана шу.

Асарда кўтарилиган проблеманинг салмоғи кўп жиҳади
дан асар учун олинган ҳаётий материалнинг характерига
боғлиқ. Айрим адабиётшунослар бу масалага бир ол-
менсимай қарайдилар, бадиий асар материалини ўтиш
бир нарса деб тушундилар, санъаткор ҳар қанақа ҳоди-
садан ҳам асар ясайвериши мумкин, деган фикрни илгар
сурадилар. Ҳолбуки, ҳақиқий санъаткор ҳеч қачон мате-
риал масаласига бефарқ қарай олмайди. Чунки ҳам

Қанақа ҳодиса ҳам бадиий асар материали бўлавермайди. Санъаткорга кучли таъсир этган, унинг ҳаётида, қалбида чўкур из қолдирган, унга тинчлик бермаган, айтмаса, ёзмаса туролмайдиган, давр учун ҳарактерли бўлган ҳаёт фактигина, ёзувчида хилма-хил туйғулар, янги-янги фикрлар уйготган нарса — ҳодисагина ҳақиқий бадиий асарнинг материали бўла олади. Ҳаётда ҳаяжонли ҳодисалар кўп, гарчи улар қанчалик ҳаяжонли ва аҳамиятли бўлмасин, уни ҳали бадиий асар материали дея олмаймиз. Қачонки ҳаёттий материал ёзувчи қалбидан ўрин олса, қалб мулкига айланса, уни илҳомлантиrsa, шундагина бадиий асар материалига айланади. «Мен ёзувчи қалбида ўт ёқишига қобил бўлган ҳаёт ҳодисасини материал деб биламан,— дейди атоқли адаб Л. Леонов.— Бу ўтдан ё ўша ҳолат, ё ўша кечака, ё ўша кун, ё ўша давр ёришиб кетсин. Ёзувчи қалбининг бир бўлагига айланган ҳаёт ҳодисасигина санъат асарнинг материали саналади»¹.

Дарҳақиқат, материалда гап кўп. Негаки, бадиий ижод материал ташлашдан бошланади.

Ҳозирги поэмаларнинг кўпчилигига яхши бир хусусият мавжуд — уларда авторларни қаттиқ ҳаяжонга солган, қалбида дард бўлиб ётган ҳодисалар қаламга олинади. Бу дардни айтиш, ифодалаш улар учун маънавий заруриятга, ижтимоий бурчга айланган. Буни авторларнинг ўзлари ҳам эътироф этадилар.

Эркин Воҳидов «Нидо»да қаҳрамонга хитобан:

«Багрим ўйиб,
букун менга бермоқда взоб
Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.
... Қалбим ўртамоқда сўнгсиз армоним...

¹ Л. Леонов. По координатам жизни. Сб. «Литература и современность». М., 1967, стр. 355.

Юрак қоним билан битган достоним
Сизга бағишиладим, отажон!»

деса,

Назарматнинг «Юракдаги ўқ» достони қаҳрамони:

«Орагимга бир ўқ кўмилган,
Кўпни эса ўқ кўмган ерга...
...Яраланган юрак беором
Дарё бўлиб тошиб боради.
Ярасига сўрап интиқом,
Ўқ азоби ошиб боради»,—

Дейди. Саида Зуннунова «Қўшниларим»да:

«Талай шеърлар ёздим, дилимда ётган
Шодлигу қайғуни битдим эрта-кеч.
Аммо, бир алам бор тикандай ботган,
Унинг жароҳати тугамади ҳеч»,—

деб ёзади. Демак «Нидо», «Юракдаги ўқ», «Қўшниларим»— буларнинг ҳар бири авторлар қалбидаги кучли дарднинг ифодаси, нидоси.

Қисқаси, поэмаларнинг кўпчилигида шоир қалбининг мулки бўлиб қолган, унга тинчлик бермаган, айтмаса ёзмаса бўлмайдиган ҳодисалар тасвирланади. Ана шу худусиятнинг самараси ўлароқ, поэмалар муаммовий (проблематик) характер касб этаётир, муаммолар эса ўткизбекларни драматизм билан йўғрилиб кетаётир, драматик асос билан муаммонинг қалбга яқинлиги асарларга алоҳидаги самимият, илиқлик баҳш этяпти.

* * *

Қалбга яқин, ҳаяжонли проблематик ҳодисаларни қаламга олинаётганлиги яхши, аммо ҳозирги достончлик ривожида бундан ҳам характерлироқ жараён — драматизм.

матик асоснинг ифодаси соҳасида хилма-хил изланишлар борки, буни кўриб қувонасан киши.

Драматик асос қанчалик ҳаяжонли, ҳаётий бўлмасин, муносиб шаклини тополмаса кўнгилдагидек чиқмайди. Баъзан шундай бўлади: автор асар учун яхшигина материал топади, аммо уни тайёр андозаларга солади-да, ишни барбод этади — ҳаётдаги реал қийинчиликлар, чигалликлар бу ёқда қолади-да, қаҳрамон йўлига сунъий ғовлар ташлайди, уни зўрлаб олишувга тортади, олишувни эса албатта унинг фойдасига ҳал этади. Ҳар ҳолда бу хил трафарет конфликтлар камайиб боряпти; асарга бевосита ҳаётнинг ўзини олиб кириш, ҳаётни бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш — ҳозирги достоннависларнинг муддаоси ана шундай.

Эркин Воҳидовнинг «Чароғбон» достони бир қарашда конфликтдан холидек туюлади, унда одат тусига кириб қолган ижобий ва салбий қаҳрамонлар тўқнашуви кўринмайди, лекин достонда зўр драматик асос бор. Ғоят мураккаб оғир шароит билан шу шароитга зид туюлган дадил орзу орасидаги зиддият асарнинг драматик асосини ташкил этади.

Шоир достоннинг муқаддимасида дейди:

«Одамзод энг юксак камолотига
Кўтарилар экан
пояма-поя,
Олур мадад доим
хаёл қанотидан,
Хаёл эса,
Билмас ниҳоя...»

Достон қаҳрамони Ленин ана шундай одам эди, эзгу хаёл, дадил орзу, ҳалқ құдратига, унинг истиқболига ишонч Ильичнинг характерли хислатларидан эди, яқиндан билганлар кўпинча доҳийни романтик деб аташар

эди. Ленин табиатидаги худди шу хислат шоир эътирини ўзига тортади.

Достонда Лениннинг Россиянинг порлоқ истиқбозақидаги хаёллари билан танишамиз, Ленинни чароғбозолда кўрамиз. Доҳий сиймосини чизишдә мадхияблек ҳам йўқ, доҳийдаги оддийликни, одамийликни тикидлайман деб уни жўнлаштириб юбориш ҳам йошоир доҳийни бутун улуғворлиги билан кўрсатишга тилади. Асарда тасвирланган эпизодларнинг барча ҳақиқат. Ленин Сибирь сургунида, олис Енисей сохида тирида туриб нур ҳақида хаёл суради, дўсти Глеб бил зулматда ётган Россияни чароғон қилиш ҳақида гаплашади, «Йигирманчи йил осмонда оғир булутлар сузсанган» бир шароитда қолоқ Россияни электрлаштирилганса Россияга айлантириш ҳақида ўйлади, ГОЭЛРО пластида бош қотиради, юрт оч ва юпун, душман останда қилич кўтариб турган бир кезда Ленин жансу Уэллсга қашшоқлар элини зиё билан маъмур этиш ҳақида гапириб, уни ҳайратга солади. Ленин ўзининг буюргулари билан хаёлпараст ёзувланини ҳам ортда қолдирив кетади.

Худди ана шу нарса — қаҳрамон хаёлоти, орзум билан вазият орасидаги «номувофиқлик» асарга драматик рух бағишилайди; бу драматизм қанчалик кескин бўлмасин, фожиага олиб бормайди, қаҳрамон идея билан шароит орасидаги зиддият — ҳал этиш мумкин бўлган зиддият; орадаги «номувофиқлик» қанчалик кескин бўлмасин, қаҳрамон орзу-хаёллари ўз дарига нисбатан қанчалик дадил бўлмасин, улар — реал ҳаётний. Ўша оғир шароитдаёқ Ленин орзулари рўёбчиқа бошлайди, Октябрь инқилоби дадил хаёллар амалга ошириш учун имкониятлар очиб беради, халининг ғайрат ва ташаббуси авж олади — достонда бўдалил сифатида автор Кошино воқеасини келтиради.

Асар конфликтининг ўткирлиги, драматизмнинг кескинлиги ижобий қаҳрамоннинг фаоллигига боғлиқ деган гапни кўп эшитамиз. Бу гап умуман тўғри, лекин уни универсал усул деб тушунмаслик керак. Баъзан қаҳрамоннинг «нисбий пассивлиги» ҳисобига ҳам драматизм кескинлашиши мумкин.

Бу жиҳатдан Ойбекнинг «Гули ва Навоий» достони характерли. Маълумки, атоқли адаб Навоий ҳақидаги аввалги асарларида асосий диққат-эътиборни буюк шоирнинг ижтимоий фаолиятига, ижод психологиясига қаратиб, унинг оиласиб — интим ҳаётини очиқ қолдирган эди. Бу гал автор Навоийнинг худди шу интим дунёсига мурожаат этади, бунда Навоий ва Гули ҳақидаги ҳалқ афсонасига таянади, афсонадан ҳақиқат қидиради. Достонда Навоийнинг улуғвор сиймоси билан яна танишамиз, Навоий ва Бойқаро муносабатларига оид янги лавҳалардан огоҳ бўламиз, Навоий фожиасининг яна бир янги қиррасини билиб оламиз. Ошиқ Навоийнинг ошиқ қалби, севги қувончлари ва изтироблари ғоят ҳаяжонли ифода этилган.

Навоий ва Гули муносабатлари «Алишер Навоий» драмасида ҳам бор, у ерда орага Бойқаро аралашиб, можаро кескин тус олади, Навоий билан Бойқаронинг жиддий тўқнашувига сабаб бўлади. «Гули ва Навоий» достонида эса бунақа тўқнашув йўқ. Бойқаро Навоий билан Гули орасидаги севгидан бехабар ҳолда Гулига ошиқи шайдо бўлиб қолади. Бу ҳол Навоийни парзага солади, у изтироб олови ичида қолади; Навоий Бойқарога яқин дўст, беназир вазир; дўстлик, вазирлик ҳурмати бу борада Бойқарога қаршилик кўрсатмайди, қолаверса у бундай қаршиликдан ҳеч қанақа яхши натижачиқмаслигини билади; шу териقا икки ошиқ қалб бир-бираiga қовушмай туриб орада абадий ҳижрон бўшланади, гарчи қаҳрамонлар орасида бевосита тўқнашув,

олишув бўлмаса-да, драматик ҳолатнинг миқёси адад сиз.

Драматик асоснинг шу хилдаги ифодасини О. Ҳакимовнинг «Учрашув» достонида ҳам кўриш мумкин. Достон қаҳрамони чет эл саёҳати вақтида тақдир тақозоси билан ашаддий рақибига дуч келади. Қаҳрамоннинг сұхбатдоши Бек бир вақтлар босмачилар тўдасига бош бўлган, советларга қарши курашган, қаҳрамон дунёга келган куни уни отасидан жудо этган, ажойиб ватанпарвар курашчини ўлдириб кетган. Орадан йиллар ўтиб икки қасоскор бир-бирига тўқнаш келади, иккаласининг қалбида ҳам интиком, иккалови ҳам кескин руҳий кечинмалар билан банд, лекин иккалови ҳам қалб туғенини тийишга мажбур.

«Ҳамон ўтирибмиз — бесас, юзма-юз
Дилларда тўфону, тиллар этмас чурқ», —

дейди достон қаҳрамони. Мана шундай — сиртқи осоишиллиқда кескин драматизмни кўради автор.

Қаҳрамонлараро зиддиятларнинг сусайиши ҳисобига ички драматизмнинг кескинлашуви Р. Абдурашидовнинг «Қуёшга қўл кўтарган» достонида ҳам бор. Достон қаҳрамони Содик ҳаётда адашган, катта хатога йўл қўйган одам, қачонлардир у ғаламислар васвасасига учиб, маърифат қуёшига қўл кўтарган, қишлоққа маърифат тарқатиш учун келган ўқитувчи қизни ўлдирган. Бу қилмиши учун жазо олган, ўн беш йил қамалиб чиқкан. У яна ўзи туғилиб ўсган қишлоғида, одамлар орасида. Ҳалқнинг бағри кенг, одамлар унинг гуноҳини кечиб юборган, ҳеч ким унга даъво ҳам, таъна ҳам қилмайди, кўнглидаги лат зирқираб турса ҳам, ҳалқ олижаноблик қиласди, уни яккалаб қўймасдан, қаторга олади. Бироқ шундай бўлса ҳам Содик эл орасида ўзини эркин гутолмайди, одамлар кўзига тик қаролмайди, эл кўзидан

паналаб юради, одамлар уни кечиради-ю, аммо виждени асло кечирмайди.

«Билади:

онадек меҳрибон қишлоқ
У мудҳиш гуноҳин кечган онадек.
Нон берган, жой берган қишлоғи, бироқ...
Ўзини сезади у бегонадек.
Билади, ўн беш йил бедарак кетиб,
Уйим деб келгандан дил ютиб, муштоқ,
«Қотил» деб кўксига бир ёрлиқ битиб,
Багридан қувмади, қайтадан қишлоқ
Ҳаттоки юзига бирор марта ҳам
Гуноҳин солмади...
сўрамади хун.

Ва лекин имони қилмасди қарам.
Кўзига тор эди бу чархи гардун.
...Қалбига шу йўсун чарх урса ҳаёл
Булутдек бостириб келгандан ўйи.
Кўксини чанглаб тўлғанади чол,
Кичрайиб кетгандай бўлади бўйи...»

Кўряпсизми, ташқи зиддиятлар зарби сусайган сари ички зиддият ортиб боради, қаҳрамон ўзини ноқулай хис этади, виждан азобида ўртанади, қалб драматизми шиддаткор тус олади.

Конфликт ифодаси бошқа достонларда яна ўзгача, қайси кўринишда бўлмасин, энг яхши достонларнинг барчаси жиддий драматик асосга эга. Зотан, жанрнинг қатъий талаби ҳам шу — достон ўткир драматик конфликт билан тирик.

Сайёрнинг «Ўроқ ва болға», «Зафар» достонлари изланиш маҳсули экани тушунарли, автор конфликт қуришда схематик андозалардан қочишига интилган, ле-

кин андозадан қочаман деб жанрнинг талабини унуган, асар драматизмдан холи этиб қўйилган.

Ҳар иккала достонда қаламга олингән масала мухим — шоир шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат орасидаги тафовутларнинг йўқолиб бораётганини таъкидламоқчи. Афсуски, ана шу мухим ҳодиса достонда ниҳоятда юзаки, бир ёқлама ифода этилган. Автор ана шу мухим ҳодисани чуқур идроқ қилмай, оригинал тарзда ҳис этмай, ўзлаштиrmай, ўз қалбининг мулкига айлантиrmай туриб достон ёзишга киришган, натижада ҳодисанинг ички зиддиятлари эътиборидан четда қолади: ҳар иккала асарда ҳам мудда ниҳоятда силлик, осон ҳал бўлади.

«Ўроқ ва болға»даги воқеага, севги саргузаштига қаранг. Пахтакор қиз терим машинасининг ёмон ишлаёт-ганидан шикоят қилиб шаҳарга хат йўллайди, хатни олинган конструктор йигит дарҳол қишлоққа, тўппа-тўғри қиз хузурига этиб келади, йигит билан қиз машина тузатаман деб тун бўйи далада қолиб кетади, табиийки, бундай учрашув изсиз кетмайди, орада муҳаббат пайдо бўлади; икки қалб қовушай деб турганда орага говлар қўйиш ўринисиз, автор буни истамайди, «оригинал» йўл тутади, ишқ муаммосини осонгина ҳал этиб қўя қолади қизнинг онаси ҳам, колхоз раиси ҳам бу ишга хайриҳоҳ буниси-ку майли-я, йигит қизни деб заводини, ўзи севган конструкторлик касбини ташлайди-да, ҳеч қанақ ўй-андишасиз шартта қишлоққа кўчиб келади; воқеятўй билан якунланади, шоир таъбири билан айтганда икки ёш ўроғу болғадек бирлашади...

Воқеанинг шу хилдаги талқини танқидчи Ўлмас Муҳиддиновга маъқул келади. Ўлмас «Земондошимиз образи» мақоласида ёзади: «Автор мазкур мавзуни бошқа бир тахлитда — конфликтлироқ ҳам қилиб ёзиши, қаҳрамонларни мураккаб ситуацияларга солиб ҳам кў-

йиши мумкин эди. Бироқ у масалани енгил, юмористик ҳал этиб ҳам чакки қилмаган. Асар ўқимишли ва муҳими—қаҳрамонлари психологияси жонли, ҳаётий чиққан». Автор давом этэди: «Хуршиднинг бир неча ойдан сўнг қизга совчилар йўллаб, ўзи ҳам ниҳоят колхозга кўчиб боргани поэмада чиройли ҳикоя қилинган». Сўнгра автор мұлоҳазаларига якун ясаб: «Бу жиҳатдан «Ўроқ ва болға» поэмаси муаллифнинг воқелигимизни реалистик кўрсатиш йўлида олға қараб қўйган қадами»¹ дейди.

Демак, мақола авторининг даъвосига кўра, поэмадаги ходиса гўзал, мукаммал, қаҳрамонлар психологияси жонли, ҳаётий, масаланинг шу хилда енгил, конфликтсиз ҳал этилиши ижобий. Ахир достонда, танқидчи Иброрхим Гафуров таъкидлаганидек, ички ўй етишмаётгани, қаҳрамонлар ва вазиятлар ёлғиз ташқаридан тасвирланавётгани, персонажларнинг ўзаро муносабатлари уйдирма асосга қурилгани шундоқ кўриниб турибди-ку! Улар на психологик жиҳатдан асосланган, на ҳаётийлиги далилланган.²

Масаланинг «конфликтсиз», «енгил», «юмористик» ҳал этилишини оқлаш билан Ўлмас камида икки хатога йўл қўяди. Биринчидан, конфликтсиз ҳам яхши асар яратилавериши мумкин деган фикрни илгари суради, иккинчидан, конфликтни юморга қарама-қарши қилиб қўяди. Наҳотки масалани юмористик ҳал этиш асарнинг конфликтдан холи эканини англатса! Юмор табиатининг ўзи зиддиятни тақозо этади-ку! Ҳақиқий кулги форма билан мазмуннинг номувофиқлигидан келиб чиқади-ку!

¹ Ўлмас Муҳиддинов, Замондошимиз образи, «Ўзбекистон маданияти», 1968 йил, 26 июль.

² Иброрхим Гафуров, Достончилигимиз ҳақида. «Ўзбекистон маданияти», 1968 йил, 16 август.

«Ўроқ ва болға»га келсак, унда ҳақиқий юмор йўқ, чунки асарда кулги туғдирадиган мұхим ҳаёттій комик зиддиятнинг ўзи йўқ. Тўғри, асарда айрим юмористик штрихлар бор, бироқ улар «(масалани ҳал этадиган)» дарајасада эмас.

«Ўроқ ва болға» поэмаси мұаллифнинг өвоқелигиге мизни реалистик күрсатиш йўлида олға қараб қўйганинг қадами, деган даъвога келсак, бу энди асарни баҳолашда меъёрдан чиқиб кетишининг ўзгинаси. Асарни ўқигандеги ҳаётта юз берәётган улкан ва ғоят мураккаб жараён - ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат, шаҳар билан қишилоқ орасидаги тафовутларнинг йўқолиб бориши ниҳиятда осон, ҳеч қанақа қийинчилекларсиз кечаётгандеги таассурот қолади. Ғоят мураккаб жараён ҳақида шундай қа юзаки, бир ёқлама таассурот қолдирадиган асарнинг қандай қилиб ҳаётни реалистик күрсатишда олға қўйиган қадам деб бўларкан!!

«Зафар» достонини «Ўроқ ва болға»нинг бошқачаси роқ варианти дейиш мумкин. Марказдан келган мұхбита қызы олис бир қурилишда оддий ишчи йигит билан танышади, орада севги туғилади, энди қызы қурилишни йигит ҳузурига келиши керак. Асар охирида, гарчи тўғлиб бўймаса-да, шунга ишора бор. Бу ерда шоир ҳаёттаги бир оз яқин келган, қаҳрамон қалбига қулоқ тутиб кўрган; қисман бўлса-да, одамлар тақдирини, кишиларарни муносабатларнинг мураккаблигини ҳис этган. Достлик қаҳрамони Зафар ишда илғор, аммо шахсий ҳаёти кемаллий, болаликда отадан етим қолган, кўнгли яримта, севгида омади юришмаган, шунча йилдан бери ҳеч кимни кўнгил бермаган. Бунинг учун дўстларидан дакки эши тади, ҳамма уни «яримта» деб аташади. Шу орада унини бахти кулиб қолади, барно қызы Чаманга дуч келади. Ошиқ қалбидаги севги туйғуси «Ўроқ ва болға»дагиде силлиқ эмас, зиддиятли: йигит изтиробда мен кимманинг

у ким деб ўйлади. Афсуски, шоир бу ҳолатни жуда осон бартараф этади, қиз йигит тарихи билан танишгандан кейин дарҳол унинг севгиси олдида таслим бўлади қолади. Шоир масалани ҳал этишда қиз қалбини дуруст-роқ тинглаб кўрмайди, муаммонинг бир ёқли бўлишида ҳал қилувчи фигура қиз қалбидаги жараёнлар автор эътиборидан четда қолади. Ахир йигитни деб ота-она қучогини, севган касбини ташлаб, олис бир қурилишга кетишга жазм этиш — силлиқина кечадиган жараён эмас-ку.

Қаҳрамонлар ҳаётини, кишилараро муносабатларни бутун мураккаблиги билан ҳис этиш ниҳоятда мұхим, аммо ҳаётдаги зиддиятларни ҳис этиш, таъкидлаш билангина иш битмайди; асарда конфликт бўлса-ю, мантикий жиҳатдан пухта асосланмаса, можаролар бевосита характерлар моҳиятидан келиб чиқмаса яна чатоқ.

Гулчеҳра Жўраеванинг «Чавандоз» достонида ҳам ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат, шаҳар билан қишлоқ кишилари орасидаги муносабат масаласи кўтарилган. Бу ерда масала бошқа таҳлитда қўйилади, шоира қаҳрамонлараро муносабатларга ўзича ёндашади, орада жиҳдий тўқнашувлар рўй беради, шу тўқнашув туғайли икки ёшнинг оиласвий ҳаёти барбод бўлади; демак «Ўроқ ва болға» ҳамда «Зафар»дан фарқли ўла-роқ, бу достон «жиҳдий конфликт» асосига қурилган, аммо бу жиҳдий конфликтнинг замини омонат. Кўринишда можаро жиҳдий-ю, можарога асос бўлган конкрет вожлар ножиҳдий. Шоира қаҳрамонларни можарога атайлаб тортаётгани, вазиятни атайлаб кескинлаштираётгани шундоққина сезилиб турибди. Кечегина қишлоққа, қишлоқ кишиларига меҳр қўйган шаҳарлик студент йигит агрономлик дипломига эришгач, бирдан ўзгариб, шаҳарни қўмсаб қолади, севгилисини — меха-

низатор аёлни шаҳарга кетишга даъват этади, ё машинаси дейсан, ё мени, деб туриб олади.

Хўш, йигитдаги бу хил кескин ўзгаришининг боиси нимадан иборат? Эҳтимол, йигит қишлоқда қийинчилликларга дуч келгандир, қишлоқдаги мураккабликлар унинг ерга, касбига бўлган меҳрини сўндиргандир, эҳтимол у хотинининг оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлишини истамас, эҳтимол, йигит дипломли бўлгач, эр-хотин орасидаги маданий савия тенг келмай қолгандир... Ҳад ётда мавжуд бўлган бу хил жиддий ҳодисаларнинг бирортаси ҳам улар орасида юз бермайди. Асосий ҳаётний омиллар бу ёқда қолади-да, шоира йигитнинг қишлоқда қололмаслигига арзимас бир нарсани рўйнинг қилинтиради:

«— Номус менга бўлмоқ
Бунда ичкуёв.
Мард кишига лозим.
Ор,nomus, ҳаё!»—

дейди йигит ҳайқириб. Ана шу «иснод»га чидолмага йигит масалани кўндаланг ҳал қиласи, хотин билан ороши очди қилиб, шаҳарга жўнайди, бошқасига уйланни олади. Гап ичкуёвликни ёқтирмасликда Бўлса, уни ҳаётниш осон-ку, шаҳарга кетмай туриб ҳам бартеради этиш мумкин эди-ку!

Конфликт фақат кескинлиги билан эмас, ҳаётийлигидавр учун характерли экани билан кучли. Назарматнинг «Шарқ гули» достонини ўқиганда шу талебдан чекинишнинг оқибатини яққол кўриш мумкин. Қиз ўқишини туттагач, уйда ўтириб қолади, онаси унинг ишлашига қаршилик кўрсатади, севган йигитнинг, дўстларининг жони бозлиги туфайли «эркинлик»ка чиқади, ишга киради иш меҳнатда баҳтини топади. Аёлларни уй чўрилигидан озод этиб, ижтимоий фаолиятга тортиш масаласи йи-

гиришчи, ўттизинчى йиллар учун характерли эди. Эндиликда, 60-йилларга келиб, масалани худди ўша таҳлитда қўйиш қандай бўларкан? Ҳозирги кунда аёлнинг ишлашига тўсқинлик кўрсатишнинг ўзи қизиқ. Эҳтимол, ҳаётда онда-сонда шу хил ҳодисалар учраб турар, лекин бунаقا хусусий можаро бўтун бошли поэмага асос бўлолмайди.

Бу ҳодиса поэма учун кифоя қиласлигини авторнинг ўзи ҳам сезади шекилли, қаҳрамонларига яна қандайдир ишлар қилдиргиси келади, асар охирига бориб улар ҳаётида яна бир бурилиш ясади. Комбинатда гулгул очилиб, ўз маҳоратини намойиш этаётган қиз шаҳарни ташлаб, чўлга отланади. Қизига кўчага чиқишни ҳам раво кўрмай турган она дарҳол бунга рози бўла қолади, ҳатто у қизи билан бирга қувона-қувона чўлга кўчиб келади.

Айрим достонларда бошқача нуқсонга дуч келамиз — улардаги можаролар ҳаётий, авторлар ҳаётнинг ўзини, ҳаётий муаммоларни поэмага олиб киришга тиришадилар, аммо Бу хил гаплар, можаролар поэма учун кифоя қиласли эмас, уларнинг салмоги жанр учун енгиллик қилиб қоляпти. Бу қусур хусусан она юрт ҳақидаги достонларда кўпроқ учрайди.

Кейинги йилларда ўзи яқиндан билган, ўзи яшаган, ўзи учун қадрден бўлган она юрт, маҳалла-кўй ҳақида достон ёзиш одат бўлиб қолди. «Тошкентнома», «Менинг меҳаллем», «Она юрт қўшиғи», «Қаватлар қўшиғи», «Қўни-қўшнилар», «Қўшниларим»— буларнинг барчаси она юрт ҳақидаги достонлар. Фақет ўзбек шеъриятида эмас, барча қардош халиqlар адабиётидага ҳам шу хил ҳодисани кузатиш мумкин. Бунинг сабабини шоир Михайл Луконин шундай изоҳлади:

«Нима учун шоирлар она юрт сари бу хил толпинаётирлар? Шунинг учунки, она юрт бутун тафсилотлари

билин уларга таниш. У ердаги ҳаёт улар учун ниҳоятда аниқ-равшан, охирги ҳужайраларигача тушунарли»¹.

Айрим ўртоқлар она юрт сари бу хил толпиниши биқиқликка олиб бормасмикин, деб хавотир олаётirлар. Шоир Луконин эса, бунақа хавотирланиш учун асос йўқ, аксинча, аниқ ҳаётий тафсилотлар ҳаёт ва ұнинг муаммолари ҳақида кенг фикр юритишига қулайлик туғдиради, деб ҳисоблайди.

Дарҳакиқат, қатор достонларда она юрт мавзуи катта умуминсоний масалаларни күтариш учун халақит берган эмас, аксинча, қулайлик туғдирган, авторларни мавҳум мулоҳазакорликдан, предметсиаликдан холос этган. Она юрт ҳақидаги достонларнинг сўнгги дуруст намунаси — С. Зуннунованинг «Қўшниларим» асари. Аммас ҳар доим ҳам шундай бўлаётганий йўқ. Баъзи достонлар хонаки гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаётir.

Юсуф Шомансурнинг «Қаватлар қўшиғи» қасида-достони ҳаётийлиги билан диққатга сазовор. «Бахт» ва «Қонсиз фожиа»га нисбатан бу ерда шоир ҳаётга жуда яқин келган. Достоннинг умумий конфлиktи ҳам ҳаётий: лирик қаҳрамон қисқа муддат ичida бунёд бўлган гўзал шаҳри билан фахрланади, шаҳридаги яхши одамлар, яхши удумлардан қувонади, айни вақтда шаҳрининг гўзал жамолига доғ бўлиб тушаётган иллатлар, қолоқ тушунчалар, расмиятларни кўриб тоқати тоқ бўлади. Ҳаётдаги ана шу зиддиятли ҳолатлар лирик қаҳрамон қалбida зиддиятли туйғулар, фикрлар уйғотади. Бироқ шоир ҳаётни, ҳаётдаги зиддиятларни бераман деб ҳамма нарсани — лоторея билети, қўшинлар деворида очилган туйнукдан тортиб, автобусдаги билету дорга ёйилган кирларгача поэмага олиб кираверади. Оқибатда достон ўз салобатини йўқотади, «икир-чикирлар», майда гаплар йиғиндисига айланиб қолади.

¹ «Литературная газета», № 43, 1968.

Худди шу хил нуқсон Тўлқиннинг «Қўни-қўшнилар» достонида ҳам тақрорланади. Бу ерда ҳам лирик қаҳрамон маҳалласи ҳақида кўрган-кечирғанларини оқизмай-томизмай бир бошдан ғоят соддадиллик билан гапираверади. Бу ерда лирик қаҳрамоннинг манфаат, фикр доираси ниҳоятда тор, у маҳалласи «оламидан», шу «ҳаёт»дан нарига чиқолмайди.

Поэма ўз номи билан поэма, бу мўътабар жанр учун дуч келган нарса-ҳодисани материал қилиб олавермаслик керак.

II

Драматик асоснинг жиддийлиги ҳам, фикрнинг салмоқдорлиги ҳам оқибат-натижада **асар қаҳрамони ҳётининг моҳиятига боғлиқ**.

Бадий асар қаҳрамони қандай бўлиши керак, фавқулодда шахслар қаҳрамон бўладими ёки оддий одамлар ҳам қаҳрамон бўла оладими, деган масала теварагида кейинги йилларда кўп баҳслар бўлди. Энг одил судья — адабий жараённинг ўзи. Тажриба шуни кўрсатяпти, бу борада ҳам авторга рецепт бериш мумкин эмас. Шу билан баробар, бадий ижоднинг муҳим бир қонунияти яққолроқ аён бўлиб қоляпти: санъаткорни кўпинча одамлар ҳётидаги фавқулодда ҳодисалар, кишилар табиатидаги фавқулодда, характерли хусусиятлар қизиқтиради. Аммо бундан фавқулодда шахсларгина асар қаҳрамони бўла олади, деган хуносага келмаслик керак, унда бадий ижоднинг имконият доираси төрэйиб қолган бўлар эди. Оддий одамлар ҳам асар қаҳрамони бўлади, лекин шу оддий одамлар ҳётидаги оддий бўлмаган характерли хислатлар кашф этилган, шу характерли сифатлар эса маълум ижтимоий ҳодиса моҳиятини мукаммал ва тақрорланмас тарзда

Очишга қаратилган, фавқулодда даражада кўтарилиган тақдирдагина улар қаҳрамон бўла оладилар. Яқин-яқинларда бадиий ижоднинг худди шу талаби унуптилди, айрим авторлар оддий одамлар ҳаётини тасвиirlаймиз деб бирор характерли сифати билан бошқалардан ажраб турмайдиган, ниҳоятда жўн кишиларни асарларга олиб киравердилар; шу тариқа ниҳоятда бетаъсир, аҳамиятсиз, тўпори қаҳрамонлар кўпайиб кетди. Бу ҳол адабий жамоатчилик орасида ҳақли равишда ташвиш туғдирди. Адабий таъкири бани эсга олайлик, «Тубанлик»да персонажлари ҳам, «Майсарапнинг иши»даги Муллладўст ҳам, «Қутлуғ қон»даги Йўлчи ҳам, «Ўтмишдан эртаклар»даги Бабар ҳам, «Қўкан», «Василий Тёркин» қаҳрамонлари ҳам ниҳоятда оддий одамлар. Лекин авторлар уларда шунака характерли, фавқулодда хусусиятларни кашф этганики, уларни бир умр унуптиш мумкин эмас, улар ўзларининг ҳам оддий, ҳам фавқулодда сифатлари билан китобхонни ҳамиша ҳаяжонга солади, шу сифатлар уларни давар типига айлантиради.

Бадиий ижоднинг бу қонунияти, хусусан, поэма жанри учун ниҳоятда қадрли. Буни достоннависларимиз яхши ҳис этаётирлар. Кейинги пайтларда фавқулодда, тарихий шахслар ҳаётига қизиқишининг кучайганлиги — халқ баҳодири Широк, улкан шоирлар — Навоий, Бобир, Машраб, Маяковский, пролетариатнинг буюк йўлбошлиари — Маркс, Энгельс, Ленин ҳақида достонлар яратилгани шундан далолат. Бошқа тур «Рӯҳ билан сұҳбат», «Тановор», «Келинчак», «Сотволидидан салом» каби достонларнинг қаҳрамонлари оддий одамлар, аммо ана шу оддий одамлар ҳаётида, табиатида шундай характерли сифатлар борки, уларга лоқайд қараш асло мумкин эмас; бу сифатлар уларни фавқулодда даражага кўтарган.

Шундай қилиб, достончилик тўғри йўлга тушиб оляпти, достонларга улкан, мураккаб инсоний тақдирлар

кириб келяпти. Шоирлар бу хил кишилар ҳаётини бутун улуғворлиги, мураккаблиги ва зиддиятлари билан кўрсатишга, улар тақдири орқали дазр ҳақиқати ва инсон тақдири ҳақида баҳс юритишга интилаётирлар, умр фалсафасини таҳлил қилиш, одам қалбининг янги қираларини касиғ этиш, инсон ҳаётининг ижтимоий маъносини очиш— достоннавислар кўнглидаги эзгу ният ана шундай.

«Поэма давр ва инсон ҳаётини баҳолаётганда, бу ҳолат баҳосининг янги критерийларини қидиради. Шу маънода поэма ҳаммадан кўра фалсафага яқин туради. Шуниси борки, умуман, адабиётда бўлгани каби, поэма ҳам боқеликка бадиий-фалсафий муносабат соҳасида оқсади»¹,— дейди Ю. Марцинкевичюс.

Гарчи бадиий-фалсафий баҳолаш юксак талаблар даражасида бўлмаса-да, ҳозирги достончиликда бу борада қатор яхши аломатлар борки, баъзан уларни на зар-писанд қилмаймиз. «Келинчак»ка муносабатда шундай бўлди. Ў. Муҳиддинов юқорида тилга олинган мақоласида дастлаб «Келинчак»ни юксак баҳолайди: «Шоира қаҳрамони руҳига яхши кира олган. Унинг психологиясини усталик билан чизган», дейди. Аммо нарироқ бориб баҳода кескин қайрилиш қиласи. «Бироқ,— деб ёзади мақола автори,— шу билан бирга, асарда нимадир етишмайтгани, нимадир оқсаётганини айтиб ўтишни истардик. Бу — авваламбор бош қаҳрамон образининг индиевидуал хусусиятлари очилмаслигида, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, айрилиқ ҳижронлари ва хатти-ҳаракатлари бизга олдиндан таниш Ойбекнинг Раиса, Саида Зуннунованинг она, Жуманиёз Жабборовнинг Гулшан образларини эслатиб юборишида кўринади...»

¹ Ю. Марцинкевичюс. Судьбы поэмы. Сб. «Литература и современность». М., 1967, стр. 373.

Маълумки, тақдиран бир-бирига ўхшаб кетадиган қаҳрамонлар адабиёт тарихида кўп. Ҳақиқатан ҳам Ойдин қаҳрамонининг Ойбек, С. Зуннунова, Ж. Жабборов асарлари қаҳрамонларининг тақдири билан ўхшаш томонлари бор. Аммо бу ўхшашлик факат уруш келтирген кулфатнинг умумийлигида, холос. «Келинчак» қаҳрамони тақдири ўзининг индивидуал, тақрорланмас чизиқлари билан бошқалардан ажралиб туради. Шоира қаҳрамонида кўрган индивидуал белгилар эҳтимол мукаммал ифодасини топмаган бўлиши мумкин, лекин қаҳрамон образининг индивидуал хусусиятлари очилмаган дейиш ўринсиз. Энг муҳими бу ерда масалага ёндашиш, уруш, сезги, ҳижрон талқини бутунлай ўзгача.

Ойбек «Раиса» балладаси билан шеъриятимизда уруш ва ўзбек аёли тақдири масаласини бошлаб берган эди. Кейинчалик авторлар бу масалага кўп марта мурожаат этдилар ва кўпинча бу проблеманинг янги-янги қирраларини очишга муваффақ бўлдилар. Жумләдан, «Гулшан» автори уруш туфайли юз берган илк сезги ҳижрони ва иккинчи мұҳаббатнинг туғилиши билан қисқади. С. Зуннунова уруш жафосини чеккан она қалбини очади, шоира қаҳрамони — уруш туфайли эридан жудо бўлган, эрсиз фарзанд ўстириб вояга етказган она марҳум эри руҳи қаршисида унга ҳисоб беради.

«Келинчак»да эса бутунлай бошқа манзара. Аввало, бу ерда сезги талқини бошқача. Достонни ўқиганда ишқ савдосининг яна бир мураккаб лавҳасига дуч келамиз. Сезги ва ҳижрон ҳақидаги шунаقا сюжетларга одатланиб қолганмиз — йигит билан қиз уруш олдида албатта бир-бирига кўнгил қўйган бўладилар, улар энди висол лаззатига эришганда ёки эришай деб турганда йигит жангга кетиб қолади-ю, ҳижрон, ишқ учун имтиҳон бошланади... «Келинчак»да ундей эмас. Қиз она хоҳиши билан турмушга чиққан. Эр — аломат йигит. Ҳар жиҳатдан

қизга муносиб. Йигит қизни жонидан ортиқ севади, у доим қиз атрофида парвона, қиз эса бу ишларга лоқайд, бепарво.

Хижрон дақиқалари етиб келади. Йигит жангга отланади. Кўпчилик асарларда тасвир этилганидек, қиз хижрон дақиқаларидан ларзага ҳам тушмайди, эрини жангга кузатаётганда кўз ёши ҳам қилмайди, у ҳамон бепарво, лоқайд. Ниҳоят энг оғир ҳодиса рўй беради — йигитнинг ўлими ҳақида хабар келади. Бу шум хабар яшин каби аёл бисотини ёритиб юборади, қиз қалби тубида улкан куч қўзғалади, қиз бор овоз билан қалбини очишга, «севаман» дейишга, йигит кўнглини олишга тайёр, афсус, вақт ўтган, севган одами энди оламда йўқ, ҳали қалбидаги бисот юзи очилмай туриб, севишига улгурмай туриб, севги қадрини англаб етмасдан бурун абадий хижрон бошланади.

Шоира ана шу мураккаб вазият туфайли аёл қалбida юз берган руҳий ҳолатларни яхши ифодалайди. Аёл севган одамидан абадий жудо бўлганини яхши билади, юраги ёрининг қайтиб келмаслигини айтиб туради, буни эслаш уни ларзага солади; лекин у севгисидан асло воз кечолмайди:

«Бу севги йўлини тутмоқ бор, аммо
Ким ҳам қайта олур ундан терс томон?
Унинг измидадир азалий дунё,
Қадимий коинот, наинки инсон.
Бу йўлдан буюклиқ топарсан, ёким —
Юз тубан кетарсан беному нишон.
Бу йўлда қолади ё сиқим ҳокинг,
Ё бўлиб қоларсан сен марду майдон!»

Шоира қаҳрамони шу мушкул савдо йўлини тутиб, марду майдон бўлиб қолади.

«Келинчак» қаҳрамони севгига садоқети туфайли баҳтиёр; шу севги-садоқат уни тутиб туради, ҳаёт Күчига олиб киради, яшашга, курашга ундаиди, ўзининг ҳалол меҳнати билан эл-юрт орасида шуҳрат қозонади.

Ҳусниддин Шариповнинг «Тановор» достони асосида ҳам уруш ва ўзбек аёлининг тақдири масаласи ётади. Бундай ерда масаланинг яна бир янги жиҳати очилади. Бундай доқ қараганда достон қаҳрамони Шамсихон ҳаёти силсилик кечган, унинг ҳаётида бирор жиддий ҳодиса ю бергани йўқ, у ҳижрон аламини чеккан эмас, меҳнатда ҳам донгдор эмас. Бор-йўғи ўз фарзандларини тарбиялаған, ўзининг оиласи чархни адо этган, холос.

Шоир ўқувчини мана шу сиртдан силлиқ, оддий кўринган ҳаётнинг ич-ичига олиб киради, китобхон Шамсихон ҳаёти билан яқиндан танишгандан кейин, унинг ҳаёти оддий кечмаганини, оиласи чархни адо этиш ҳам чакана иш эмаслигини, тўққиз фарзандни тарбиялаб ўстириш осон эмаслигини, бунинг устига уруш туфайли бу аёл бошига тушган савдоларнинг даҳшатини чукур ҳис этади. Бутун ҳаёт уруш атрофида айланадиган оғир йиллар. Шоир ўша йиллардаги Шамсихон ҳаётининг оддий бир кунини келтиради. Шамсихон фарзандларим деб, Ватан, ғалаба деб туну кун тиним билмайди. Шуларни деб бу ёруғ дунёнинг жуда кўп лаззатларидан маҳрум бўлади:

«Шуларни асрай деб офтобдан, қордан
У ҳушнуд ҷоғларни кўролмай қолди.
Табиат борлиққа сочиб юборган
Қанча бўёқларни кўролмай қолди».

Шамсихон тақдири бизни кўп нарсалар устида ўйлашга ундаиди, биз кўнишиб қолган, кўрсан ҳам у қадар эътибор бермайдиган оддий ҳодисаларнинг фавқу-

лодда томонларини, қаҳрамон ҳаётининг жуда катта ижтимоий маъносини очиб беради.

Ҳаёт ҳақида баҳс юритиш «Машраб» достонида яна ўзгача. «Машраб» Муҳаммад Алиниңг достон жанридаги биринчи тажрибаси. Биринчи тажрибанинг самараси эса қувончли. Муҳаммад илк шеърларидаёқ оригиналликка интилган, мазмунда ҳам, формада ҳам янгилик қидирган эди. Ҳали кўнникмаганимиз учунни унинг оригинал сатрлари дастлаб бир оз дағал, гайри табиий туюларди. Муҳаммад ўзининг шеърий созига тобора сайқал бериб борди, қолаверса, биз унинг созига кўника бошладик. Муҳаммад Али ҳам кўпчилик тенгдошлиари каби фалсафийликка мойил шоирлардан. У аксари ҳаётнинг чигал жумбоқлари ҳақида ёзади, уни мураккаб масалалар кўпроқ қизиқтиради. Ёш шоирни Машрабдек улкан, мураккаб шахс ҳақида достон ёзишга ундан нарса ҳам эҳтимол, унинг ижодий манерасидаги шу хислатлардир.

«Машраб» автори ҳозирги кўргина достоннавислар сингари асарда қаҳрамон тақдирини беришга, уни фалсафий-поэтик таҳлил этишга интилади. Шоир дастлаб асар қаҳрамони Машраб характеридаги етакчи кучни аниқлаб олади. Кўз олдимизда соддадил, хаёлчан бир ўспирин. У ҳеч ким тополмаган ҳаёт сирлари ҳақида ўй суради, ҳаётдаги икки мантиқ — оқ билан қора муаммоси унинг бошини қотиради:

«Оқ рангни ахтарар теграсидан ул
Ўжар умидини юпантиргали.
Лекин не қилсиники, теграси буткул
Қора ранг тўрида ётарди ҳали».

Қаҳрамон оқ ранг — ҳақиқат қидириб олис сафарга йўл олади, қаҳрамоннинг бутун ҳаёти шу йўлда ўтади,

лекин излаганини тополмайди, унинг оқ деб билгани юра бўлиб чиқаверади. Шоир қаҳрамон ҳаётидаги ҳамма тафсилотларни эмас, икки асосий моментни танловлади; улардан бири — Машраб билан шариат пешво-Оппоқхўжа орасидаги тўқнашув, иккинчиси — Машраб билан шоҳ орасидаги олишув.

Аёнки, Машраб ҳаёти ҳақида, үнинг дин ҳомийлар юрт амалдорлари билан тўқнашувлари ҳақида жуда кўз афсоналар бор. Достонда шоир шу афсоналарга таянди, уларни реалистик позицияда туриб ёритишга, қаҳрамон ҳаётидаги моментларни ҳаётӣ фактларга таъниб далиллашга ҳаракат қиласди, бунда реализм тақозоэ этадиган эркинликлардан, яъни ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган бадиий тўқимадан фойдаланади, натижакада қаҳрамон ҳаётининг ижтимоий моҳиятини бирмунча ҳақоний таҳлил этишга, Машраб фожиасининг асл илдизларини очишга муваффақ бўлади.

Шуниси ҳам борки, Машраб ҳақидаги тасаввуримни ниҳоятда улкан, улуғвор бўлганиданми, шоир қанчалик ҳаракат қилмасин, поэмадаги Машраб ҳаётдагига қаранганди бир оз бошқачароқ кўринади. Бунинг устига Машрабнинг шоирлик сифати етарли кўрсатилмайди. Ҳолбуки, Машрабни элга танитган унинг шоирлиги, Машрабнинг замон қусурлари билан олишувдаги бирдан бир қуроли шеърият бўлган! Автор достонда Машраб табиатидаги икки ҳолатни — исёнкорлик ва замондан номлиш кайфиятларини асосан тӯғри қайд этиб боради аммо кўп ўриннларда иккинчи ҳолатни бўрттириб юборади. Аслида Машраб шахсияти ва шеърияти учун исёнкорлик характерлироқ. Феодал деспотизми, ислом фанатизми авж олган ўша мудхиш қора замонда дар тартибларига, шариатга шак келтирувчи, фалакнинг дастидан дод дегувчи Машрабдек шоир шахсининг пайдо бўлиши мислсиз жасорат, тенгсиз қаҳрамонлик эди.

Яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Ривоятлардан маълум бўлишича, Машраб комик табиатли одам бўлган. Ҳаётбахш юмор унинг шеъриятига ҳам алоҳида хусусият бахш этган. Достон автори баъзи ўринларда Машраб табиатининг шу томонини очишга уринса ҳам, уни киёмига етказа олмаган.

Поэмадаги этишмовчиликларни қайд этар эканмиз, бу асар ёш шоирнинг илк достони эканини назардан соқит қилолмаймиз. Эҳтимол, автор бу асарга яна қайтар, уни ҳар жиҳатдан мукаммал ишлар. Машраб образи ана ўшандә яратилар — буни келажак кўрсатади.

Муҳими шундаки, шоир ҳаёли уч юз йил бурунги тарих саҳифаларида кезса ҳам, достон шу куннинг асари бўлиб чиқкан. Л. Леонов айтмоқчи, санъаткор замонаси билан баробар боради, нима ҳақда ёзмасин, бариги бир у ўз замонаси ҳақида ёзади. Ёш автор Машраб ҳаёти ҳақида баҳс юритар экан, аввало ўз тенгдошларининг кайфиятини ифодалаган, замона жумбоқларига китобхон эътиборини жалб этган. Ҳозирги кунда ҳам жаҳонда Машрабни қийнаган муаммолар бор, жаҳонда ҳозир ҳам Машраб каби аламзадалар бор, жаҳонга ҳали Машраб каби исёнкорлар кўп керак.

* * *

Юқоридаги уч асар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги достончиликда мураккаб инсоний тақдирлар пайдо бўляпти, қаҳрамон ҳаётини бадиий таҳлил этишга, уни янги томондан кашф этишга интилиш сезилияпти. Лекин бу жуда қийинчлилек ва секинлик билан слға силжияпти. Ҳозирча дуруст деб атаётган достонларимиз қаҳрамонларини ҳам барала давр типи деб айтольмаймиз, уларнинг кўлами тор, умумлаштирувчилик қуввати заиф. Улар ҳаё-

тининг талқини, фалсафий поэтик баҳоси классик поэзиялар даражасида юксак эмас.

Биз бу билан достоннависларни классиклар тажривасини айнан тақорорлашга даъват этаётганимиз йўқ, бадостон жанрининг имқониятлари кенг эканини, классиклар кўтарилиган юксакликни мўлжалга олиб иш кўриш зарар қилмаслигини айтмоқчимиз, холос. Ҳар ҳояда кейин йилларда достон олдига кўйиладиган талаб кичрай қолди, достонларнинг ҳажми ҳам, салмоғи ҳам кичикишиб кетди; ҳатто достон қанча ихчам ёзилган бўлса, Ушунчалик кўкка кўтариб мақташ ҳоллари ҳам бўлди. Муҳиддинов «Поэма ва ҳаёт» рисоласида С. Зуннун ванинг «Рӯҳ билан суҳбат» достони ихчам ёзилгани уч шоира шаънига мадҳиялар ёғдиради: «Асар ҳажм жихтидан сиқиқ, улуғ Пушкиннинг мәшҳур «Мис чавандози» дан ҳам бир юз йигирма тўрт сатр кам. Бироқ бунда ҳам бир одам ва жамият тақдири, давр, табиат, жамият, физика, лирик чекинишлар, характерларнинг ҳаракатда борилиши, реалистик деталлар, фалсафа, турмуш, психология, тарих, ҳозирги кун ва шу билан бирга, ҳар сатр афоризм, ҳар бир банди рубоййлашган шеър — бар мужассам, ҳаммаси бўлиб ниҳояти уч юз эллик олди сатр!»

«Рӯҳ билан суҳбат» шоиранинг ютуғи экани маълум унда шоира уруш жафосини чеккан матонатли аёл қалбидан яхши очган. Аммо уни адабиётимизда фавқулоддада бир ҳодиса сифатида баҳолаш ўринисиз, хусусан, достон китобча автори ижобий деб таъкидлаган моментлар исоният тақдири, давр, табиат, жамият, фалсафа, турмуш, психология, тарих жихатидан оқсайди, инсон тақдири ҳамли достонда инсоният тақдири, халқ тақдири даражасида етгани йўқ, образ кўлами тор.

Қатор достонларда инсон ҳаёти, тақдирининг баёни бору, фалсафий-поэтик баҳоси йўқ.

Назарматнинг «Умр ҳикояси» достони қаҳрамонлари Омон ота билан Нигор ая умр зинасини қийинчиллик билан босиб ўтишган. Нигорнинг ўтмиши бой хонадонида тўрут девор ичида кечган, қиз ҳадсиз зулм кўрган. Омон эса бой хизматкори бўлган, тинимсиз меҳнат қилган, қиши кунлари дон эккан. Омон Нигорга ошиқ, унинг кўйида ҳадсиз дард чекади, аммо Нигорга уйланиш учун ҳеч нарсаси йўқ, ночор, Нигор эса Омондан нажот кутади, Йигит бўлсанг мени бой чангалидан кутқар, деб туриб олади... Йигит нима қиласини билмай гаранг юрганда темир йўл ишчиларига йўлиқади, улар унга йўл-йўриқ кўрсатади, яқинда инқилоб бўлишини айтади. Омон билан Нигор бой хонадонидан кетади-да, инқилобчиларга қўшилади, қўлга байроқ олиб курашади, инқилобдан кейин ўз қишлоғига қайтади, энди Омон шу қишлоққа оқсоқол, чол билан кампир кўча кезишади, ҳамма уларга таъзим қиласи.

Автор шу воқеаларни жўнгина мисраларга тизиб чиқади. Достонни ўқиганда на ҳаяжонланасан, на ўйга толасан киши. Бу хил воқеаларни кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Достонда ҳодисанинг ҳамма кўриши мумкин бўлган ташки томонлари ифодаси бору, санъаткоргина кўриши мумкин бўлган ички маъноси кашф этилмай қолган. Шоир мураккаб умр ҳикоясини баён этади-ю, шу умр фалсафасини тадқиқ этиш ҳақида бош қотирмайди.

Айни шу хил нуқсон Р. Бобоқоннинг «Бобом билан суҳбат» достонининг таъсир кучини сусайтирган. Бу ерда ҳам кўпни кўрган нуроний бир одамнинг умр йўли, унинг қаҳрамонона ишлари тасвирланади. «Бобом билан суҳбат» автори қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш билан баробер даврни ҳам бермоқчи бўлади, Октябрь инқилобидан кейинги шонли эллик йил ичида, хусусан, кейинги йилларда рўй берган ўзгаришларни, буюқ курилишларни тилга олади. Аммо бу достонда ҳам баён, тавси-

фийлиқ кучли, китобхонни ҳаяжонга соладиган, ўйга тақдирини дираидиган поэтик фикрлар заиф.

Поэма давр ва инсон тақдирини таҳлил этишда, ҳо санинг мөҳиятини очишида, автор кўнглидаги ўй-фикрларни тўкиб солишида бекиёс имкониятларга эга. Проза ҳодисаларга ҳадеб аралашавериш бир оз эриш туюла улкан санъаткорларнинг кўпчилиги насрда холис тус тасвирилашни хуш кўрадилар. Поэмада эса аксинча, дар тон холис тасвирини у қадар ёқтирилмайди, бу ерда қанча аралашув ҳам кетаверади. Назаримда «Широқ» тори жанрнинг шу имкониятларидан кенгроқ фойдаланмаган кўринади. Бу достоннинг ютуқлари ҳақида ёзишиди. Широқ ҳақидаги афсонанинг ўзи ғоят ҳаяжли, драматизмга бой, у ҳақиқатан ҳам достонбоп. Шеф афсонадаги шу ҳаяжон ва драматизмни ҳозирги китобхонга етказиш учун кўп меҳнат қилиган; ўша давр руҳига мадуруст картиналар чизган, аммо ҳодисанинг мөҳияти таҳлил этишга келганда, афсона доирасидан нарига ўтмаган; шоир ўзини бир оз тийиб қўймаганда, ўй-фикрларга кенгроқ эрк берганда, ўтмиш афсонасига ўз замошларининг кайфиятларини чуқурроқ сингдириб юбганда яна ҳам соз бўлар эди.

Бироқ аралашувда ҳам аралашув бор. Бошқа жалардаги каби достондаги аралашув ҳам образли муҳим ҳада самараси бўлган, чуқур поэтик фикр билан йўғланган, ҳодисани янги томондан очишига ёрдам берган тақдирдагина ўзини оқлай олади. Б. Бойқобиловнинг «Ҳаллалар сўзлайди» достонида акс ҳолни кўрамиз.

Бу достон уруш ва инсон тақдири ҳақида. Кўп жигдан у Э. Воҳидовнинг «Нидо»сини эсга солади. Хуон Эркин каби Барот ҳам урушни қаргайди, урушда маддат кўрсатган оталарни шарафлайди, ёш авлоднинг Валоизодлиги йўлида қурбон бўлган оталар олдидаги бурч масъулияти тўғрисида сўзлайди. Барот масалага ён

шишда бошқача йўл тутади, шартли-символик приёмни кўллайди. «Ҳайкалларга айланиб қолган одамлар»ни тилга киритади, урушда отасидан жудо бўлган ёш йигит хаёлан ана шу одамлар билан сұҳбат қуради. Сұҳбат жараёнда икки ҳаёт, икки одамнинг тақдири, ҳарактери на-моён бўлади; ҳайкал жанг ҳақида, уруш даҳшатлари, урушда кўрсатилган жасорат ҳақида сўзлайди, фарзанд эса уруш орқасидаги ҳаёт, она қисмати, ўз болалиги ҳақида гапиради. Бу сұҳбат шунчаки ота билан боланинг яқин ўтмишга ҳаёлан саёҳати, «арзи ҳол»и, «рози дил»и эмас, шоир бу сұҳбат орқали ҳозирги куннинг ижтимоий масалаларини кўтаради, тарих сабоқларини тан олмай, фарбда янгидан бош кўтараётган фашизмнинг кирдикорларини фош этишга ҳаракат қиласди, одамларни ҳушёрликка чақиради. Шоир ўзини тийиб ўтирумайди, ҳодисага дадил аралашади, кўнглидаги гапларнинг ҳаммасини тўкиб солади, аммо автор сиёсий-фалсафий баҳслар вақтида бадиийлик меъёрини бирдек тутиб туролмайди, образли мушоҳада ўрнига кўпинча фикрларни яланғоч, декларатив тарзда айтиб юборади. Достоннинг талай сатрлари ҳаммага маълум соф сиёсий мулоҳазалардангина иборат бўлиб қолган.

Достонларда мана бу хил нуқсон ҳам учрайди: автор қаҳрамон тақдирини янгича талқин этишга интилади. Лекин ўзи кашф этган шу янгиликни пафос даражасига етказолмай қолади. Д. Файзийнинг «Онаизор» достонидаги ҳодиса диққатга сазовор: муштипар она урушда бедарак кетган ўғлини кўп қидиради, охири немаълум солдат ҳайкали қаршисидан чиқади, унда ўз ўғлининг тимсолини кўради, онаизорнинг ўртанган қалби таскин топгандек бўлади. Яхши топилган поэтик ечим! Бу билан автор, биринчидан, ғоят кескин драматик ҳодисага оригинал тарзда оптимистик руҳ бағишлади, иккинчидан, бир одам қисматини омма қисматига улаб юборади: она

ташвиши омманинг ташвиши, она ўғлининг қисмати, к чиликнинг қисмати, оммавий мусибат, оммазий жа рат — воқеа ечимидан ана шундай ғоя келиб чиқа Афсуски, бу муҳим поэтик ғоя пафос даражасига риб етмаган, автор унга зўр туйғу сингдира олмаг Асосий ғояни пафос даражасига етказиш, унга ку туйғу ато этиш ғоят мушкул, нозик иш, лекин бутун шунда. Бунга баландпарвоз чақириқлар билан ҳам, худа оҳ-воҳлар билан ҳам эришиб бўлмайди, энг му ми китобхонда кайфият туғдириш ҳақида ўйлаш кер кайфият уйғотиш йўли мана бундай бўлади деб ҳеч айта олмайди, буни фақат ижодкорнинг ўзигина ка этиши мумкин.



Ҳозирги достончиликда яна бир муҳим тенденсија сезиляпти; айрим авторлар ҳаётни кенг эпик планда к сатишга жазм этиб, кўпчилик — омма тақдирини, ҳаётини, халқ характеристидаги айрим хислатларни достоналаётирлар.

С. Зуннунованинг «Қўшниларим», Муҳаммад Аминнинг «Гумбаздаги нур» асарлари аслида лирик поэзияни яхши намунаси. Ҳар иккала достон ҳам лирик қадомоннинг маълум ҳодиса ҳақидаги кечинмалари асоси курилган. Лекин улардаги ҳодиса кенг эпик характеристика.

«Қўшниларим» шоиранинг олдинги достони «Рӯҳлан сұҳбат» каби уруш келтирган кулфатлар ҳақида. Аммо бу достонда бошқа бир поэтик ғоя илгари сурʼи ган. Агар «Рӯҳ билан сұҳбат»да урушнинг алоҳида шундай бир оила қисматида қолдирган доғлари ифода этилбўлса, бу ерда бутун бир маҳалла, кўпчилик — омма қисмати кўтарилиган. Шоира оммавий мусибат, омма

Матонат, оммавий жасорат, оммавий қаҳрамонликни асарнинг пафоси даражасига кўтегран.

Достон сюжети оддий — лирик қаҳрамон ўзи түғилиб ўсган она юртига, қадрдан мәҳалласига көлади-ю, маҳалласининг, кўни-кўшниларининг ўтмишини, болаликда кўрган-кечиргандарини эслаб кетади, лирик қаҳрамоннинг болалиги маъсуд кечган, аммо у бахтиёр ёшликининг лаззатларига тўёлмай қолган, уруш бошланади-да, мана шу оламга сиғмаган шодликлар тинади қолади, машаққатли кунлар бошланади. Урушдан бурунги бахтиёр кунларни урушнинг драматик онлари билан анти-теза қилиш кўп асарларда учрайди, шоиранини эса ўзгача, такрорланмас, фақат шоиранинг ўзигина кечириши, кўриши, ҳис этиши мумкин бўлган ниҳоятда миллий ҳолат, уни ўқиганда ажаб бир қайфият ҳосил бўледи кишида:

«Ҳали ҳисларимиз толмасдан камол,
Ҳали орзуларнинг узилмай кети.
Ҳали ойдинларда кўрмай мажнунтол,
Упа·сурма билмай кўзу бетимиз
Ҳаёт гирдобига шўнгиди бошлар...
Эгасиз шумшайган ҳовлидай бўлиб
Гаёжум кўчамиздэ кулгилар тинди...
Ойдин кечаларда йигитлар тўлиб
Қўшиқ айтиб ўтмай қўйишди энди.
Ўн саккиз баҳорни, ўн саккиз ёшни
Бўз кўйлагу, малла жомакорларда
Кутиб олган эдик, азиз тенгдошлар...»

Сўнгра шоира конкрет далилларга кўчади. Уруш туфайли аввало лирик қаҳрамон оиласида катта мусибат:

«Бир умрга ташлаб бизларни дадам,
Бир умрга юмди меҳрибон кўзин.

Онам ўттиз ёшда бир жаҳон ҳусн,
Бир этак бола-ла қолганиди тул...»

Энди шоири хаёли «юзлаб тақдирларга рўйбарў» ҳлади, қўни-қўшнилар фожиасини хостирлайди:

«Бунда Қаюм ота кута-кута хат,
Ҳеч кимга кўрсатмай мунгли ёшини,
Бўлди Абдувоҳиднинг ўтида нобуд
Ўғли елкасини кўрмай тобути.
Абдуқаҳор кетди, Лутфилло кетди,
Қўчқорбой, Маннопжон ва Мусахонлар.
Ёлғизу арзанда Қутбиялло кетди,
Кетди Мадаминбек ва Исахонлар.
Эй азиз одамлар, қай бирин айтай,
Ҳали мен турибман кўча бошида.
Нарига ўтишга тоқат йўқ, қайтай,
Ортиқ санамоққа етмас бардошим...»

Лирик қаҳрамон хаёли маҳалла кезишда давом этиди, яна ўнлаб номлар, ихчам, ёрқин лавҳалар, аччиқ қимматлар... Маҳаллада бирорта ҳам бағри бут хонадийўқ, ҳаммаси дарз кетган. Бир маҳалла Ватан деб, юдеб шунчалар кўп қурбон берган, шунчалар мусибатлани елкада тутишга сабот топган. Бу ҳазмил гап эмас!

Шоири бир нарсага эътиборни жалб этади, бу маҳалдан бирорта ҳам машҳур қаҳрамон чиққан эмас, лекин Ватан йўлида шунча қурбонлар бериши, шунча мусибатларга дош бериш қаҳрамонлик эмасми! «Қўшнилар» достони шоиранинг меҳнату меҳридан сайқал топиб, шоири билан ўз юртдошларига ўрнатган шеърий ҳайкални, ҳайкалга жангда ҳалок бўлган, уруш ортида мусибатладош берган ажойиб юртдошларининг номлари шеъсатрлар билан битиб қўйилган.

Шоира «бунда ёзганларим — бари ҳақиқат» дейди, мұхими, шоира шу ҳақиқатни китобхонга етказа олган. Шоира мавзуни юракдан ҳис этади, ёзғанларининг ҳаммаси унинг қалб мулки, шунинг учун ҳам унинг деганлари ниҳоятда самимий, унда ҳеч қанақа сунъийлик, атаййник, китобийлик йўқ, ҳаммаси ҳаётий. Шоира қаҳрамонлари ҳаётини яхши билади, маҳалланинг пасту баланди, бутун икир-чикирларигача унга аён, шоира ҳамма нарсанни кўриб, кўз олдига келтириб, чуқур ҳис этиб ёзади. Зотан, бу ҳаётийликнинг мұхим шартларидан бири. Материал шоирага яқин бўлганидан автор уни чуқур ҳис этади. Қаҳрамонлар шоира учун ниҳоятда қадрдон, уларнинг ғами — шоиранинг ғами, уларнинг азоби — шоиранинг азоби. Бу нарса асарга ҳаётийлик баҳш этган. Шу тариқа шоира мұхим поэтик фикрни — оммавий қаҳрамонлик ғоясини китобхон қалбини ҳаяжонга соладиган пафос даражасига олиб чиққан.

«Гумбаздаги нур» достонининг эпик кўлами яна ҳам кенг. Бу, даврлар ҳақидаги достон, яратувчи, қўли гул инсон ҳақидаги касида, бунёдкор ҳалқ шаънига битилган мадҳия. Бу, тарих ҳақидаги ўй-хаёллар, бобо тарих жумбоқлари ҳақидаги савол-жавоблар, қалbdаги ифтихор ва аламлар достони.

Шоир тарих саҳифаларини варақлар экан, унинг ҳаёли Темур қурдирган сервиқор гумбазларга қадалади: шоир ўй суриси кетади, кўз олдида кўп хайрли ишлар қилган ва айни вақтда фотиҳ номини олган Темур намоён бўлади. Сўнг нақшин гумбазлар, сервиқор миноралар, уларнинг бунёдкорлари ҳақидаги тапга кўчади, зотан, шоир дилидаги асл матлаб ҳам шу: автор нақшлар ичida пинҳон бўлиб ётган ўн икки бунёдкор сиймосини ҳаёлан тасаввур этади, уларнинг меҳнати, қувонч ва ташвишларини тасвирлайди.

Қайси бир йиллар, қайси бир одамлар нағасини тиб қолган соқов деворлар тилга кирәди, кошоналар шоир ҳазин ва мағрур қалб садосини тинглайди:

«...Қурдик не-не иморат,
Амма билмадик форат;
Умр деган бу саёдо
Меъморликдан иборат,
Ҳо... меъморликдан иборат!»

Олис тарих қаъридан эшитилган бу ҳазин, мағрур до асрлар оша ўтиб замонамизнинг шиддаткор садога — миллионларнинг меҳнат гулдуросига уланиб кеди, кўз олдимиздан улкан ҳалқ қурилишлари — Кағарбона канали, Фарҳод дараси, Навоий театри ва ишоят, ҳозирги Тошкент ўтади. Шоир бу ерда ҳам миллионлар қиёфасига разм солади, ҳаракатини кузатар қалбига қулоқ тутади. Бу ердаги қалб садоси ўзгати ҳазинликдан холи, лекин автор унда ҳалқ табиатига ҳуша азалий хислатни — бунёдкорлик аҳди-шахдини тилайди:

«Йил ўтса ҳам йил ошада,
Қўлдан тушмас пойтеша,
Ишчи ҳалқининг қўли
Олтин бўлган ҳамишада
Ҳо... олтин бўлган ҳамишада!»

«Қўшниларим»да ҳам, «Гумбаздаги нур»да ҳам яда кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарур бўлган ўралар бор; авторлар эпик тасвир имкониятларидан яна мўлроқ ва дадилроқ фойдаланишлари мумкин эди. Аммо эришилган ютуқларнинг ўзи ҳам достончиликдаги будисанинг истиқболига катта умид туғдиради.

Аввал айтганимиздек, поэма романтикага мойил жанр. У имиллашни ёқтирамайди, насрдаги каби батафсил тасвир бу ерда кетмайди. Прозаизм поэманинг заволи. Шунни назарда тутиб Белинский, поэма ҳаётни унинг олий моментларда акс эттиради, деган. Аммо бу ҳол давр ҳамда қаҳрамон тасвирида конкретлик ва индивидуалликни инкор этмайди. Умуман санъат ва адабиётда бўлгани каби конкретлик ва индивидуаллик поэма жанрининг ҳам зарурий шарти. Хусусан алоҳида шахслар тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи поэмалар учун бу нарса айниқса мұхим. Бу хил поэмаларнинг қиммати оқибат-натижада ундаги қаҳрамон ҳарактерининг очилишига қараб белгиланади. Достондаги қаҳрамон тақдири некадаф маънодор бўлмасин, у ҳарактер даражасига кўтарили мас экан, бетакрор, индивидуал шахс тарзида гаевдаланмас экан, у шунчаки схема, шоир идеясининг оддий жарчиси бўлиб қолаверади. «Василий Тёркин», «Қўкан», «Зайнаб ва Омон» типидаги достонларнинг муваффақияти аввало шундаки, уларда янги ҳарактерлар кешф этилган, адабиётга тамоман янги одам образи олиб кирилган.

Кўпинча биз масаланинг бу томонини унугиб қўямиз, бу жанрда Тёркин ёки Кўканга ўхшаш бутун борлиғи билан барада кўзга кўриниб турадиган давр типлари яратилдими, деган савол берилгудек бўлса, бош қашиб қоламиз. Ҳатто ижобий деб баҳолангандан «Тановор», «Келинчак», «Машраб» каби достон қаҳрамонлари ҳам ана шу юксак талаблар асосида ёндашилса, индивидуал шахс, ҳарактер сифатида у қадар мукаммал эмаслиги равшан бўлиб қолади. «Ўроқ ва болға», «Зафар», «Чавандоз», «Шарқ гули» каби достонлардаги камчиликларнинг бир уни худди шу ҳарактер проблемасига бориб тақалади — аслида уларда ҳарактер йўқ, ҳарактер ман-

тики йўқ, шунинг учун ҳам улардаги персонажлар торлар қўлида бамисоли қўғирчоқ, авторлар хоҳил билан ҳар мақомга тушиб йўргалайверади.

Баъзан шунақаси ҳам бўляпти. Автор қаҳрамон хотини кўтаринки «олий моментларда» тасвиirlайман дуни тамоман ердан узиб қўяди, маконсиз, қиёфасиз фриштага айлантириб юборади. Биргина мисол келтира. Қатор яхши достонлар ёзиб, бу жанрда анча тажриб орттирган Ж. Жабборовнинг кейинги асари «Саҳро с нами» да шундай ҳол юз берди. Достон учун автор аломат бир факт танлаган — оддий саҳро қизи жанг отланади, ўзга элларни озод этишда жасорат кўрсати қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Агаю ўша қиз жонли, ҳаттий образ даражасига етказилганда, ажойиб достон чи қан бўларди. Шоир қиз жасоратидан ҳаяжонланиб кети нуқул унинг шаънига мадҳиялар ёғдиради, қаҳрамонини жуда олисдан кузатади, китобхон эса қаҳрамоннинг аниқ қиёфасини тасаевур этади, на унинг реал руҳий кечинмаларидан огоҳ бўлади. Шундай улкан етукликни жасоратнинг конкрет маънавий манбалари очилмай қўлади, қаҳрамон тақдиррида, хатти-ҳаракатида индивидуальизиқлар етишмайди, унинг қиёфаси ҳам, жасорати ҳам мавҳум. Шоир қаҳрамонини бир ўринда «ўт-оташдан тарошланган қиз деб таърифласа, бошқа ерда:

«Шу яйловнинг кўрки Ойсулув,
Сўлим ижод, барно бир ҳусн.
Кирда турар мисоли оҳу,
Уфқларни қамраган йўсин»,—

дейди. Яна бир жойда қиз «яйлов сатҳини нурга чулғаб ўтиради, деса, бошқа бир ерда шундай ёзади:

«Ойсуувжон! Оқ шохи кўйлак
Чирмаб турар ниҳол бўйини.

Худди қушдай безовта кўкрак,
Туйғуларда анҳор ўйини».

Қизнинг болалик таърифи шундай:

«Пилдираб югурап жажжи қизалоқ,
Маст этар борлиқни сайраб, кулгани.
...Кўл чўзса узгудай юлдузларни ҳам...»

Қизнинг ўн беш ёшлик даври:

«Тунларнинг қораси кўзу қошида,
Кундузлар шуъласи чеҳрасин безар,
Тўлишиб келарди зебо бир ҳусн,
Эслатиб саҳронинг дилбар оҳусин».

Яна:

«Ҳизлар даврасидан кулгиси келар,
Бунча шўх, хушоҳанг бўлгайми садоӣ
Булбулнинг уятдан ўлгиси келар,
Жаранглаб кетгандай гумбази само».

Сўнгра унинг ўн етти ёшдаги, кейинги даврлардаги ва
ниҳоят, жангдаги ҳолати берилади:

«Дилкашу куйинчак,
Дўсту вафодор,
Буғдоӣ ранг юзида ўтли шарқ нури.
Жануб кечасидай қора сочи бор,
Ям-яшил даштларнинг толмас суксури»,—

ва ҳоказо. Кўриниб турибдики, таъриф анча батафсил, ле-
кин у мавҳум ҳамда безакдор, жонли одам қиёғаси шу
безаклар ичига кўмилиб кетади.

Қизнинг жасорати ҳақида бир аёл тилидан шу хабар келтирилади:

«Үқ едим,
Ярамга у бўлди малҳам,
Оғир дақиқада умрим сақлади,
Кеча бўлган қонли тўқнашувада ҳам
Фашист эшелонин у мажақлади».

Борйўқ гап шу. Шу хабарга асосланиб шоир уни ҳақиқий оташ қиз ва ҳақиқий мардга, чинакам қаҳрамонга чиқаради. Бундай бўлиши ҳақиқатга тўғри көлмайди.

Бутун гап шундаки, достонда қаҳрамон шарпаси бору, ўзи йўқ, жонли одам, мукаммал характер йўқ. Биз про-зада индивидуал характер ҳақида кўп гапирамизу, шеърията келганда индамай ўтамиш. Шеъриятда ҳам характерниң индивидуаллиги масаласига жиддий ёндашиш пайти келди. Умуман ҳозирги достончиликда индивидуал характер яратиш санъати заифлашиб қолган бўлса-да, шу заифликдан қутулиш учун дадил интилишлар ҳам бўляпти. Мен Ҳусниддин Шарипсанинг «Сотволдидан салом» номли янги поэмасини назарда тутяпман.

Бу поэма адабиётимизда муҳим ҳодиса бўлиб қолса ажаб эмас. Бу асари билан автор янги бир одамга паспорт берди, «адабий аҳоли» сафига Сотволди исмли бир шахсни тиркаб кўйди. Сотволди кўп жиҳатлари билан шоир аввал яратган «Боғ кўча болалери» шунингдек F. Гуломнинг «Кўкан», Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» достонларири қаҳрамонларини эслатади. Сотволди ҳам Кўкан, Уста Ғиёс, Асқар каби ерга, элга меҳр кўйган меҳнаткаш деҳқон. Лекин у Кўкан, Уста Ғиёс ва Асқарга қараганди жуда илгарилаб кетган. Унинг сиймосида биз шу куннинг ҳалол, тиниб-тинчимас, юксак интеллектуал савиали деҳқон сиймосини, янги типдаги раҳбар ходимни кўрамиз.

Хусниддин Шарипов «Боғ кўча болалари»дан кейин ҳам поэмада эпик характер яратиш йўлидан борди, инсон жамолини очища янги воситалар қидирди, аммо унинг изланишлари самараси ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлавермади; Асқад Мухтор айтганидай, автор баъзан янгича услугга маҳлиё бўлиб кетиб, поэтик соддаликни қўлдан бой бера бошлади, оддий нарсаларни ҳам атайнин мураккаблаштириб юбора бошлади. Бу ҳол у яратган характерлар чехрасини маълум даражада хидалаштириди.

«Сотвондидан салом»да автор бошқача йўл тутади, характерлар табиатига мос бўёқ топади, «Боғ кўча болалари» даги каби поэтик соддаликка интилади, ўша достонда бошланган реалистик тасвир усулига янгича сайқал беради, уни янада чукурлаштиради, ҳаётбахш юмор билан бойитади.

Шоир ҳодисаларни жуда яқиндан тасвирлайди, қаҳрамон ҳаёти ва фаолиятига оид «икир-чикирлар»га кенг ўрин беради, шундай бўлса-да, поэмадаги тасвир прозаизмдан холи, автор турмуш икир-чикирларини поэма парвозига мослайди, тасвирда автор танлаган йўл қувноқ юмор ва ҳаётбахш романтика туфайли оддий ҳодисалар фавқулодда тус олади, ҳаётнинг олий моментлари каби жаранглайди, характердаги фавқулодда сифатларни очишга хизмат этади.

Асар қаҳрамони Сотвонди — оддий одам. Аммо автор уни жўнлаштириб юбормайди, шу оддий одамдаги характерни сифатларни ўқувчига сездирмаган ҳолда, бироз қуюқлаштириб фавқулодда даражага кўтаради.

Дастлаб автор қаҳрамонини орқаворатдан таърифлайди, Сотвондига иши тушиб юрак олдириб қўйган эзма чол, Сотвонди ҳақида миш-мишларни оғзидан қўймайдиган йигит, Сотвондига тан берган аёл ва бошқалар қаҳрамонга характеристика берадилар. Таъриф хилма-хил табиатли сдамлар тилидан берилгани учун оддий йигит

Сотволди кўзимизга зиддиятли, бир оз ғайри табний бўлиб кўринади. Бунинг устига достоннинг ўзи ҳаётда тажрибаси камроқ, қишлоқдан, қишлоқ ҳаётидан йирокроқ, аммо қишлоқка, қишлоқ одамларига меҳри зўр, соддадил ёш шоир тилидан ҳикоя қилинади. Бу ҳам қаҳрамондаги сифатларни кескинлаширади.

Қолаверса, Сотвоздининг ўзи ҳам кўпни кўрган, ажойиб табиатли одам: у урушда қатнашиб мардлик кўрсатган, урушдан кейинги йиллардаги машақкатларни матоннат билан енгган заҳматкаш, бутун ҳаётини ерга ва элга фидо этган меҳнаткаш: у ўз ишига ниҳоятда пишиқ, бир оз муғамбир, колектив манфаати деб беъзан ёлғондан ҳам тоймайди, расмиятчиликдан ҳам қайтмайди; Сотволди томоша кўрсатади-ю, уни қўлга туширмоқчи бўлганлар салом бериб қолаверади. Бу одам кўпинча ўзини гўлликка солиб, ҳазил-мутойиба билан гапиради, лекин у лақма эмас, ўлгудек қув, манман деган одамларга ҳам сир бермайди, уларни лакиллатиб кетади. Ҳаётдан ажралиб қолган, турмушни ўз аршини билан ўлчайдиган, жамики урф-одат ва тартибларга эскилиқ деб Қарайдиган шаҳарлик лекторнинг адабини беради, ўз касби-кори билан керилиб, аравани қуруқ олиб қочган шоир унинг бир оғиз қалтис кесатиги билан тил тишлаб қолади. Лекин у найрангбоз эмас, ҳар бир ситуацияда қулги уйғотувчи Мулла Насриддин ҳам эмас. Жиддий ҳодисага жиддий ёндашади, кўзбўямачилик йўли билан уни қаҳрамон қилиб кўтармоқчи, кўкрагига «Олтин Юлдуз» тақиб қўймоқчи бўлган мувонини доғда қолдиради, Сотволди кетмону пландан бошқани билмайдиган аввалги деҳқон эмас, деҳқончилик илмини сув қилиб ичган, меҳнатни илмий асосда ўюштиришга лаёқатли олим деҳқон, унинг маънавий ва маданий савияси ғоят юксак.

Сотволди табиатида яна бир муҳим хислат бор — у ҳаётга ниҳоятда ташна, ҳаёт лаззатини туяди, лекин ҳеч

Қачон ташналиги қонмайди; доим олға интилади, юксак чүқкүни күзлайди, күзлаганига эришмай қўймайди, лекин эгалланган марра билан хотиржам бўлиб қолмайди, яна янгиларини ахтаради. Не-не машаққат билан гектаридан кирқ центнер ҳосил кўтарганда дўстлари табрикласа, ғўрлик қилдим, элликдан беролмадим, дейди.

Бу одам табиатида зиддиятли томонлар кўп; бир вақт қарабсизки, ниҳоятда зиқна, хасис, уйига келган меҳмонни чой билан қайтаради, бир вақт қарабсизки, ниҳоятда саҳий, танты, чўнтақда борини ўртага ташлайди, хотини койиб қолса иржайиб тураверади.

Достонда характер таърифи биринчи ўринда, шуниси борки, характер таърифи орқали унинг тақдиди ҳам на-моён бўлади, қаҳрамон таърифига оид лавҳалардан унинг ҳаёт йўли қад кўтаради. Тўрт яшарлигида Мухтор исми Сотволдига айланиб қолган, бунинг учун қон қақшаган бола улғайиб, жанг оловларини кечиб, тинч қурилиш йилларидаги зафарли меҳнат қучоғида тобланиб, бугунги кунларга етиб келган, бой ҳаётий тажриба тўплаган, эндиликда бир оз кексайиб қолган. Асарда бошдан-оёқ яхлит конфликт йўқ, аммо ана шу машаққатли ва зафарли умр йўлининг ўзида, қаҳрамоннинг ўзига хос фавқулодда табиатида, унинг мұхитига, одамларга бўлган муносабатида кучли драматик асос бор.

* *
*

Характер тўғрисида гапира туриб, кўп ўринда бадиий форма масалаларига ўтиб кетдик. Дарҳақиқат, характер яратишдаги ютуқ ва қийинчиликлар бевосита шу масалалар билан боғлиқ.

Осиё ва Африка мәмлакатлари кинофестивали вақтида адабиётчи дўстимдан «Шастри хотираси» фильмни ҳақиқидаги таассуротини сўраганимда: «Яхши-ю, лекин тартиб-

сизроқ, воқеалар бир бошдан берилмаган»,— дед Қизиқ, шунақа ҳодиса адабиётда ҳам бор,— дея даво этди у.— Ҳусусан ҳозирги поэмалардаги сюжет қурилыши худди шу тарзда, авторлар қаҳрамонлар ҳаётини би бошдан ҳикоя қилиш ўрнига аспона юриш қиласидилар. Бу ҳол оддий китобхонни чалғитиб қўймасмикан, қаҳрамон тақдири ва қиёфасини тасаввур этишини қийинлаштиромасмикан?»

Ҳақиқатан ҳам эски поэмалар руҳида тарбияланган китобхон учун ҳозирги поэмалардаги янгиликлар эри туюлиши мумкин ва аксинча, воқеаларни тартиб билан бир бошдан ҳикоя қилувчи традицион сюжетли достонлар ҳозирги адабий жараёндан хабардор китобхон учун зерикарли туюлиши мумкин, ахир поэтик беллентристик даври ўтган. «Сотволидидан салом», «Келинчак» типи даги яхши поэмалардаги сюжет чизиги чиндан ҳам тартибсиз, шахмат таҳтасидаги аспона юришни эслатади. Аммо ҳар иккала поэмада ҳам бу йўл ўзини оқлаган авторларни эзмаликдан сақлаган, қаҳрамонларнинг мураккаб ҳаёт йўлини жанр ҳусусиятига мос тарзда беришга, характерли ўринларни бўрттириб кўрсатишга имкон берган. Воқеаларни бир бошдан анча изчил ҳикоя қилувчи «Бобом билан сұҳбат», «Умр» ҳикояси кабо поэмаларда эса беллитристика томон тойиб кетилгандардаги сюжет бирмунча зерикарли чиққан.

Фақат сюжет қуришда эмас, бошқа соҳаларда ҳанқатор янгиликлар бор. «Сўнгги йиллардаги поэмалар,— дейди Асқад Мухтор,— уларда одам образини яратиш воситалари илгеригиларидан фарқ қиласиди. Йиллар ўтгасари, табиийки, биз ўсдик, ўзгардик, оламга, одамга поэтик қараш, уни идрок қилиш ҳиссимииз бойиди ва бу ўсишлиарнинг ўз кам-қўстлари ҳам юзага чиқди»¹.

¹ Асқад Мухтор, Ёшлар ижодида замондошимиз образи «Ёш ленинччи», 1968 йил, 17 октябрь.

Энди шу ўсиш камчиликларининг айримларини на-
зардан кечираильик.

Бир асарда топилган мақбул усул авторнинг галдаги
асарига, қолаверса, бошқа авторларнинг асарларига ўтиб
қоляпти. М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драматик
поэмасида характерли бир романтик эпизод бор. Асар
қаҳрамони Улуғбек ўз ҳаётининг энг қалтис онларида
бобоси Темур билан хәёлан учрашади, сұхбатлашади.
Бу учрашувда қаҳрамон фожиасининг моҳияти жуда
ёрқин очилади. Орадан сал фурсат ўтмай бирин-кетин
шунақа эпизодлар пайдо бўла бошлади. Ҳ. Шарипов-
нинг «Изма-из», С. Зуннунованинг «Рұҳ билан сұх-
бат», Б. Бойқобиловнинг «Ҳайкаллар сўзлайди», О. Ҳа-
кимовнинг «Келади, севгилинг келади» достонларида
Шайхзода қўллаган усул айнан такрорланади — қаҳ-
рамон ўлиб кетган одам билан хәёлан учрашади, шу
орқали автор қаҳрамон ҳаётининг маълум қиррасини
очади.

Уруш воқеаларига бағишиланган достонларда қуйи-
даги композицион андоза расм бўлиб қолди. Асар во-
қеасининг бир учи ҳозирги кунлардан бошланади-да, ик-
кинчи учи уруш йилларига бориб тақалади, қаҳрамон
шу кунларда туриб уруш даври даҳшатларини эслайди.
Сюжетни шу хилда қуриш олдин ҳикоячиликда кўринган
эди, сўнг достончиликка ўтди, дастлаб «Нидо», «Рұҳ
билан сұхбат»да қўлланди, бу приём ҳар иккала достон-
нинг ҳам ғоявий мундарижасига мос бўлиб тушди, яхши
натижа берди. Кейинчалик достондан достонга ўтавериб
шаблонга айланаб кетди.

Мен анъанавий усууллардан ижодий фойдаланишни
инкор этмоқчи эмасман, у бошқа гап. Лекин бу хил так-
рорийлик янги ифода воситалари қидириб топишда ав-
торлар имкониятини чеклаб қўяётганини таъкидламоқ-
чиман. Ҳар ҳолда бу борада ҳам осон йўлдан —

очилган йўлдан бормай, янги йўл ахтарилса зарар қилас эди.

Бир вақтлар поэма бошдан-оёқ бир хил шеърий вазнда ёзилгани маъқул, бир асарда турли вазн қўлланилса, поэтик яхлитлик барбод бўлади, деган гап бор эди. Адабий жараён бу фикрнинг у қадар асосли эмаслигини кўрсатди. Дастлаб «Тошкентнома», кейин «Сурат» авторлари бир асарнинг ўзида турли хил шеърий вазнлардан муваффакият билан фойдаланиш ва асарнинг поэтик яхлитлигини сақлаб қолиш мумкинлигини амалда исбот этдилар. Ҳозирги кунда кўпчилик авторлар шу йўлдан боряптилар. Аммо оқибат-натижа ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти; қатор асарларда шеърий вазн бўлсан бўлмаса ўзгартирилаверади, уларнинг авторлари турли шеърий ўлчовлардан фойдаланишга интиладилару асарнинг поэтик яхлитлигини таъминлаш устида етарли бош қотирмайдилар. «Одамнинг изи», «Эндиғина бошланди қўшиқ», «Чавандоз» достонларида шундай қусур сезилади.

Шунаقا достонлар ҳам борки, уларнинг авторлари турли шеърий вазнлардан фойдаланиш билан баробар назмий ва насрый сочмага ҳам мурожаат этмоқдалар. Баъзи бировлар буни халқ достонлари анъанаси дейдилар. Менингча, бундай эмас. Халқ достонларидағи насрый парчалар кўпинча саж йўлида, ҳозирги достонлардаги наср эса оддий беллетристиканинг ёки эркин шеърий вазннинг ўзгинаси. «Чароғбон» ва «Палаткада ёзилган достон»да бу усул яхши натижа берган, поэтик парвозни бўшаштиргмаган, поэтик яхлитлики бузмаган, «Одамнинг изи»даги назмий сочмалар эса поэма парвонини қайтариб қўйган.

Тўра Сулаймон халқ достонлари йўлидан бориб, замондошимиз образини яратмоқчи бўляпти. Унинг бу борадаги илк уриниши «Қорасоч» муваффакиятли чиқ-

мади, замондошларимизнинг реал қиёфасини чизиша автор кўп қийинчилликларга дуч келди. Галдаги достони «Жаҳонгашта»да шоир бу қийинчилликларни бартараф этиш, эски анъанави замонага мослаш устида меҳнат қилган, асардаги шартлиликни мантиқан асослашга ҳаракат қилган; бу ерда воқеани баҳши тилидан беради, ҳодисага ўша ҳалқ достончиси нигоҳи орқали назар ташлайди. Бу ҳол асарга бирмунча табиий тус берган. Аммо автор янги мазмун билан эски форма орасидаги номувофиқликни тўла бартараф этишга муваффақ бўлолмаган. Ана шу номувофиқлик туфайли қаҳрамонлар қиёфаси ва хатти-ҳаракати ўқувчига ғайри табиий ва кулгили бўлиб кўринади.

Маълум бўляптики, ҳозирги достончиликда дадил жонланиш бор, жанр ривожидан қатор қийинчилликлаш мавжудлигига қерамай, унда чуқур ички жараёнлар содир бўляпти. Юқоридаги ўй-мулоҳазалар узил-кесил ҳуросалар эмас, албатта. Жанрнинг ҳозирги аҳволига оид бу кузатишлар достон ҳақидаги катта ва жиҳдий баҳсларга бир турткি бўлса, биз учун шунинг ўзи бас.

1969

БАЛЛАДА ВА ДАВР

Баллада жанри, унинг ҳозирги аҳволи, истиқболи, жанрнинг ўзига хос томонлари, қонуниятлари, талаб ва имкониятлари ҳақида сўзламоқчимиз, ҳа, жанр хусусиятлари ҳақида...

Жанрлар масаласида кўпгина чалкашликлар, хилмажил қарашлар мавжуд. Шундай кишилар ҳам борки, улар жанр ва унинг қонуниятларига ўзгармас бир нарса деб қарайдилар, жанрнинг традицион хусусиятларига маҳкам ёпишиб олиб, ундаги янги замон, янги мазмун тақозоси билан юз берган янгиликларни назар-писанд қилмайдилар, традицион андозани асос қилиб олиб, ҳозирги кунда у ёки бу жанрда яратилган кўпгина яхши асарларни мазкур «андозаларга мос келмагани» учун рад этадилар. Бошқа бир гурӯҳ ўртоқлар эса, бунинг аксича, билиб-бilmай жанрнинг ҳар қандай қонуниятларини инкор этадилар. Уларнинг фикрича, умуман жанр ва унинг талаблари ҳақида сўз юритиб ўлтирумаса ҳам бўлаверади, ёзувчи учун жанрнинг аҳамияти йўқ, ёзувчи асарни ёзгандан кейин китобхон уни нима деб атаса атайверсин — ҳикоями, повестми, романми, комедиями, ишқилиб, яхши, ўқишли асар бўлса бўлгани.

Жанрлар масаласида догматизм ва консерватизм қанчалик хатарли бўлса, бу борадаги бошбошдоқлик,

жанр талабларини назар-писанд қилмаслик ҳам шунчалик заарли.

Жанрлар масаласи термин ёки форма масаласигина бўлмай, айни вактда у мазмун масаласи, мазмунни, ҳаёт ҳодисасини унга мос фермага сола олиш масаласи, бинобарин, маҳорат ва санъаткорлик масаласидир. Жанрлар масаласи адабиёт ва замон алокаси, традиция ва новаторлик, ёзувчи лабораторияси ва индивидуал манераси масалалари билан ҳам бевосита алоқадор. Бирор адабий тур ёки жанрнинг маълум бир даврда гуркираб ривожланиши ёки иккинчи планга тушиб қолиши, ёзувчи талантининг ҳамма жанрларда эмас, бирор адабий тур ёки жанрда тўлароқ намоён бўлиши ҳам шундан.

Чинакам санъаткор ҳеч қачон жанрлар масаласига бефарқ қарай олмайди. У маҳорат устида, ҳаётий материални энг яхши ифода этадиган формалар устида ҳамиша бош қотиради. Жанрнинг қонуниятларини мукаммал билмай, эгалламай туриб яхши асар яратиш, юксак маҳоратга эришиш, чинакам санъаткор бўлиш қийин. Баъзи есарлардаги бадиий заифлик ва камчиликнинг бир учи худди ана шу месалага бориб тақалади, жанр талабларини назар-писанд қилмаслик туфайли келиб чиқади.

«Узоқ йиллик иш, тажриба шуни кўрсатадики,— дейди моҳир санъаткор Абдулла Қаҳдор,— жанрни биз ёзувчилар танламаймиз, балки адабий жанр бизни танлайди. Тўғрироги, жанр бизнинг тушунча ва фаразларимизни эгаллаб олган ҳаёт материалига боғлиқдир. Лекин, бошқа томондан, ҳар бир жанр ўзига хос хусусиятларга, узоқ йиллар давомида жаҳондаги адабиётчилар ва ўтиб кетган ёзувчилар тўплаган маҳсус приёмлар комплексига эга бўлади. Буни эътиборга олмаслик, бунгунги кунда гугуртнинг мәвжудлигидан ўзини бехабар-

ликка солиб, иккита чақмоқ тошни бир-бирига уриб ўт ёқишига уринишдай тентаклиkdir»¹.

Баллада жанри масаласига ўтайлик. Бир вақтлар В. Белинский балладани шундай таърифлаган эди: «Балладада шоир бирор хаёлий ва халқ афсонасини топади ёки бундай воқеани ўзи ўйлаб чиқаради». Дарҳақиқат, буюк танқидчининг замонасида балладалар ана шундай эди, улар хаёлий воқеа ёки халқ афсонаси асосига қурилар эди. Орадан бир асрлик давр ўтди. Давр тақозоси билан жанрда кўпгина янги хусусиятлар пайдо бўлди. Реализм баллада жанрида ҳам тантана қилди. Балладалар кўпроқ реал, ҳаётий воқеалар асосига қуриладиган бўлиб қолди. Хаёлий воқеа ёки халқ афсонаси асосига қуриладиган балладалар эса фақат бу жанрнинг бир турига айланниб қолди.

Балладани шеърий ҳикоя дейишади. Ҳақиқатан ҳам баллада ҳудди ҳикоя сингари ўткир драматик воқеадан туғилади. Давр ва киши қалби драмасини беришда жанрнинг имкониятлари кенг. Замонамиз эса бундай драматик воқеаларга жуда бои. Ҳозирги пайтда адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланиб бораётганлиги, ижодий активликнинг кучайганлиги, даврнинг ўткир, ҳаяжонли томонларига эътиборнинг ошганлиги баллада жанрида ҳам кўринди, сўнгги йилларда бу жанр анча жонланиб қолди. Ҳ. Ғулом «Қитъалар уйғоқ», М. Бобоев «Европа балладалари» туркумини яратди, М. Шайхзода, Т. Фаттоҳ бу жанрда баракали ижод этди, Миртемир, Уйғун, Шухрат, Ж. Жабборов, Ҳ. Шарипов, Сайёр, Ҳ. Салоҳ, Т. Ҳамид шеърий тўпламларида ҳам балладаларни кўриш мумкин.

¹ Абдулла Қаҳҳор, Ҳаёт ҳодисасидан бадиий тўқимага, «Шарқ юлдузи», 1965, № 5, 148-бет.

«Адабиётшунослик терминлари луғати»да шундай гаплар ёзилган: «Совет поэзиясида қаҳрамонлик характеридаги бирор ҳаёттй эпизодни тасвирловчи кичик сюжетли шеър баллада дейилади»¹.

Бу таъриф ҳозирги ўзбек балладалари миқёсига мос келмайди. Ҳозирги балладаларнинг тематик ва проблематик доираси жуда кенг. Қаҳрамонлик характеридаги эпизодларни акс эттирувчи балладалар бу жанрда яратилаётган асарларнинг фақат бир қисменингина ташкил этади. Ҳозирғи балладалар турли-туман ҳодисаларга бағишиланган, уларда қўйилган муаммолар ҳам хилма-хил. Чунончи, Ҳ. Гулом ўз цикли билан қитъалар бўйлаб сайр этади, қитъалардаги уйғоқ, исёнкор ҳалқлар ҳаётидан драматик лавҳалар яратади, «башарни қоплаган бор ҳаяжонни» мисраларга солади; М. Бобоев Европа танидаги жароҳатларни балладаларига мавзу қилиб танлайди; Шұхрат балладаларидан бирида қадимги шарқ қаҳрамонлик афсонасига мурожаат этса, бошқасида буюк Ленин образини яратмоқчи бўлади, яна бирига гражданлар уруши қаҳрамонлари жасоратини асос қилиб олса, бошқа бирида Улуғ Ватан уруши даври драмаларини акс эттиради; М. Шайхзода бир балладасида ҳалқ афсонасига таяниб севгининг сеҳрли кучини мадҳ этса, Ҳ. Шарипов қадимги ҳалқ нақли баҳонасида шу куннинг зарур гапини — ижодкорнинг бўрчи, масъулияти масаласини кўтаради...

Ҳозирги давр ўзбек поэзиясининг ички тараққиётида юз бераетган қатор ҳусусиятларни балладаларда ҳам кўриш мумкин. Балладачиликда публицистик рух, лиризм, фалсафага мойиллик кучли. Шуниси характерлики, балладалар қайси даврга, қанақа темага бағишиланган бўлмасин, авторлернинг аксарияти ўз асарлари учун «жанр-

¹ Адабиётшунослик терминлари луғати, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1967, 40-бет.

боп» ўткир драматик ситуацияларни танлаб олаётирлар, шу драматик ситуация туфайли туғилган ўй ва туйғуларни тўкиб солишга, воқеа моҳиятини бадиий фалсафий таҳлил этишга интилаётирлар. В. И. Ленин ҳақида кўплаб балладаларнинг пайдо бўлаётганлиги қувончли ҳодиса. Поэзиямизда Ленин ҳақида сон-саноқсиз лирик шеърлар битилган. Эндиликда шеъриятимиз Ленин образини яратишда янги бир босқичга кўтарилаётир, шеъриятимиздаги яхши тенденциялар бу соҳада ҳам кўринаётир, Ленин ҳақидаги асарлар умумий гаплардан, риторикадан ҳоли бўлиб бораётир, шоирларимиз бу борада конкретликка интилаётирлар. Конкретликка интилиш туфайли Ленин ҳақидаги асарларга эпик элементлар кириб келаётир, шоирларимиз бу буюк инсон образини лиро-эпик картиналарда гавдалантиришга ҳам ҳаракат қилаётирлар.

Бу жиҳатдан Миртемирнинг Ленин ҳақидаги янги асарлари ғоят ҳарактерли. Шоир «Ленин жилмайиши», «Олис Фарғонадан», «Тўн» асарларида Ленин ҳаёти билан боғлиқ бўлган бирор кичик конкрет воқеани келтиради-да, сўнгра шу воқеа туфайли туғилган ўй-туйғуларини баён этади. Шухратнинг «Мангалик», «Пороль», Т. Фаттоҳнинг «Ҳайкал», «В. И. Ленин ҳақида баллада» асарларида ҳам шунаقا хусусият мавжуд.

Халқаро мавзудаги балладаларда давр ҳақиқатини беришга, фикр айтишга интилиш яна ҳам кучли. Ҳ. Ғуломнинг адабий танқидчилик ижобий баҳолаган «Эвакуация кўприги» ва «Хиросима» балладаларини эслаб кўринг. Ҳар иккала балладага ҳам ғоят ҳаяжонли воқеалар асос қилиб олинган. «Эвакуация кўприги»да шоир драматик асосни лирик қаҳрамон кечинмалари орқали юзага чиқаради, «Хиросима»да эса бевосита эпик қаҳрамонлар руҳий ҳолати, хатти-ҳаракати ва тақдирни орқали ифода этади.

«Эвакуация кўприги» воқеасини шоир икки оғиз сўз билан баён этади:

«Шофер Али менга айтган икки сўз
Дилимни ёритди худди бир юлдуз:
— Қаранг, эвакуация кўприги!— деди,
Кўпrikлар ичida эскиси эди».

Сўнгра шоир кўприк хусусидаги тасаввур ва фикрини бир неча сатрларда изоҳлаб беради:

«Унинг на кўрки бор, на чироқлари,
На неон нуридан оқ белбоғлари.
Бироқ арабларга азиз кўприк бу,
Унинг кутлуг номи сочади ёғду.
Ундан инглизлар кетган юртига,
Тарихда биринчи марта ортига».

Шоир изоҳни яна кенгайтиради. Лирик қаҳрамон та-
саввурида мазлумлар учун қувончли, босқинчилар учун
аянчли бир манзара ҳосил бўлади:

«Босқинчилар қайтган — келган йўлидан,
Узоқ босиб ётган Миср элидан;
Ўтган — аламини ютиб, пицирлаб:
Чириған ўпкадек танклар гижирлаб;
Замбараклар ўтган — оғзида парда
Сояси йўқолган тошқин сувларда...
Пиёдалар ўтган ҳоргин, ғуссали
Уларнинг олдида кичик жуссали
Манглайи тиришган, совуқ генерал

Энди Африкага бебурд, беамал.
Унга бундай ўтиш — кулгили кўрик
Аммо ўша кундан бу эски кўприк —
Халқ учун касб этган янги бир маъно
Чунки ўринлаган эзгу — муддао».

Шундан кейин лирик қаҳрамон ўй суриб кетади,
унинг хаёлидан Африкадаги ҳамма кўприклар бирма-бир
ўта бошлайди, афсуски, бу кўприклар ҳали ажнабийлар
қўлида, худди мана шу нарса лирик қаҳрамон қалбини
ҳаяжонга солади, қаҳрамон қалбининг зарби тезлашади,
бояги қувончли мотивлар бирдан гулдурос садолар билан алмашади:

«Сенегал чайқалиб тўлқин отади,
Француз қўшини босиб ётади:
Унинг кўпригида доим пойлоқчи
Автомати билан француз соқчи.
... Ангола элида бўлса эди эрк,
Кванза кўприги бўлармиди берк;
Португалияning зулми дастидан
Қоралар юради дарё пастидан..
Замбези сувлари назоратдадир,
Мозамбик эллари асоратдадир.
Кўприклар ҳарбийлар қўлида бутун
Ўтишга йўл бўлсин қоралар учун.
Жуба дарёсининг сувлари шўхдир,
Лекин кўприклари хавфга тўлиқдир.
Тўртга бўлингандир кичик Сомали
У ерда кўприклар — ўзганинг моли...
Яна қанча дарё,
 канча анҳорлар...
Аммо босиб ётар тажовузкорлар».

Шундай қилиб, оддий бир деталь — кўприкдан бошланган гап муҳим ижтимоий масалаларга, бутун бир қитъа ҳалқлари тақдири масаласига бориб тақалади; кўприк лирик қаҳрамон қалбига йўл топишда шоир учун поэтик бир восита ролини ўтайди, шу орқали автор давр драмасини лирик қаҳрамон қалбига олиб киради, лирик қаҳрамон қалби драмаси замонамиздаги катта ижтимоий зиддиятлар инъикоси бўлганидан у зўр социал маъно касб этади.

«Хиросима» балладасида япониялик икки ёшнинг мунгли ва фожиали қисмати ҳикоя қилинади. Бу ерда шоир асосан эпик тасвир йўлини тутса ҳам, ҳодисаларни лирик қаҳрамон кўнгил призмасидан ўtkазиб беради. Дастрлаб шоир икки ёшнинг қайноқ ва мусаффо севгиси ҳақида сўз очади, шу баҳонада қаҳрамонларини қисқача характерлаб олади:

«Такако! Жамолинг мунча сеҳргар,
Хоттани занжирсиз боғлабсан, дилбар,
Юпиقا лабларингнинг шайдоси экан
Ва талебларингнинг адоси экан.
Кўзларинг жодуси мунча ҳам ёмон,
Бечора Хоттага бермайди омон.
Жильга ёйилганда қизил юзингга
Хотта жон беради ҳар бир сўзингга.
Сен қўшиқ айтасан, Хотта тинглайди,
Севги маъносини қалби англайди!
Бошимга кўтариб юрсам, дейди у,
Фақат қувончингни кўрсам, дейди у».

Шоирни қиздаги бир ҳолат ажаблантиради:

«Аммо ўй сурасан гоҳида тўниб,
Шодлик чироқларинг бир нафас сўниб..»

Симобдай бетоқат уч-тўрт томчи ёш
Кипригинг тагидан ўрмалар бебош...
Хотта сабабини билолмай ҳайрон
Кўнглини босади чексиз ҳаяжон».

Воқеа тугуни худди шу ердан бошланади, шоир қаҳрамондаги бу хил ҳолат боисини ҳозирча китобхондан сир тутади, лекин вазиятни кескинлаштириб бораверади, севишганлар бир-бирлари билан қайта-қайта учрашаверади, бояги ҳолат тәкрорланаверади, қиз сирини билолмай вафодор йигитнинг жони қийноқда қолаверади. Ниҳоят, қиз сирни очади, қалбидаги ғуссаларни тўкиб солади: бир вақтлар Такаконинг ҳам ўз уйи, ота-онаси, укалари бўлган, энди улар йўқ, Хиросимадаги воқеа уларни қора ер қаърига тортган. Буларни эслаш Такако учун ниҳоятда оғир. Яхвиси унинг қалб туғёнига бир қулоқ ту-тинг:

«Бомба чинқириги эсимда ҳамон,
Ҳамон босилмайди мудҳиш ҳаяжон.
Ҳамон кўз олдимда бойқуш қаноти,
Ҳамон қулогимда элим фарёди.
Ҳамон кўз олдимда телбалар, шоллар...
Шунинг-чун сен менга берган саволлар
Қайта янгилайди ярамни ҳар гал,—
Гёё ёпишгандай ёқамга ажал.
Мажолим етмайди беришга жавоб.
Не қилай? Очилди ахир бу китоб».

Йигит олижаноблик қиласи, Хиросима қурбони дарбз-дар қизга уйланиш учун тўй тараффудини бошлайди, гўё қизга баҳт қуёши кулиб боққандай бўлади; лирик қаҳрамон қалби қувончдан тўлғанади, шу дақиқаларда қиз кўнглида ҳеч қанақа ғубор бўлмаслигини, қиз лабидан култи аримаслигини истайди; қиз эса ана шу қувончли

дамларда ҳам даҳшатли ўтмишни унутолмайди, қалби бетоқат титрайди. Нарироқ боръб бир дақиқа ташвишлар унүтилгандек бўлади, қиз ўзини енгил сезиб, даврага тушади, даврада ўйин-кулги бошланади, қаҳрамонлар кескин драматик ситуациядан чиқиб олгандек туюлади. Аммо шу заҳоти ғоят даҳшатли ҳодиса юз беради, шоир бу даҳшатли драматик картиинани шундай чизади:

«Қанча айлангани ёдида эмас,
Бирдан кўзи тинди, қисилди нафас.
Ногоҳ оёғидан кетди мадори
Бўшашибди...

Маҳкамроқ ушлади ёри;
Йигит юрагини қоплади қўрқув...
— Музика тўхтасин!

Тезда беринг сув!..
Хонада бошланди қий-чув, тўполон.
Аллаким сув берди, бошқалар ҳайрон.
Киз сал-пал тамшанди

ва тўниб қолди,
Тугаган шам каби у сўниб қолди».

Баллада хотимасида кўпгина фожий қиссалар хотимасида учрайдиган таскин берувчи сўзлар йўқ, хотима «сунъий оптимизм» дан холи, автор фожий ҳолатни ағайлаб енгиллаштиrmайди, даҳшатли ҳолатни бутун кескинлиги билан бераверади, кескин воқеанинг давомини очиқ қолдиради:

«Хотта даст кўтарди ёрини шунда,
Уйдан чиқиб кетди шу машъум тунда.
Аммо қайга кетди?

Бу мудҳиш савол —

Савол бўлиб қолди.

Уйда ҳамма лол.

Даҳшатли сукутни бўзди аллаким:

Хиросима, — деди,—

Хиросима!

Жим!..»

Шоир асарда драматик ҳолатларни кескинлаштириш қаҳрамонлар тақдиридаги фожий моментларни кучайтириш йўлини тутган экан, бу билан ҳаёт ҳақиқатига асло зид боргани йўқ, аксинча, ҳаёт ҳақиқатини бор бўйича беришга, Хиросима воқеасининг инсоният бошига солган кулфетларни рўйирост айтишга, бу мудхиш ҳодиса «ижодкор»ларининг жиноятини фош этишга муваффақ бўлган.

* * *

*

Баллада ўткир драматик воқеадан туғилади, дедик. Аммо драматик асос қанчалик ўткир бўлмасин, воқеа моҳиятига, автор ниятига, ғоявий-бадиий позициясига қараб тасвири хилма-хил бўлавериши, драматик асос кескин фожиавий тарзда ҳам, бир оз енгилроқ тарзда ҳам ҳал этилавериши мумкин.

М. Шайхзоданинг «Кўр кўйчи балладаси»даги воқеа хийла кескин, ҳатто фожиавий. Бастакор йигит шаҳло кўз бир қизга ошиқ бўлиб қолган, йигит ана шу шаҳло кўз қиз ишқида куйиб-ёнади, кўчалар ва сидин кочаларни янгратиб шаҳло кўз қиз ҳақида куйлаб юради.

«Аммо:

кўйчи кетди қонли урушга.

Қиз бўлак күёвга чиқди турмушга!..

Унуди кўйчини шаҳло кўз тездан,

Ўзганинг қўйнида баҳти топилди...

Кўйчи бир сўгишда ажралиб кўздан —
Дунёнинг ҳуснига соя ёпилди».

Ҳам ёрдан, ҳам кўздан жудо бўлиш йигит учун катта
фожиа! Бироқ шоир фожиани кучайтириш йўлидан эмас,
уни енгиллаштириш, юмшатиш йўлидан боради. Йигит
умидсизликка тушмайди, орзу-умидидан өоз кечмайди:

«...Бироқ
кўр бастикор дилида доим —
«Шаҳло кўз»,
«Шаҳло кўз»
бўлганди қоим...
Дер эди:
«Бир куни уйлансан шояд,
Ёrim шаҳло кўзли бўлмоқлиги шарти»

Йигит баҳти очилиб кетади, муддао рўёбга чиқади,
имма бу ишнинг жиндак «ишикал» томони ҳам бер:

«Кўйчининг дардини билган дўсту ёр
Хайрли ёлғонни афзал кўрдилар.
Сўраса Лайлонинг ҳуснин бастикор
«Кўзлари шаҳло қиз Лайло» дердилар»

Бироқ бу «ишикал» йигит баҳтига зомин бўлолмайди,
чунки «Вафоли, мәхрибон ёр эди Лайло».

Шундан кейин йигит елкасидаги бошқа бир фожиа ҳам
ошиб ташланади, йигит кўзи оламни кўрадиган бўлади.
Энди бор-йўги битта ташвиш — бояги «ишикал» қолади:

«Аттанг...
Пайқодики, мәхрибон Лайло

Унинг илҳомдоши — қадрдон Лайло —
Оддий қиз...

чаккимас, дурусту,
аммо,

Сира эмас экан кўзлари шаҳло,
Хаттоки, термилиб юзига боққач,
Сезилар —

чап кўзи озгина...қийғоч!»

Бу «ишкал» ҳам вазиятни кескинлаштиrmайди, у ҳам енгилгина ҳал этилади:

«Шунда, кўйчи туриб деди барада:
— Ҳеч бир шаҳло кўздан қолишмас Лайло!
...Мен энди вафоли Лайлони дейман...
Нағмани атайман шундай:
«Вафоли» —
Лайлонинг вафоси — унинг жамоли!..»

Гарчи асар охирига томон фожиавий вазият кескин ўзгариб, драматик ҳолатлар енгиллашиб борса ҳам, гарчи асар баҳтли хотима билан яқунланса ҳам, тасвир драматизмдан холи бўлиб қолган эмас, бу ерда драматизм ўзгача тарзда намоён бўлади, қаҳрамонни фожиали, оғир дақиқалардан баҳтли онларга қадам-бақадам олиб ўтишнинг ўзи асар драматизмини вужудга келтиради.

А. Мухторнинг шеърий ногеллалар деб аталмиш асарлари ҳам баллада жанрига мансуб. Бу хил юмористик балладалар жаҳон адабиётида кўп. Улар ҳам маълум драматик воқеа асосига қурилади, бироқ воқеа комик планда ҳал этилади. «Чолу кампирлар»ни эслайлик. Асар воқеаси ҳам драматик, ҳам комик характерга эга. Автор воқеа тасвирига киришар экан, дастлаб асар қаҳрамони Дадаали билан таништиради:

«Дадаали саксон бешни урган,
Фақат кўзларида чақнар ёшлиги.
Лекин ўзи ҳали
Бориб турган
Илфор бригаданинг бошлиғи».

Бобони кенгашга чақиришган; у «соқол тарашлаб, атрини бурқитиб» поездга чиқади. Чол вагонда эски таниши Ризвонга дуч келиб қолади:

«Йигитлик чогида уни күйдирган
Сир бермаган, мағрур шу Ризвон,
Кўз қисиб ҳам кўрган,
Совчи ҳам қўйдирган —
Унамаган курғур, шу Ризвон».

Соф, қайноқ севгига рад жавоби олиш нохуш ҳодиса албатта. Бироқ бу нохуш ҳодиса ўтмишда қолиб кетган. Чол билан кампирнинг ҳозирги ёшида ўша ҳодисани эсга олиш қалб ярасини сира-сира янгиламайди, аксинча, қувноқ кайфият уйғотади. Дарҳақиқат, шу ўринда қаҳрамонлар ҳеч қанақа «адоват»га бормасдан, ҳазил-мутойиба билан суҳбатга киришади:

— Ие! Ризвон кампир?
— Э-ҳа... йигитча.
— Йўл бўлсин, жажжи қиз!
— Шундоқ, айланиси...
Үзлари-чи? — Биз ҳам, шу пича
Ўйнаб келайлик деб чиқдик шайланиб».

Кулгили драматик вазият яна активлашади. Чол ҳам, кампир ҳам камтарлик ва қисман мағрурлик юзасидан ўз ишлари, тақдири, аҳволи ҳақида гапиришни эп кўрмай-дилар:

«— О, сиз-ей, юрибсиз? Невара боқиб...
— Юрибмиз тупроқдан ташқари...
Жувари құрятпсиз Шақилдок қоқиб...
— Ҳа... Шундок, жувари...»

Иккі сұхбатдош бир-бируни ана шундай англайди.
Шундан кейинги тасвирда «сир» очилади:

Вокзал.
Құчоқларда күзак гуллари.
Бино пештоқида яшнайды шиор:
«Хуш келибсиз, кенгаш вакиллари!»
Пастда — илғорларнинг сурати қатор...
Дадаали пирпиратиб күзин
Портретларга тикилди. Ҳайрон:
Илғор пахтакорлар орасида — ўзи,
Илғор пиллачилар ичида... Ризвон...»

«Рақиблар» яна бир бор түқнашади. Китобхон күзи олдида яна күлгили, қувноқ манзара пайдо бўлади, чол ва кампир бир-бирларига яна бир бор киноя, қочириқ тошини отиб қоладилар; аввалгидек, бу киноя ва қочириқларда ҳам ҳеч қанақа ғараз йўқ:

«— Иҳм!— деб йўталди ёнида кампир.
Боқса: Ризвон ўзи турибди кулиб.
Кўрмаганга олди кампир тушмагур.
— Иҳм!— деди чол ҳам йўталган бўлиб.
Кампир
Чол расмини имлади қош қоқиб,
Чол ҳам
Кампир расмин кўрсатиб туриб:
— Невара боқиб денгъ!
— Ҳа, невара боқиб...»

— Жувари қўриб денгі
— Жувари қўриб».

Миртемирнинг «Ўқимишли» асари ҳам худди «Чолу кампирлар» сингари «чиғал» ва кулгили бир ҳодиса асосига қурилган. Бир овулнинг етти сўлим қизи бир йигитни — ўқимишли Кўпайни севиб қолишган.

Қизиги шундаки:

«Еттоби ҳам енгейга
Айрим-айрим вайтар сир!
Еттов хуштор Кўпайга
Севги ўқишар бир-бир!»

Енгай узоқ вақт «сир»ни яширади, охири ноилож уни ошкор этишга мажбур бўлади:

«Хой, сиз, қора қошларим,
Бахт кўринглар, ўлманглар!
Еттала сирдошларим,
Айтсанам, хафа бўлманглар.
Еттовинг ҳам дардинг бир,
Бир севгида куясиз,
Бир-бирингга айтмай сир,
Бир йигитни суюсиз
Элдан ортиқми Кўпай,
Еттовинг ҳам тегиб ол!»

Шу ўринда шсир қаҳрамонларнинг ҳам драматик, ҳам кулгили ҳолатини беради, бу ҳолат тасвири ниҳоятда аниқ, табиий ва гўзал:

«Вой шўрим!»— дер Ўғилжон,
«Вой шўрим!»— дер Биражаб,

«Вой шўрим!»— дейди Гулжон,—
Вой ўлмасам! Воажаби!»
«Воажаби!»— дер Олтиной,
«Воажаби!»— дейди Холбу,
Бир зумда: қанчавой-вой...»

Сўнгра автор етти қиз кўнглини асир қилган йигит таърифини келтиради, йигитнинг билағон, ўқимишли эканини айтади. Йигит таърифига бағишланган сатрлар ҳам қувноқ, жозибадор.

Асар охирида шоир чигални ҳал этиб бермайди, уни очиқ қолдиради:

«Каттакон теримдан сўнг
Бир тўй бўлиши аниқ.
Қайси бирин иши ўнг,
Еттовлон бағри ёниқ».

Гарчи қаҳрамонлар чигал вазиятдан «қутқариб олинмаган» бўлса-да, асар ўқувчидаги қандайдир бир илиқ таассурот қолдиради, асардаги қувноқ руҳ вазиятни енгиллаштиришга ёрдам беради.

* * *

*

Жанр тараққиётидаги фазилатлар устида кўп гапириш, яна бир талай ижобий мисоллар келтириш мумкин. Камчиликлар ҳакида-чи? Бу ҳақда ҳам гапириш керак. Ҳозирги кунда «баллада» деб тақдим этилаётган асарларнинг ҳаммаси ҳам бу жанр намунаси бўла олармикан? Йўқ. Жанрга енгил-елпи муносабатда бўлиш, жанр талабларига менсимай қараш, жанрни ҳаддан ташқари жўнлаштириб юбориш ҳоллари балладачиликда ҳам кўриняпти.

Айрим авторлар баллада учун материал танлашда

әдашадилар, ғоятда жүн ҳодисалардан баллада чиқармокчи бўладилар. Ташпўлат Ҳамидинг «Сув қулоғида» балладасида шундай воқеа тасвир этилади: Сувчи йигит тунда пахтазорга сув тарамоқда, у сув тараётган гўзеларнинг чигитини ёри тўйига либос бўлсин деб ўз қўли билан эккан; ёри эккан гўзаларнинг ёнида бўлиш йигит учун катта фахр, у ўзини ёлғиз эмас, ёри билан бирга ҳис этади, ёр эккан гўзалар унга ёрининг тимсоли бўлиб кўринади, шу тариқа тонг отганини сезмай қолади. Воқеа ана шу. Хўш, шу воқеадан баллада ясаб бўлармикан? Ахир унда балладабоп драматик асос йўқ-ку!

Шу авторнинг «Шамол» балладасидаги воқеага қаранг: Тол барглари орасидан астагина шамол қўзғаладида, анҳор сувини жимирилатади, йўлларни силаб ўтади, боққа кириб садарайҳон ва гулларни титкилади, ниҳоят, пахтазорга йўл олади, жўякларда шошиб югуради, пахтазорда лобар қизларни кўриб қоледи ва уларнинг оппоқ бўйнидан қучади. Шу ерта келганда автор ҳикояни тўхтатиб, лирик чекинишга ўтади, шамол хатти-ҳаракати билан ўз ёшлиги орасида ўхшашилик ахтаради:

«Рашким келар!
Рашким келар, сенга, шамол,
Лек, дидингга қойилман!
Пахтазорда қизлар гўзал,
Шўхсан, бебошлигимсан.
Пахтазорнинг қизларига
Мен ҳам сендеқ мойилман,
Сени шамол деб атадим,
Аслида — ёшлигимсан».

Шу билан баллада тугайди. Муқоясадаги зўрма-зўракилик ва дудмаллик, мисралардаги ғализлик ва паришонлик ҳақида гапирмай қўя қолайлик, Шоир келтирган воқеа

тавсифий характерда, у драматик асосдан маҳрум, бино-
барин, у баллада учун муносиб эмас.

Баъзан шундай бўладики, автор баллада учун дуруст-
гина драматик асос танлайди, бироқ драматик асосни
конкрет гавдалантиришга келганда уқузсизлик қиласди.
М. Бобоевнинг «Ализанинг излари», «Маутхаузенда» бал-
ладалари шундай бўлиб чиқсан. Ўзбек қизининг Улуғ Ва-
тан уруши йилларида ўзга юртларни озод этишдаги жа-
сорати ҳам, фашистларнинг Маутхаузендаги мудҳиш жи-
ноялтари ҳам баллада учун ажойиб материал бўлиши
мумкин, албатта. Шоир шундай жанрбоп материал топ-
гану, уларни жанр рамкасига солиш ўстида кам бош қо-
тирган. Автор қиз жасорати ҳақида ҳам, фашистлар йирт-
қичлиги ҳақида ҳам жуда умумий бир тарзда гапиради,
ҳар иккала асар ҳам баллада жанрига хос конкрет дра-
матик картинадан, тугал воқеадан холи. Улар лирик шеър
сифатида маъқул бўлар, аммо баллада жанри намунаси
деб қабул қилолмаймиз.

Умуман ҳозирги балладачиликдаги лирикага мойил-
лик, лирикаламитириш (лиризация) ҳамиша ҳам ўзини оқ-
лаётир деб бўлмайди. Кўпгина балладаларда воқеанинг
энг ҳаяжонли моментига келганда, уни кўрсатиш ўрнига,
у ҳақда қисқагина ахборот берилади-да, туйғулар түғёни
тасвирига ўтиб кетилади. Туйғулар тасвири эса ниҳоятда
узун бўлади, балладада асосий нарса эмоцияга мўл воқеа
экани, лирик бўёқ воқеанинг ўзида мужассам бўлиши ло-
зимлиги унтутиб қўйилади. Бундай қусурни ҳатто умуман
ижобий баҳо олган балладаларда, чунончи, «Мангулию»
ва «Эвакуация кўпригига» ҳам қисман учратиш мум-
кин.

Натижада худди поэмачиликдаги каби балладачилик-
да ҳам эпик тасвир бўш бўлиб қолаётир, сюжет қуриш
санъати пасайиб кетаётир, асардаги лирик ва эпик тасвир
нисбати бузилаётир, авторлар асардаги драматик зичлик

ва изчилилликни, сюжетнинг динамиклигини таъмин этиш устида ҳар доим ҳам етарли иш олиб бормаётирлар.

Мирмуҳсин «Бобир ва бир тилим Фарғона қовуни» асарида баллада учун ниҳоятда мос воқеа танлаган: хинд элининг ҳукмдори Бобир олис Фарғонадан келтирилган қовунни кўриб, она юртини эслаб кетади, салтанат, тожтахти унутиб, худди боладек юртини қўмсаб йиғлайди. Шоир дастлаб ҳайбатли қаср манзарасини чизади, кейин қаҳрамоннинг драматик ҳолатини беради. Шу ҳолат эволюциясини кўрсатиш ва уни янада чуқурлашириш билан балладени тугатиб қўя қолиш мумкин эди. Аммо автор ундан килмайди. Қаҳрамон ҳолати ҳақидаги тасвирни бу ёқда қолдириб, қовуннинг Фарғонадан қандай келтирилганини баён этишга тушиб кетади, қирқ туяли карвон Фарғонада пишган қовунларни қирқ кеча-ю қирқ кундузда Аргага қандай қилиб олиб боргани ҳақида батафсил ёзади.

Асардаги асосий нарса — Бобирнинг драматик ҳолати. Қовун келтириш тафсилоти, гарчи унда ҳам драматик элементлар мавжуд бўлса-да, асардаги драматик йўналиш ритмикасини бузган, асарнинг композицион яхлитлигига птур етказган.

Композицион паришонлик Миртемирнинг «Ленин ва Ражаб бобо» асарида ҳам кўзга ташланади. Ражаб бобонинг Лениндан жавоб мактуби олиши билан масала ҳал бўлади, асар драматизмининг энерцияси тугайди. Аммо шоир асарни тугатмайди. Асарга яна икки бобни ёпишитирди. Боблардан бирида Ражаб чолнинг етти йигит билан ҳангомаси келтирилади. Етти йигит ва бир чол «шаҳар ўртасидаги сўлим ва соз боғ» ичida гурунг қуриб, ўзларининг орден олиш тарихи ҳақида бир-бирларига сўзлаб берадилар. Навбатдаги бобда эса чолнинг эрта саҳар пайтидаги дала сайри тасвир этилади. «Янги шеър-

лар» тўпламида шоир балладанинг худди шу бобларини тушириб қолдириб яхши қилган.

Балладаларимиз форма жиҳатидан анча қашшоқ. Бир балладада ишлатилган приёмлар бошқаларида тақорланяпти. Масалан, Ҳ. Гуломнинг бир тўпламга кирган учта балладасида — «Суд», «Жазоир фожиаси» ва «Гомер қаламига лойиқ жасорат»да суд картинаси чизилади, қаҳрамонлар тақдиди суд процесси тасвири орқали кўрсатилади. Шоир деярли барча балладаларда фақат бир хил — ўн бир ҳижоли шеърий вазндан фойдаланади, мисраларни эса нуқул маснавий формасида қофиялайди. Шуҳрат балладалари ҳам вазн жиҳатидан чекланган.

Афсонавий сюжетлар асосида бир талай балладалар яратилди. Уйғуннинг «Чилдухтарон», Шайхзоданинг «Хоразмда қиш бўлмас экан», Шуҳратнинг «Қаҳрамонлик қиссаси», «Уч қиз афсонаси», «Гулдурсун», Ҳ. Шариповнинг «Африка ҳикояти», А. Ориповнинг «Қасамдара», Ҳ. Салоҳнинг «Наъматак», «Қўш терак», «Тентаксой» асарлари шулар жумласидан. Улар орасида афсонавий сюжетлар чин маънода қайта ишланган, уларга янгила маъно берилган, бинобарин, янги оригинал асар дараҷасидагилари ҳам бор. Масалан, «Африка ҳикояти», «Қасамдара» балладалари ана шундай асарлар бўлиб, адабий танқидчилик томонидан юксак баҳоланди. Афсуски, бу хил асарлар ичидаги маълум сюжетларни шунчаки қофияли мисраларга тизиб чиқиш билан кифояланганлари ҳам бор. Уларда қаҳрамонлар фаолиятининг ташки тафсилотларигина берилади, қаҳрамонлар қалби, қалб драмаси эса эътибордан четда қолади ёки жуда юзаки қайд этилади.

Хулласи калом, баллада жанрининг имкониятлари кенг, ифода усувлари хилма-хил, аммо бу жанрнинг қатъий талаб ва қонуниятлари ҳам бор. Ҳар қанақа ҳодисадан баллада чиқавермайди. Баллада учун аввало

тирик, ихчам ва характерли воқеа керак. Даврнинг му-
мим драматик моментлари, давр драмаси қалб драмаси
 билан узвий боғлиқ ҳолда берилган тақдирдагина чи-
 жакам баллада яратиш мумкин. Бунда бутун гап ижод-
 торнинг санъатига, жанрнинг талаб ва имкониятларидан
 ҳозирлик билан фойдалана билишга боғлиқ. Ҳозирги
 балладалар устидаги кузатиш ва мулоҳазалар шундай
 ўолосага келиш учун имкон беради. Буни совет адабиё-
 ёдаги энг яхши балладалар тўла тасдиқлайди.

1966

—

РОМАН ҲАҚИДА ДИАЛОГ

— Ҳозирги романлар ҳақида қандай фикрдасиз? — деб сўраб қолди адабиётчи дўстим.

— Ёмон эмас. Бу жанр тез ривожланяпти. Фақат кеънинг икки-уч йил ичидагиздан ортиқ роман пайдо бўлди...

Жавобим дўстимни қаноатлантирумади шекилли, дароров гапимни бўлди:

— Тўғрику-я сонга қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, аҳвол жойида. Адабиётимиз тарихида қисқа муддат ичидагиздан шунчалик кўп роман яратилган эмас эди. Мен бадиийлик томонини, сифат томонини сўрамоқчийдим. Яратилган романлар орасида бадиий мукаммаллиги жиҳатидан «Анна Каренина», «Очилган қўриқ», «Қутлуқон»га тeng келадиганлари борми?

Дўстимнинг саволи мени ўйлантириб қўйди, бирор нарса дейишга қийналиб қолдим. Тилимга келган гашу бўлди:

— Сиз ҳозирги романчиликдаги муваффақиятларни инкор этмоқчимисиз?

— Йўқ, инкор этмоқчи эмасман. Мен ҳақиқий аҳволни реал ва одилона баҳолаш тарафдориман. Айриш ўртоқларимиз романларга нисбатан талабчанликни сўзларидан кўйяптилар, романлар танқидида бир ёқламақтovлар кўпайиб кетяпти.

— Ундаи бўлса келинг, яхшиси биргаллашиб ҳақиқий золга бир назар ташлайлик, яратилаётган романлар ҳақида конкретроқ гаплашиб олайлик.

Менимча, ҳар қандай бадиий асар олдига, биринчи энда роман олдига «нима ҳақида», «ким ҳақида» деган сабони қўйиш ўринли бўлур эди.

— Ўшалар ёнига «қандай» деган сабони ҳам қўшиб қўйиш керак.

— Ҳа, нима ҳақида, ким ҳақида ва қандай ёзилган. Амандаги бадиий мукаммаллик худди шу уч момент гармонияси туфайли вужудга келади.

— Ҳозирги романларда шу уч момент гармонияси таъмин этилаётир деб бўлармикин?

— Ҳамма гап шунда. Романчилигимиз ривожидаги ососий қийинчиллик ҳам худди шу масалада юз беряпти. Сман учун улкан ҳаётин проблемалар керак. Роман қарномонлари романбоп ғоявий-бадиий нагрузкаларни зелкасида кўтаришга қобил бўлмоғи лозим. Бу маънам талабларни эслатишдан мақсад шуки, яқин-яқинларни яратилган айрим романлар худди шу жиҳатдан оқиб бер эди. Ҳикоя ёки очеркбоп материални бир илож қиб роман ҳолига келтириш, ҳикоя ёки қиссада айтиш, фодалаш мумкин бўлган гапни романга олиб кириш, шир ҳикоялик ҳоли бор қаҳрамонларни бутун бошли романда зўрлаб тутиб туришдан иборат камчиликларга таштартма марта дуч келганмиз. Ҳарқалай, кейинги яратилган романларимиз бундай қусурлардан ҳоли бўлиб боряпти. Ен «Олтин занглаилас» билан «Қора кўзлар»ни назарга тутяпман.

«Олтин занглаилас» романни билан Шуҳрат адабиёти изга янги материал олиб кирди. Роман материали, азар кўтарган масала ўзининг салмоғи жиҳатидан ҳам, измуни жиҳатидан ҳам йирик эпик асарга муносиб. Роман бош қаҳрамони Содиқнинг ҳаёт йўли, тақдири

ҳақиқатан ҳам романга арзигулик. Бу образда китобхон учун ибратли моментлар кўп.

«Қора кўзлар» том маънодаги замонавий роман. Бу асар П. Қодировнинг аввалги романни «Уч илдиз» каби ўз замонасидағи романбоп ҳодисаларни, проблемаларни топа билишининг дуруст намунаси, у шу кунги қишлоқ ҳаётига бағишиланган, автор бу ҳаёт ичига чуқур кириб борган, ҳам хўжалик, ҳам ахлоқий-мәиший ҳарактердаги жиддий проблемаларни кўтарган, ҳозирги қишлоқ ҳаётидаги процессларни дадиллик билан ҳикоя қилиб берган.

— Бу томони менга ҳам маъқул. Бу икки романда кўтарилигандай проблемаларнинг ҳаётийлиги айниқса қувонарли. Қаранг, ҳаётнинг ўзида шундай муҳим ҳодисалар, жиддий гаплар бўлса-ю, айрим ёзувчиларимиз асар учун ҳавоий гаплар, уйдирма воқеалар қидириб ўтираса! Қани энди, ана шу ҳаётий проблемаларнинг бадиий информацииси классик романлардагидек юксак бўлса!

Ҳарактер яратиш масаласини айтмоқчиман. Жиддий проблемалар кўтарилаётган, қаҳрамон танлаш проблемаси умуман дуруст ҳал этилаётган бўлса ҳам, ҳозирги романларда ҳарактер яратиш санъати хийла заиф.

Ҳарактер яратишни адабиётнинг бош масаласи де-йишади: асарда кўтарилигандай проблема қанчалик ҳаётий, жиддий бўлмасин, у ҳарактернинг мөхиятидан Келиб чиқмаса бекор. Биз баъзан, ҳарактер масаласини жудаям жўнлаштириб юборамиз, асардаги жамики персонажларни ҳарактер деб атайверамиз. Аслида ҳарактер бу адабиётда бутунлай янги бир одамни, унинг маънавий дунёсини кашф этиш эканини, ҳарактер бу давр ҳақиқати, ёзувчи ҳаяжонлари, ўй-фикрларини ўзида мужассамлаштирган такрорланмас индивидуал шахс эканини ҳамиша ҳам ҳисобга олавермаймиз. Ҳарактер ма-

ласига шу хилда ёндашилса, ҳозирги романлардаги ифлиқ яққол кўринади қолади.

— Шундайку-я, лекин романларимизда кашфиёт де-арзигудай характерлар ҳам яратилди. «Қора кўзлар»-ни Холбек, Ортиқ ва Ислам боболар менга кашфиёт либ туюлади. Мен ҳаётда Холбекка, Ортиқка ва Ислам сабога ўхшаб кетадиган одамларни кўп кўрган эдим, аммо адабиётда учратмаган эдим. Шуниси ҳам борки, уларга ўхшаш одамларни ҳаётда кўп кўрган бўлсам, уларнинг маънавий олами мен учун қоронғи эди, сманни ўқиб, бу хил кишиларнинг руҳий дунёсини ҳам кур билиб олдим...

— Дарҳақиқат, сиз айтган образлар ҳаётдаги жонлиларнинг тимсоли, бадиий кашфиётдир. Аммо кўплик романлардаги бир груп образлар худди шу хил хусусиятдан маҳрум. Танқидчилар бунинг олдини олишиб жонкуярлик кўрсатишлари керак эди, афсуски, бундай бўлмаяпти, аксинча, масалани яна ҳам чалкаштириб ёришапти. Бир вақтлар адабиётшуносликда характер-ижобий ёки салбий хусусиятларнинг йиғинидисидан борат деб тушуниш кенг тарқалган эди. Баъзи танқидчар ҳанузгача шу хил фикрдалар, қаҳрамонни баҳодорда фақат уларга тақилган хислатлар сонига қараб кўрадилар. Ижобий қаҳрамонларда ижобий сифат-эр қанча кўп бўлса, ижобий қаҳрамонлар қанча кўп иш қилса, бу авторнинг ютуғи деб кўрсатилади, ёбодо, ижобий қаҳрамон бирорта ножӯя иш қилиб йиса, автор балога қолади... Ёки, аксинча, салбий қаҳрамонларда салбий хусусиятлар қанчалик кўп бўлса салбий қаҳрамон шунчалик кучли фош этилган бўлади. Йок муҳим нарса — характердаги шу хусусиятларнинг ҳанчалик ҳаётийлиги, мәнтиқан ва психологиягик томондан ҳанчалик асосланганлиги масаласи эса кўпинча эътибор-ж четда қолиб кетаверади... Чунончи, «Уфқ»даги Ино-

ят оқсоқол, «Олтин зангламас»даги Мирсалим образларига баҳо беришда шундай бўлди, ҳар иккала образ ҳам авторнинг жиддий ютуғи тарзида баҳоланди. М. Олимовнинг «Уфқ», Ш. Юсупов билан А. Алиевларнинг «Олтин зангламас» ҳақидаги мақолаларида шундай қилинди.

— «Олтин зангламас»даги Мирсалим хусусида менда ғалати бир таассурот туғилган эди. Мирсалим — салбий қаҳрамон, шунинг учун оламдаги салбийликка хес жамики хусусиятлар унда мужассам: у муносиғик, товламачи, лўттибоз, қўрқоқ, иғвогар, хотинбоз, чайқовчи, хоин, жосус ва ҳоказо. Мирсалим асар бошида жонли одам сифатида гавдаланади. Лекин асар охирига томон образ ўзининг жонли қиёфасини йўқотиб, салбий хусусиятлар йигиндисига айланиб қолади. Асадаги бошқа салбий қаҳрамонлар — Диловархўжа, Мушарраф характерини ёритишда ҳам автор шу йўлдан боради.

— Фақат «Олтин зангламас»да эмас, бошқа кўпгина романларда ҳам салбий қаҳрамон характерини яратишида шундай тенденция бор. Бу тенденция ҳатто бошқа жанрларга ҳам кўчяпти. «Чиникиш»даги Бўрихўжа, «Уфқ»даги Иноят оқсоқол, «Сенга интиламан» романидаги Мирҳосил, «Қотил» драмасидаги Ғойиб, «Хатарли йўл»даги Миржалол... Қаранг, бу тоифа образларнинг бутун бир отряди пайдо бўлиб қолибди.

— Бу ҳодиса маълум даражада услуг масаласи билан боғлиқ бўлса керак. Ҳозирги романчиликда янгича ифода усулларини қидириб топишга уриниш кучли. Роман авторлари хилма-хил услубий формаларни синаб кўряптилар. Ҳозирги романларда А. Қодирий ва Ойбек традицияларини ҳам, рус ва жаҳон классик романчилиги анъаналарини ҳам, «замонавий роман» тажрибаларини ҳам кўриш мумкин. Бир ёзувчи ижодида ва ҳатто у яратган айрим асарнинг ўзида бир эмас, бир неча хил услубий хусусиятлар учрайди. Авторлар гоҳ

анкидий таҳлил йўлини тутадилар, гоҳ романтик тасвир ѹига ўтадилар, гоҳ публицистик, гоҳ лирик талқинга ғришадилар, гоҳ юмористик, гоҳ сатирик бўёқни ишга оладилар, гоҳ изчил, гоҳ детектив ҳикоялаш усулини ўлмайдилар. Хилма-хил услубий хусусиятлардан фойдаланиш бир томондан, ҳаётни кенгроқ қамраб олиш, бу тутун мураккаблиги, хилма-хил қирралари билан ўрсатишда қулайликлар туғдираётир, иккинчи томондан асар қизиқтирувчанигини оширишда ёзувчига қўл елаётир.

Бироқ бу ишнинг хатарли томони бор. Ёзувчи хилма-хил услубий хусусиятлардан фойдаланаман деб асарни услуб яхлитлигини барбод этиб қўйиши ҳам мумкин. Хилма-хил услубий хусусиятларни ишга солаётганда асарнинг нисбатига қатъий риоя этиш, асарнинг етакчи слубини тайин этиб олиш ва уни бу тутун асар давомида этиб туриш катта аҳамиятга эга. Бусиз бадиий мукаммаликка эришиб бўлмайди. Ҳозир яратилаётган кўпчина романларда бадиийликнинг шу қонунияти бузилип-бўлди. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «Уфқ» муҳокамасига бағишинган адабий йигинда романдаги шу хил камчиликни сўнгдан этиб ўтган эди. «Уфқ»— жиддий роман, унга асос олиб олинган материал тасвирининг жиддий бўлишини қозо этар эди. Аммо автор бу талабга етарли риоя майди. Ёзувчи жиддий асарга сатирик бир образ — Иноят оқсоқолни олиб киради. Жиддий асарда сатирик образнинг бўлавериши мумкин, албаттa. Аммо у асардан муносиб ўрин олиши керак. «Уфқ» автори Иноят оқсоқол образига керагидан ортиқ ўрин ажратади, уни сардаги етакчи образлар даражасига кўтариб юбораси. Оқибатда Иноят оқсоқол билан боғлиқ бўлган сатирик тасвир кўп ўриндa романдаги етакчи тасвир ритмичасини издан чиқарган, асарнинг услубий яхлитлигига тутур етказган,

— Жиддий романда салбий қаҳрамонни сатирик тарзда ифодалаш ҳар ҳолда мақбул бўлмаса керак. Жиддий асарда факат ижобий қаҳрамон проблемаси эмас, салбий қаҳрамон масаласи ҳам жиддийроқ қўйилгани маъқул. Айтишларича, «Анна Каренина» романдининг дастлабки вариантида Каренин образи каррикатура тарзида талқин этилган экан. Кейинчалик, Лев Толстой жиддий асар учун бу хил тасвир мақбул эмаслигини пайқайди ва бу йўлдан воз кечади. Автор Каренинни ошқора сўкмайди, қора бўёқ билан чаплаб юбормайди, бу одамни бутун мураккаблиги билан кўрсатади, унинг характерини атрофлича таҳлил этади, характеридаги салбий хислатлар илдизини психологик томондан чуқур асослайди.

— Салбий образни толстойчасига тасвир этишга уриниш бизда ҳам бор. «Қора кўзлар» автори худди шу йўлдан борган. Асардаги Ортиқ характери таҳлилини олиб қарайлик. Бу одам салбий қаҳрамон. Шундай бўлса-да, автор бу одамга керакли-кераксиз айбларни тақайвермайди, характер мантиқи тақозо этган айбларни гина унга юклайди. Ортиқ шуҳратпаст, шароитга мослашувчи мешchan. Ёзувчи характер таҳлилида шу хусусиятларгагина эътибор беради, оқибатда Ортиқ жонли одам сифатида гавдаланади. Автор салбий қаҳрамонга баъзан хайрли ишлар қилдиришдан ҳам чўчимайди. Романдаги айиқ ови картинасини эслайлик.

Ортиқ ҳаёти учун ниҳоятда қалтис бир вазият. Ҳар қадамда вахима, ҳавф-хатар таҳдид солиб турибди. Шу пайтда унинг учун яқин бир мададкор керак. Аввал ўзига рақиб деб билган укаси Аваз шу дамда унга мададкор бўлади. Ўшанда Ортиқ бир неча муддат мусаффо бир шахс тарзида кўринади: шуҳрат, амал унинг учун бачканга бир нарса бўлиб туюлади, чиндан ҳам одамгарчилиги тутиб кетади, қалбида акалик ҳисси жўш

ради; гина-кудуратларни унутади; Аваз, унинг хотини
улкар ҳақида илиқ бир тасаввур Ортиқнинг борлигини
олғаб олади... Хатарли вазият ўтиб кетади. Аваз Ор-
тиқи айқ тажовузидан қутқериб қолади. Хатар йўқо-
ши билан секин-аста Ортиқ бошқача тусга кира бо-
ди, унинг характеридаги етакчи хусусият — шуҳрат-
растлик яна юзага қалқиб чиқади, ўзини хатарли
вазиятнинг қаҳрамони қилиб кўрсатишга тиришади, ха-
тида айқ туфайли ўз обрўйини ошириш, мавқеини
хустаҳкамлаш режаларини туза бошлайди... Салбий
храмонни бунақа чукур психологик анализ орқали
ош этиш, ошкора сўкиш, қора бўёқ билан чаплашга
ераганда самаралироқ экани кўриниб турибди.

— Яна услуг масаласига қайтмоқчиман. Услуб ях-
тилигига етарли эътибор бермаслик, асардаги етакчи
слубий тонни, услугубий оҳангни асар давомида бирдек
тиб тура олмаслик ҳоллари бошқачароқ формада ҳам
одир бўляпти. Сиз ижобий мисол қилиб келтирган «Қо-
з кўзлар» романидаги бир моментни эслаб ўтмоқчи-
манд. Роман финалидаги тасвир оҳангни асар давомидаги
иддий тонга мувофиқ эмас. Асар охирида тасвир суръ-
ти хийла тезлашиб кетади, автор ҳодисалар процес-
си эмас, натижасини кўрсатишга шошилади, асардаги
слубий қаҳрамонларнинг бир қисми тузалиб, яхшилар
историга қўшилади, қолганлари эса тумтарақай бўлиб
кетади; ижобий қаҳрамонларнинг барчаси мурод-мақ-
идига етади, табиий офат ҳақидаги ахборот ва келгу-
нда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлар хусу-
даги тахминларни ҳисобга олмаганда, қаҳрамонлар
иддидаги ғовларнинг барчаси йўлдан олиб ташланади,
ё дорвоздаррага етай деганда таранг тортилган ар-
рон бўшаб кетгандай бўлади, тасвир ритмикаси бирдан
бошқача тусга киради. Бу ҳол асарнинг ғоявий-бадиий
имматига салбий таъсир кўрсатган; асар охирига бо-

риб унда тасвир этилган ҳодисалар ҳақида китобхонда туғилған жиддий тасаввур анча бўшашади.

Бошқачароқ бир мисол. «Давр менинг тақдиримда» романни фалсафий-аналитик услубда ёзилган. Романнинг учинчи бўлимига бориб услугуб ўзгаради, автор детектив ҳикоялашга ўтади, жиддий асар бирдан саргузашт асар тусини олади. «Олтин зангламас»нинг охириги бобларида ҳам детектив ҳикоялаш устунлик қилиб кетади.

— Умуман ҳозирги романларда детектив ҳикоялаш усули кучайиб боряпти. Бу ёмон ҳодиса эмас. Классик романчиликда бу усул кенг қўлланилар эди. Лев Толстой ҳам ўз қисса ва романларида шу усулдан фойдаланади. Афсуски, бу усулдан фойдаланишда бизда баъзан меъёр бузияпти, баъзан эса бадиийликнинг бошқа томонлари унугиб қўйиляпти. Айрим авторлар қизиқарли воқеалар тасвири билан овора бўлиб кетиб, характерлар тасвирини эътибордан четда қолдираётнлар. «Олтин зангламас»да шундай моментлар анчагина. Шундай ҳолат «Фарғона тонг отгунча» романнida ҳам учрайди. Романдаги Ғуломжон образи билан боғлиқ бўлган тасвирни эсланг. Иккинчи китобнинг бошида Ғуломжон ҳам кам, ҳам пассив ҳолда кўринади. Нарироқ бориб у воқеаларга аралашади, айни вақтда активлашади; синфий онги ошади, золимларга қарши курашга отланади, ҳатто етук революционер даражасига кўтарилади, марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаб олади, синфий кураш ҳақида назарий нутқ сўзлайди, Ғуломжон билан боғлиқ бўлган бу воқеалар айланма йўллар орқали қизиқарли қилиб берилади. Бизни Ғуломжон ҳақидаги воқеалар қизиқтиради, биз Ғуломжоннинг воқеалардаги иштирокини кўрамиз, гапларини эшитамиз, ундаги ўзгаришлар ҳақидаги ахборотларни ўқиймиз, аммо ниҳоятда муҳим нарсадан — Ғуломжон қалбидаги ўзгаришлардан бехабар қоламиз: Ғуломжон руҳий дунёси

шундай кескин ўзгаришлар қай тариқа юз берди экан? Гуломжон қандай руҳий зиддиятларни енгиб ўтиб, шу аражага кўтарилиди экан? Романда бу саволга жавоб берилганда эди, Гуломжон образи адабиётимизда кат-ходиса бўлар эди.

Классик романларда, чунончи, Толстой романларида, жектек фақат қизиқтирувчанлик учунгина қўлланилгән мас, айни вақтда у характерлар таҳлилига, характерлар психикасидаги кескин бурилишлар таҳлилига бўйундирилган. Қани энди, бизда ҳам шундай бўлса.

— Суҳбатимиз ижобий қаҳрамон проблемасига кеб тақаләётир. Романчиликдаги ҳақиқий аҳвол ҳаммадан бурун ижобий қаҳрамон қиёфасида кўринади. Бу веъда батафсироқ гаплашиб олсан.

— Ҳозирги романларда ижобий қаҳрамон тасвири изнингча қандай?

— Ижобий қаҳрамон тасвири хусусида кўпгина илиқ лар айтиш мумкин. Ижобий қаҳрамон тасвиридаги шир фазилат менга маъқул. Роман қаҳрамонларида сочет кишисининг иродасини, эътиқодини ифода этишга, оражданлик масъулияти туйғусини кўрсатишга интилиш учли. Олижаноб идеал, юксак эътиқод ва шу эътиқод ўлида тинимсиз кураш — ҳозирги романлардаги ижобий қаҳрамонларнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Атто романларга берилган номларда ҳам шу ғоя, ижобий қаҳрамонлардаги шу хусусият таъкидланади. Шуҳат янги романини бекорга «Олтин зангламас» деб атаван эмас. Автор бош қаҳрамонни ҳаётнинг ғоят серманаққат ва мураккаб йўлларидан олиб ўтади, у энг қийин замларда ҳам коммунистик идеалларга содиқ қолади, ижони ва эътиқодига гард юқтирумайди, ўз ишининг ақлигига, ҳақиқатнинг тантанасига бўлган ишончини йўлтрайтибди. Қаҳрамон эътиқоди бамисоли олтин, у ҳеч ачон ўзига занг юқтирумайди. Пиримқул Қодиров роман

манидаги ижобий қаҳрамонлар ҳам юксак эътиқод эга-
лари. Оддий одамлардаги оддий бўлиб кўринган хислат-
лар — ҳалоллик, ростгўйлик, одамийлик ва самимий-
ликни кўрсатиш, мана шу оддий, аслида бебаҳо хислат-
ларнинг жозибасини очиб бериш — ёзувчининг асосий
муддаоси. Автор ана шундай кишиларга нисбат бериб
асарни «Қора кўзлар» деб атайди... Одил Ёқубов ро-
манига «Эр бошига иш тушса...» деган ном қўйиш би-
лан ижобий қаҳрамонлари, уларнинг бошига иш тушган
офир кунларда кўрсатган матонати ва юксак онглили-
гига ишора қиласди...

— Буниси яхши. Аммо қаҳрамонлардаги шу хусусият-
ларни вужудга келтирган факторлар ҳам кўнгилдаги-
дек кўрсатилса экан. Романларимизда қаҳрамонларнинг
ижобий хислатлари кўп таъкидланади-ю, шу хислатлар-
нинг ижтимоий илдизлари, турмушдаги манбалари, юк-
сак эътиқод омиллари етарли даражада очиб берилмайди.
Бу жиҳатдан «Қутлуғ қон» романини эслатиб ўтмоқчи-
ман. Бош қаҳрамон Йўлчи характеридаги ҳар бир ўзга-
риш, ўсиш уни қуршаб олган муҳитнинг таъсири тарзи-
да кўрсатилади. Романда характер таҳлили шароит,
муҳит таҳлили билан қўшиб олиб борилади; муҳит, ша-
роит нафаси ҳар қадамда барада сезилиб туради. Ҳо-
зирги романларимизда қаҳрамон билан шароит тасвири
орасида қандайдир номутаносиблик бор.

Биз адабиётшунослар ҳам қаҳрамон характери ҳақи-
да кўп гапирамизу, асарда тасвир этилган муҳит, ша-
роит ҳақида кўпинча индамай ўтамиз. Негадир адабиёт-
шуносларимиз ҳанузгача бадий асарда шароит пробле-
маси билан жиддийроқ шуғулланмаётирлар. Ҳолбуки
реалистик адабиётда шароит проблемаси характер
проблемаси билан бир қаторда туриши лозим. Ф. Эн-
гельснинг реализмга берган машҳур таърифида «типик
характер» билан бир қаторда «типик шароит»нинг тил-

олиниши тасодифий эмас. Ҳаётни кенг кўламда сирлаш имконияти бўлган роман жанри учун шароит проблемаси айниқса катта аҳамиятга эга. Чинакам роман характер ҳамда шароитнинг кенг ва чуқур таҳлийдан, бу икки муҳим моментнинг узвий бирлигидан тилади. Ҳозирги романларда қаҳрамон тақдири кенг тасвири этилган ҳолда давр, шароит, муҳит тасвири иккичи планга тушиб қоляпти. Роман ўзининг эпиклик тасвири тусиятини сусайтириб қўйяпти. Адабиётшунослар эса ҳақда ҳеч нарса демаяпти.

— Адабиётшунослар шаънига айтган таъналарингиз димол тўғридир, лекин романлар ҳақидаги гапингизга яна қўшилолмайман, ҳамма романларда шароит тасвири ночор, дейилса инсофдан бўлмас. Бизда қаҳрамонларини мухит, шароит билан боғлиқ ҳолда таҳлийдан этишнинг дуруст намуналари бор. «Қора кўзлар» романни бу жиҳатдан ибратли.

Шу вақтга қадар қишлоқ ҳаётига бағишлиланган кўпчилик роман ва қиссаларда етакчи ижобий қаҳрамонлар шекаридан келтирилар эди, қишлоқдаги «мушкулот» ҳарадан келган бирорта билимли, етук одамнинг чоғандабирлари орқали бартараф этилар эди. «Ҳилола», «Сенга интиламан» асарларида шундай қилинган. «Қора кўзлар» автори етакчи ижобий қаҳрамонларни мухитнинг ўзидан қидиради. Ёзувчи муҳит, шароит тасвирига тохида эътибор беради, ҳали автор қаҳрамонлардаги ижобий сифатлар ҳақида гап очмасдан бурун қишлоқдаги шароит манзарасини чизишга киришди, Ойкўлда сақланиб келаётган эскича одат ва тушунчаларни ъқидланади, субъективизм ва асоссиз қайта қуришларни файли хўжаликда вужудга келган кўнгилсиз вазиятнийд этилади. Ана шундай вазият қишлоқдаги илғор тушунчали кишилар характеристига таъсир кўрсатади, қишлоқдаги жараёнлар қаҳрамонлар характеристидаги ички

потенциал кучни секин-аста ҳаракатга солади. Аваз, Ҳулкар, Замонали характеридаги сифатлар — ҳалоллик, рост-гўйлик, муросасизлик, одамийлик ва самимийлик худди ана шу конкрет шароитнинг тақозоси билан туғилади, шаклланади, эътиқодга айланади. Юксак эътиқод эса уларни эскилиkkа, нопоклиkkа, бошбошдоқлиkkа қарши курашга ундаиди.

— Шундайку-я, аммо сиз ибратли деб атаган шу романда ҳам шароит ва характер муносабати тасвири изчил эмасга ўхшайди. Аваз билан Ҳулкарни олайлик. Дарҳақиқат, кўп ўринда улар конкрет муҳит, шароит ичиди берилади. Лекин автор баъзан уларга муҳит тақозо этмайдиган хусусиятларни ҳам сингдириб юборади. Аваз билан Ҳулкар ҳали ўрта маълумотга ҳам эта бўлмаган қишлоқ ёшлари. Шундай бўлишига қарамай, улар худди етук интеллигент қиёфасида кўринадилар, олимона фикр юритадилар, силлиқ адабий тилда сўзлашадилар. Чунончи, чўпон йигит Авазнинг фикрлаш ва сўзлаш манераси олий маълумотли Замоналиницидан фарқ қилмайди, балки устун туради.

— Ҳозирги қишлоқ ёшларини анойи деб бўлмайди. Ҳаётга бир назар ташланг. Қишлоқ ёшларини баъзан интеллигентдан фарқлаш қийин.

— Эҳтимол қишлоқни, чўпонлар ҳаётини яхши билмасман, ҳар ҳолда мен «Қора кўзлар»да тасвир этилган олис қишлоқ ҳаётини, қишлоқ ёшларини бошқачароқ қиёфада тасаввур этарман, Аваз билан Ҳулкарни оддийроқ қилиб кўрсатиш тарафдориман. Еу масаланинг бир томони, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Романда муҳит ғоят зиддиятли қилиб тасвир этилади. Афсуски, шу зиддиятлар ижобий қаҳрамонлар қалбига, руҳий оламига тўлалигича олиб ўтилмайди.

— Йўғ-е, Холбекни эсланг, муҳитдаги зиддиятларнинг ҳаммаси унинг қалбида-ку!

— Мен бош ижобий қаҳрамонлар — Аваз билан үлкарни назарда тутяпман. Ёш таңқидчи Мұхсин Олиев «Қора күзлар» ҳақидағи тақризида «Холбек әригадаги динамика Авазда күрінмайды» деб түғри дайд әтган.

— Холбек билан Аваз бу тунлай бошқа-бошқа тип-даги одамлар-ку, Аваздан Холбек образидаги зиддият ва динамикани талаб этиш қандай бұлар экан?

— Аваздан айни Холбек образидаги зиддият ва динамикани талаб этиш күлгили бұлар эди, албатта. Аммо Авазни қуршаб олган мұхит ҳам анча мураккаб, зиддиятли. Аваз Холбекқа қараганда кенгрөк масштабда қаракат қиласы, автор уни фақат оиласын мажаролар билан чеклаб қўймай, мұхим ижтимоий-хўжалик масалалари доирасига ҳам тортади. У ҳамма ерда ҳамиша ўз эътиқодини пок асрашга, ғурурини баланд тутишга қаракат қиласы, юксак идеал учун курашади. Табиийки, бу йўлда қатор қийинчилликлар кўпинча осон ва шаблон тарзда ҳал этилади, зиддиятлар қаҳрамон қалбидан кутилган реакцияни уйғотмайды; сұхбатимиз аввалида ўслуб муносабати билан асар хотимаси хусусида айтилган камчиликларнинг бир чеккаси худди шу қаҳрамон ва мұхит масаласига ҳам келиб тақалади.

— Аваз образи зиддият ва динамикадан тамоман холи дейилса түғри бўлмас. Аваз Ҳулкарга уйлангандан кейин маълум даражада худбинлик кайфиятига берилади, оиласи, севгиси қобиғига биқиниб, ўз ҳузуринигина ўйлайдиган мешчан ҳолига туша бошлайди, мұхит билан унинг орасида зиддият вужудга келади. Аваз бу руҳий зиддиятларни енгиб, эл-юртга кўпроқ наф етказиш пайида қирга йўл олади, кекса чўпоннинг оғирини енгил қиласы. Ёки романдағи бошқа бир картинани кўз олдингизга келтиринг. Тандир кабоб устида рўй берган мажаро Авазга қаттиқ ботади. Хотини, унинг иффати

ҳақидаги тана-дашномлар, ҳақоратлар уни руҳан әзади, эътиқодига раҳна солади. Аваз чайлага қайтгандан ке-йин унинг Ҳулкарга бўлган муносабати ўзгаради.

— Қаранг, бу моментлар образга жон киритиб юбор-ган. Қаҳрамонни мұхит ичида кўрсатиш деб шуни айтади! Автор роман давомида қаҳрамонни мұхит ичида бирдик тутиб турмайди. Қаҳрамон ақлли, эсли-хушли йигит бўлганидан, унинг бу хусусиятига ортиқча бино қўйиб юборади. Оқибатда қаҳрамон мұхитдан бир оз юқорилашиб кетгандай бўлади, у кўпинча шароит билан ҳисоблашиб ўтирмасдан, зиддиятларни ақл кучи билан енгилгина бартараф этаверади, муддаога осонгина эришаверади, салбий кучлар бирма-бир унинг олдида таслим бўлаверади... Ҳатто тандир кабоб устидаги можаро туфайли Аваз қалбida туғилган ғубор, кучли ички туғён ҳам жуда тез тарқаб кетади.

— Сиз ҳозирги давр адабиётидаги мұхим бир тенденцияни ҳисобга олмаяпсиз. Ҳозирги давр адабиётида ижобий қаҳрамонни интеллектуал жиҳатдан бой, ақлли, билимли, тадбиркор қилиб кўрсатишга интилиш бор. Бу яхши фазилат. Уни ардоқлаш керак...

— Қаҳрамонни интеллектуал жиҳатдан етук қилиб кўрсатаман деб уни шароитдан ажратиб қўйиш ярамайди. Шахс ҳар қанча ақлли, тадбиркор бўлса ҳам, шароит билан ҳисоблашишга мажбур. Шахсни шароит ичida, мұхит зиддиятлари ичида кўрсатиш унинг интеллектуализмига асло путур етказмайди. Урушдан кейинги давр қишлоқ ҳаётига бағишлиланган «Раис» кинофильми қаҳрамонини эслайлик. Еки Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари» асари қаҳрамони Танабой образини хотирлаб кўрайлик. Ҳар иккала асар қаҳрамонлари ҳам ниҳоятда кескин зиддиятлар гирдобида кўрсатилади. Улар интеллектуал жиҳатдан бой, тадбиркор кишилар, аммо ҳеч қачон шароит, мұхит доирасидан ташқарига

иқиб кетмайдилар, зиддиятларни осонгина бартараф тмайдилар. Авторлар қаҳрамон характерини чизиша тарихийлик принципига қатъий риоя этадилар, уларда конкрет шароит, мұхит тақозо этган сифатларни гина қайд этадилар. Гарчи, иккала асарда ҳам қаҳрамонлар имконияти, интеллектуал савияси шароит доирасида «чеклаб» кўрсатилган бўлса ҳам, улар томошабин ва итобхон назарида ниҳоятда ақлли, интеллектуал жиҳатдан бой кишилар бўлиб кўринаверади.

Биздаги ижобий қаҳрамонлар тасвирида мана шу хусусият етишмаяпти. Қаҳрамонни интеллектуал жиҳатдан етук қилиб кўрсатишга интилиш баъзан бирёзламаликка залтятпти, қаҳрамон характери тасвирида тарихийлик принципи бузияпти, характер шароитдан ажралиб, юқорилашиб кетяпти. «Фарғона тонг отгунча» романни охирида Гуломжон образининг бирдан етук марксист даражасига кўтарилиб қолиши аслида шунинг оқибати. Бундай камчилик ҳатто «Давр менинг тақдиримда» романнида ҳам бор экан, дастлаб буни пайқамаган эдик. З. Смирнова «Литературная газета»даги такризида асар қаҳрамони Аҳмаджоннинг урушдан кейинги дастлабки давр ҳодисаларини ҳозирги кун даражасида таҳлил этишига ҳақли эътиroz билдириди. «Олтин зангламас» қаҳрамони ҳам баъзи ўринларда шахсга сифиниш билан боғлиқ ҳодисаларга 60-йиллар савиясида ёндашаётгандек туюлади. Реалистик адабиёт шароит ва характер муносабати — жiddийроқ эътиборни тақозо этади. Мабодо бу муносабат бўш қўйиладиган бўлса, қаҳрамон ҳар мақомга тушаверади, имкониятлар доирасидан ташқаридаги ишларни ҳам адо этаверади, натижада асарда тасодифлар кўпайиб кетади, образнинг ҳаётйлиги, ишонтириш кучи камаяди.

— Сиз шундай дейсиз. Баъзи танқидчиларни қаҳрамонларнинг шунақа «ошириброқ» кўрсатилган хусусият

ва фаолиятлари ҳам қаноатлантирумаяпти-ку! Жумладан, Ҳулкар образи шароит даражасида эмас, Ҳулкарнинг севги билан турмушга чиқиши, эри билан тоққа кетиши, у ерда Турди сингари чапанилардан ўзини ҳимоя қилиши ёзувчи томонидан катта жасорат сифатида баҳоланади; наҳотки Ҳулкарнинг шу ҳаракатлари бугунги куннимиз учун фавқулодда ҳодиса бўлса, деган фикр айтилди. Чунончи, М. Олимовнинг «Ойкўлнинг янги кишилари» сарлавҳали мақолосида шунаقا мулоҳаза бор.

— Агар адабиётимизда аввал яратилган Саида, Ҳуррият, Ҳилола, Феруза сингари аёл образлари билан таққосланадиган бўлса, Ҳулкардаги қаҳрамонлик ва жасорат даражаси бир қадар пасайиб кетгандек кўриниши мумкин. Аммо бунинг маълум сабаблари бор. Қаҳрамонликни абстракт тарзда тушунмаслик керак, уни мусобақага, ким ошдига айлантириб юбормаслик керак. Қаҳрамонлик даражасини белгилайдиган энг одил мезон мусобақадаги ғолиблик эмас, балки конкрет шароит, мухит ичидаги актив фаолият. Ёзувчи «Қора кўзлар»да чекка бир тоғ қишлоғи ҳаётини акс эттиради. У ерда эскилих хийла кучли: ахлоқ, орият бобида қолоқ тушунчалар ҳукмрон. Эскича тушунча ва одатлар соғ севгини уятга қўяди, севишганларни хижолатда қолдиради, эр билан хотин, қайнана билан келин, она билан бола орасига нифоқ солади, хатарли фожиаларга йўл очади, одамнинг нафсониятини ерга уради. Ҳулкар ана шундай мухитда фаолият кўрсатади, Аваз ва бошқа бир гуруҳ илғор кишилар мададига таяниб эскиликка, эски тушунчаларга қарши исён кўтаради... Ҳуллас, конкрет шароит ҳисобга олинадиган бўлса, менимча, Ҳулкарнинг фаолияти қаҳрамонликнинг ўзгинаси.

— Ҳулкар образи тасвиридаги камчиликлардан кўз юммаслик керак. Ҳулкар муносабати билан матбуотда

Эйтилгән танқидий мулоҳазаларда жон бор. Боя ўзингиз ҳам буни эслатиб ўтган эдингиз.

— Дарвоқе, Аваз тасвиридаги нуқсон Ҳулкарда ҳам ҹрайди. Ҳаёт, муҳит зиддиятлари Ҳулкар руҳий оламига ўлигича олиб кирилган эмас. Бунинг устига Ҳулкар асар охирига томон бора-бора ингичка тортиб кетади, автор үлкарни катта ижтимоий фаолият доирасига олиб киради-ю, бу ердан тезгина чиқариб юборади. Ҳулкар ёсосан оиласвий-шахсий ҳаётда намуна кўрсатган содик ёллигича қолиб кетади, асар охирига бориб бу аёлнинг бор-йўклиги ҳам сезилмайди.

— Ижобий қаҳрамон хусусида яна бир гапим бор. Бу — ёзувчининг ижобий қаҳрамонга муносабати масаси. Бадий асарда ёзувчи позициясининг аниқ-равшан бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ кўпчилик ёзувчиларимиз ўз позицияларини аниқ-равшан қиласиз деб ёшкорачиликка ўтиб кетяптилар. Авторларимиз қаҳрамонларни ўз ҳолиги қўйиб бермайдилар, кетидан таъқиб қилиб юрадилар, ҳар бир босган қадамига баҳо бераверадилар, худди футбол репортёрлари каби қаҳрамонлар хатти-харакатини кетма-кет изоҳлаб бораверадилар, қаҳрамон адашса адашганини, тўғри йўлдан борса тўғри бораётганини барада айтаверадилар. Бу масалани ҳозир и вақтда қатъиyroқ қилиб қўйишимиз керак. Бу ҳол ижобий қаҳрамонларнинг ғоявий-эстетик эффицига салми таъсир кўрсатяпти. Нега кейинги пайтларда бизда катта тортишувларга сабаб бўлздиған қаҳрамонлар яратилди; нега яратилган қаҳрамонлар фаолияти, ҳаёти, аракати бизни чуқур ўйлашга, хилма-хил мулоҳазалар таъишга мажбур этмаяпти. Қаранг, Гамлет устида юз йилардан бери тортишув давом этади. Анна билан Нехлюдов фаолияти ҳақида ҳали-ҳали хилма-хил фикрлар айнилади. Мелихов билан Аксиньянинг хатти-харакатлари амон бизни мунозарарага даъват этади. Саидий билан

Қаландаров тақдири янги-янги баҳслар учун материал беради.

— Ҳозирги роман қаҳрамонлари тақдири ҳам муно-зарали моментлардан бутунлай холи дейилса түғри бўлмас.

— Қаҳрамонлар тақдирида мунозарали моментлар бор, албаттa. Содик тақдири, унинг оиласвий ҳёти, му-раккаб шароитдаги фаолияти кескин мунозаралар туғди-риши мумкин эди. Аваз билан Ҳулкар ҳётида жиддий баҳслар учун имконият мухайё эди. «Эр бошига иш тушса...» қаҳрамонлари тақдирида мунозарага бой ситуациялар кўп эди... Афсуски, бу имкониятлардан авторлар яхши фойдалана олган эмаслар, кўпинча реал имкониятлар авторларнинг «аралашуви» туфайли бефойда қолиб кетади.

Конкретроқ мисол келтирай. «Эр бошига иш тушса...» романидаги Барно тақдири дастлаб китобхонда катта қи-зиқиш уйғотади. Барно ниҳоятда дилбар, беғубор қиз. У ўзи истамаган ҳолда шароит тақозоси билан мураккаб бир вазиятга тушиб қолади, адашади, катта хатога йўл қўяди. Автор бошда Барнони ўз ҳолига қўйиб беради, Барнонинг хатти-ҳаракати ҳақида хulosса чиқаришни ки-тобхонга ҳавола қилиб туради. Нарироқ бориб автор бош-қа йўлга ўтиб олади, китобхонга «кўмаклаш»гиси кела-ди, Барно ҳақидаги ўз қарашини баён этади, уни ошкора ҳимоя этишга тушади. Шу ўринга келганда китобхоннинг активлиги сусаяди, Барно образи устидаги баҳслар адо бўлади.

Афтидан, бизда ҳанузгача, китобхонга тўла ишонмас-лик кайфияти сақланиб қолаётганга ўхшайди. Ёзувчи ҳар доим ўз позициясини билдиришга интилади, танқидчи эса ёзувчидан позициянг қани, деб туриб олади: ёзувчи по-зицияси яширин йўллар билан берилса, воқеа мағзига сингдириб юборилса, образ моҳиятидан келиб чиқарилса

итобхон сезмаслиги мумкин, деб ўйлайди. Менимча, қозирги вақтда бунақа «эҳтиёткорлик» учун асос йўқ.

Қаҳрамоннинг мунозарали чиқиши масаласи яна ўша қарактер ва шароит проблемаси билан алоқадор. Агар қаҳрамон чиндан ҳам шароит, мұхит ичидә күрсатилса, мұхиттінг мұхим зиддиятлари қаҳрамон қалбига олиб тилса, қаҳрамон ўз ҳолига қўйиб берилса, автор қаҳрамон фаолиятига ошкора ҳомийлик қилишдан ўзини тишиб турса, китобхонга ишонса, у вақтда қаҳрамон тақдиди ўз-ўзидан мунозарали бўлиб чиқаверади. Гамлет, Анна, Нехлюдов, Мелихов, Аксинья, Саидий, Қаландаров образларининг муваффақият сири, менимча ана шунда.

— Хуллас, роман ҳақида каттакон баҳс бошлиш, романчиликдаги тажрибаларни кенг умумлаштириш пайти этилиб қолибди. Бу бир-икки одамнинг иши эмас. Уни колектив кучи билангина тўла ва одилона ҳал этиш мумкин.

1966

ҲИКОЯ УСТИДА БАҲС

Ҳикояни оператив жанр дейишади. Дарҳақиқат, про-
за ривожига хос янги белгилар кўпинча дастлаб шу
жанрда кўринади. Бу гал ҳам шундай бўляпти, ҳикоячи-
лигимизда характерли бир тенденция кўзга ташланяп-
ти — ҳикоянависларимиз қаҳрамонларга, уларнинг хатти-
ҳаракатларига нисбатан ниҳоятда талабчан, қаттиқкўл бў-
либ бораётирлар.

Яқин-яқинларда адабиётимизда юз берган бир ҳолат-
ни эсланг. Ўша кезлари ёзувчиларимиз бирмунча «кўн-
гилчан» бўлиб қолган эдилар; «одамга ишонч», «сезигр
муносабат», «гуманизм» шиори остида қаҳрамонларнинг
хатти-ҳаракатларига нисбатан талабчанлик хийла сусайиб
қолган эди, хато қилган, адашган кимсаларга ўта сахий-
лик қилинар, улар зўр бериб ҳимоя остига олинар, ҳаёт-
да, севгида беқарор, енгилтак кимсаларга ҳиммат қўлини
чўзиб гуноҳини осонгина кечиб юборган «ҳотамтой»лар
фаолияти катта олижаноблик, зўр жасорат тарзида кўр-
сатилар эди.

Кейинги пайтларга келиб аҳвол ўзгара бошлади. Қаҳ-
рамонларга муносабат жиддийлашади. Ҳозирги вактда
шахснинг ўзи ва одамлар олдидағи бурчи, масъулияти
масаласи-ғоят кескин қилиб қўйилаётир, ёзувчиларимиз
аҳлоқ-одоб нормаларидан четга чиқкан ҳар қандай шахс-

арни, улар ким бўлишдан қатъи назар, муросасозликка ормай, қилмишига яраша «жазоланаётир»лар, уларнинг маънавий фожиасини бутун кескинлиги билан очиб ташаётирлар.

Бу хусусият дастлаб Абдулла Қаҳҳорнинг «Нурли чўққилар»ида сезилган эди. Енгилтаклиги туфайли ҳаётда ёддашган, ўзининг ота-она, эл-юрт олдидағи масъулиятини ўнуган, ўз баҳтини, нафсониятини оёқ ости қилган қиз-хонинг фожиасини ёзувчи зўр маҳорат билан тасвир этган эди. Бу асар ҳикоячиликка янги бир тўлқин берди, адабиётишимизда унинг бир талай акси садолари пайдо бўлди. Ҳ. Гуломнинг «Олтин», О. Ёқубовнинг «Баҳт қуши», «Литературик ва физик қисссаси», Ш. Холмирзаевнинг «Кечаги кун—кечча», «Ёввойи гул», «Баҳор ўтди», У. Назаровнинг «Ов», Ҳ. Ҳошимовнинг «Номус» ҳикоялари «Нурли чўққилар» шашлаган тўлқиннинг янги мавжлари, акси садоларидир.

«Олтин» ҳикоясининг қаҳрамони Азимжон умуман ёмон одам эмас; ишда ҳам, оиласда ҳам бирор ножӯя катти-ҳаракат қилмаган, хусусан унинг хотинига меҳри, ҳурмати катта, ҳар ишни у билан бамаслаҳат қиласди. Хотинининг бошида гиргиттон бўладиган, қўни-қўшни ҳурматини жойига қўядиган, бутун маҳаллани бошига кўтарадиган йигит бирдан айниб қолади, хаёлпараст, қайса, чўрткесар бир кимсага айланади. У участка қуриш лайига тушади, участка ташвиши уни шу аҳволга солади. Шу орада тасодиф юз беради. Азимжоннинг баҳти култандай бўлади — зилзила вайроналари ичидан бир хум тилла топиб олади, бу ноёб топилма унинг дардига малҳам бўлиб тушади. Энди у бемалол участка бошлайвениши мумкин.

Азимжон бир неча дақиқа шод-ҳуррам, аввалгидек майин-мулойим ҳолда кўринади. Бироқ бу узоққа чўзилмайди. Олтин ўз ишини кўрсатади. Азимжоннинг фик-

ри хаёли олтинни ишга солиш бўлиб қолади, у мулк жиннисига айланади. Секин-аста у одамгарчиликдан чиқа бошлайди, ҳар куни очиқ турадиган эшикка қулф уради, қўни-қўшнилар билан алоқани тарқ этади, одамлардан ўзини четга ола бошлайди. Туну кун энди унда ором йўқ, олтин «илон»лари кечалари таталаб уйқу бермайди. Олтин унинг инсоний ҳисларини сўндириб, юрагини тошга айлантиради, олтин ташвиши уни жисман ҳам қақшатади; энди унинг юзида қон йўқ, кўзлари бежо, сочлари тўзғиган, кийим-бошлари қаровсиз, турқи телбани эслатади.

Қисқаси, олтин яхшигина одамни одамийликдан маҳрум этади. Ёзувчи қаҳрамон маънавий дунёсидаги айниш процесси ва унинг манбаларини чукур таҳлил этади, қаҳрамоннинг ғайри ахлоқий хатти-ҳаракатларини кескин қоралайди.

«Олтин» билан деярли бир вақтда О. Ёкубовнинг «Бахт қуши» ҳикояси майдонга келди. «Бахт қуши»да ҳам худди ўша гоя, шу хил хатти-ҳаракатлар, шу хил оқибат, қаҳрамон хатти-ҳаракатига шу хил муносабат қаламга олинади. Бироқ ёзувчи «Олтин»дагига ўхшаш ҳодиса мөҳиятини янги факт, янги характерлар орқали очиб беради. Ҳодисани бошқача йўл билан далиллайди. О. Ёкубов нигоҳи ҳамиша илк бор ҳаётнинг поэтик томонларига тушади, у ҳар кимга ҳам кўриш мұяссар бўлавермайдиган оддий ҳодисалар поэзиясини, ҳаёт завқи, нашу намосини чукур ҳис этади. Хусусан ёзувчи қишлоқ, қишлоқ кишилари, севги, оиласвий муносабатлар ҳакида ёзганда завқшавққа тўлиб кетади, бу хил тасвирларни ўқиган китобхон нозик ҳиссиётлар оғушида энтишиб қолади.

«Бахт қуши»даги воқеа ёш қаҳрамон Жамшид онги призмасидан ўтказиб тасвир этилади. Жамшиднинг акаси билан келинойиси институтни тугатиб, олис бир қишлоқда врач бўлиб хизмат қиладилар. Жамшид ўтган йи-

ми ёз бўйи улар билан бирга бўлган. Ўша кунларни у ас-
ло унутолмайди... «Кечқурунлари акаси Суръатжон қўш-
тиғ милтиғини елкасига илиб атроф боғлардан мусича,
тўғондан балиқчи қушлар отар, «Қоравой» эса худди ов-
чи итга ўхшаб уларни йигиб келарди. Баъзан акаси билан
келинойиси Тамилахон ҳам сойда болаларнинг бекинма-
юқ ўйинига қўшилиб кетишар, сувга чиққан аёллар тур-
га қатор бўлиб уларни томоша қилишар, «вой ўлмасам»
деб юзларини четга буришар, лекин ёшлар уларни қийқи-
шиб қарши олишарди. Шундай пайтларда Жамшид акаси
билан келинойисидан дил-дилидан фахрланар, акаси-
нинг чаққон ҳаракатлари, ундан қочган келинойисининг
шамолда тўзғиган бир ўрим соchlари, оловдай ёнган чи-
ройли юзи кулгидан чақнаган катта қўй кўзларига завқ
билан боқарди...»

Жамшид шуларни қўмсаб яна қишлоққа, акаси ҳузу-
рига келган. Келса аҳвол бутунлай бошқача. Бултурги
завқ-шавқдан асар ҳам қолмаган. Эр-хотин орасидаги ав-
валги тотувлик йўқ. Акаси тамоман бошқача одам бўлиб
колган. Келинойисидан тортиб қўни-қўшнилару, кичкина
Санобаргача ҳамма ундан безор. Унинг афти ангори,
ориш-туриши ҳам бир аҳвол, одатда беками кўст кийи-
шиб юрадиган Суръатжоннинг оёғида оғир этик, эгнида
яшил доғлар тушган сур ранг кўйлак, бошида эски похол
шляпа, камарда ўроқ; шундай озиб кетганки, гўё шохла-
ри букилган миrzатеракдай сўррайиб қолган.

Хўш, Суръатжонда бундай ўзгариш қандай содир бўл-
ди? Ёзувчини мана шу нарса қизиқтиради, ёзувчи шу ўз-
гаришнинг манбаларини ахтаради. Маълум бўлишича,
худбинлик, мол-мулкка ҳирс қўйиш қаҳрамонни шу кўй-
ларга солади.

Суръатжон севгида омади юришган йигит, унинг боши-
га бахт қуши қўнган. Ниҳоятда кўхлик қиз Тамила не-не
йигитларга қиё боқмай, Суръатжонни деган. Суръатжон-

нинг фикри-зикри шу баҳт қушини асраш-авайлаш, унинг кўнглини олиш. Бу борада у қанча ҳаракат қилмасин кўнгли тўлмайди. Тамиладан бир вақтлар рад жавобини олган йигитларнинг ҳар биттаси тагида ҳозир «Волга», ўзлари катта мансабда. Суръатжон эса Тамилагага бунақа ҳиммат кўрсата олгани йўқ. Энди у нима қилиб бўлса ҳам шахсий бойлик орттириш, баҳт қуши учун молу мулкдан баҳт ато этишга киришади; бутун бошли шахсий қуён фермаси барпо этади, эрта-ю кеч қуён ташвиши билан бўлиб қолади, уларни кўпайтириб, катта бойлик билан шаҳарга қайтмоқчи бўлади. Шу тариқа Суръатжон билиб-бilmай худбинлик йўлига кириб қолади, бу нарса тезда ўз кучини кўрсатади, у ниҳоятда аянчли, дилозор, бешафқат бир кимсага айланади, укаси Жамшидинг, шаддот Санобарнинг, севикли хотинининг, қўни-қўшниларнинг, борингки, бутун жамоатнинг нағрратига дучор бўлади. У ғайри ахлоқий йўллар билан ўз баҳтини асрайман деб, баҳт қушини қўлдан чиқариб юборишга сал қолади.

Ш. Холмирзаевнинг «Кечаги кун — кеча» ҳикоясидә бошқачароқ бир ҳодиса тасвир этилади. Ҳикоя қаҳрамони Собирова опа кўп йиллик коммунист, давлатга хизмати сингиган аёл. У кўпгина мартабали идораларда ишлган, артелнинг раиси ҳам, районнинг иккинчи секретари ҳам бўлган. Уруш йиллари болалар уйида директорлик қилган, сўнг лесхозга бошлиқ бўлган, ҳалол меҳнати учун мукофот ва ёрликлар олган. Ниҳоят ёши кексайиб пенсияга чиқадиган пайт келади. Бироқ опа ўз ўрнидан, лавозимиidan кетишни истамайди, бошқа енгилроқ ишга ўтишга кўнмайди: кексайиб қолганини, масъулиятли лавозимни бошқариш учун эндиши шароитда саводи ба лаё-қати етишмаётганилигини тан олгиси келмайди. Кечаги ҳаёт, лавозим шавки унга тинчлик бермайди: ахир «у қандоқ президиумларда ўтирган, минбарларда туриб қан-

— оқ нутқлар сўзлаган! Уни кишилар қандоқ ҳурмат қишинади. Мана энди у уй бекаси бўлиб ўтирибди, ҳатто зининг эри ҳам уни писанд қилмай қўйган».

Мана шу нарса опани ташвишга, изтиробга солади. Опанинг шундай изтиробга тушуви табиий. Умр фасллари бадий эмас. Ҳар қандай киши ҳам кексайгандан кечаги өзакли кунларини қўмсайди, афсуски, уни қайтаришнинг ҷложи йўқ. Аммо, ҳаётда ҳар доим ҳам инсон учун ўрин опилади. Ҳикоя қаҳрамонининг фожиаси шундаки, у ҳексайгандан ўз ўрнини тополмай саргардан бўлади, тўғирорги, у ҳаёт, давр талабларини, эл-юрт манфаатини назар-писанд қилмайди, ўз имкониятларини ҳисобга олмайди, худбинлик йўлига ўтади, нима қилиб бўлса ҳам кечаги лавозим, кечаги шуҳратни қўлдан чиқаргиси келмайди. Ҳаётга, тараққиётга, одоб-ахлоқ нормаларига вид бўлгани учун бу йўлдаги ҳар бир интилишнинг охирой вой бўлиб чиқади. Опа бу хил беҳуда уринишлари билан ўзинигина эмас, ўзгаларнинг ҳам баҳтига зомин бўлади. Гулдек қизининг энди япроқ ёза бошлаган беғубор севгисини ҳазон қиласди.

Ёш ёзувчи ўз қаҳрамони характери ва психологиясини түкүр таҳлил этади, уни осонгина ёмонга чиқариб қўялмайди, ҳодисани бутун мураккаблиги билан кўрсатади. Ҳикояда инсоннинг ҳаёти ва қалби нақадар мураккаб кани бадий тадқиқ этилади.

Ҳаётда адашган, хатога йўл қўйган ёшлар ҳақида Шукур Холмирзаев авваллари ҳам ёзган. «Еввойи гул» хижоясида бу масалага яна қайтади. Ёзувчи бу ерда масалани жуда кескин қилиб қўяди, қаҳрамон хатти-ҳаракатларини қаттиққўллик билан таҳлил этади, унинг хатоларини сира «кечирмайди». Ҳикоя қаҳрамони Восид одамларни ҳайрон қолдирадиган бир иш қилмоқчи, бироқ бу иш нима эканини ўзи ҳам билмайди. У ҳавоий орзу-ҳаваслар билан худди «Нурли чўққилар» қаҳрамони каби ша-

ҳарга интилади, техникумни битириб шаҳарда қолади, не-не кўйларга тушса ҳам, жўнгина ишда бўлса ҳам марказда яшашни у юксак мартаба деб билади. Шаҳарда туриб ўзини кўрсатмоқчи, аллақандай асар яратмоқчи бўлади, лекин Восидда на талант бор, на қобилият. Ҳатто у жиiddийроқ мушоҳада юритишга ҳам эринади, ҳамма нарсага лоқайд қарайди, оддийгина ишни ҳам эплолмайди, одамлар билан муомала қилолмайди. Натижада, бу ҳавоий йигит ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан ҳалокат ёқасига келиб қолади.

«Баҳор ўтди»да автор «Кечаги кун — кеча», «Ёввойи гул» ҳикояларидаги ғоявий мотивни яна давом эттиради, кишиларнинг ҳаётдаги ўрни, масъулиятни ҳис этиш масаласига яна ҳам жиiddийроқ ёндашади, автор ҳодисаларни холис туриб «объектив» тасвир этса-да, унинг ахлоқий-эстетик позицияси жуда равshan; қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан назорат қилиб боради, ҳаёт ва характер мантиқидан келиб чиқиб, уларнинг ноjёя қилмишлари учун «жазолайди». Мижғов, енгил табиат Мастирага нисбатан ўқувчида нафрат уйғотади, соддадил Акобир ҳам автор «таъқиби»дан қочиб қутулолмайди, унинг фожий қисмати билан танишганда ачинасан, мижғов қиз Мастира қўлида қўғирчоқ бўлиб қолганини кўриб ундан хафа бўлиб кетасан киши. Бўлмаганга бўлишма деган гап бор. Акобир шу бўлмағур қиз кўнгли деб катта ҳаёт оқимидан секин-аста узилади-да, фожий аҳволга мубтало бўлади.

Ҳар учала асарда ҳам авторнинг қаҳрамонларга талабчан муносабатда бўлиши бадиийликка путур етказмаган, аксинча асарларнинг ҳаётийлигини, таъсир кучини оширган. Зотан, буюк реалист ёзувчи Л. Толстой адаб ахлоқий позициясининг аник-равshan бўлишини, ҳодисага жиiddий муносабатни — бадиийликнинг муҳим шарти деб билган.

Юқорида тилга олинган ҳикояларнинг деярли ҳамма
хос яна бир хусусият бор. Ҳикоянавислар қауран-
онларнинг хато ҳагти-ҳаракатларини кескин қоралар,
канлар, бу билан уларни бутунлай инкор этиб юбормай-
шарлар. Бу тур ҳикояларнинг одамларга нисбатан меҳр,
тарнинг тақдирига ишонч түйгуси билан йўғрилганилиги-
ни пайқаб олиш қийин эмас. Деярли ҳамма ҳикояларда
оқеа оптимистик тарзда хотималанади, ҳаёт сўқилогига
сабриб қолган қаҳрамон кўп кўргиликлердан кейин ҳаёт-
нинг катта йўлига тушиб олади. Бундан қандайдир схе-
матизм ахтариш тўғри эмас. Қаҳрамонлар ҳар бир ҳикоя-
нинг бунга ҳаётнинг хилма-хил сўқмоқлари орқали келади-
шар. Бу хил хотимада катта ҳақиқат бор. Бизнинг замо-
ни мизда адашган, хатога йўл қўйган киши бир умр сўқ-
моқларда қолиб кетиши, тамоман чиқитга чиқиб қолиши
умумкин эмас. Муҳитимиз ҳар қанақа адашганларни ҳам
ҳаётнинг катта оқимиға солиб юборишга қодир. Бу со-
налистик жамиятнинг гуманистик пафосини ташкил эта-
ти. Аммо адашган, масъулиятини унуглан кимсаларга
отамтойлик қиласвериши, уларни ўйламай-нетмай ҳимоя
тига олавериш ҳам жамиятимизга ёт. Бизнинг жамияти-
нинг инсон шаънига нолойиқ жамики иллатларни сиф-
армайдиган соғлом жамият. Бизнинг гуманизм — та-
бобчан гуманизм. Ёзувчиларимиз асарларида шу ғояни
казишига интилиб, ҳаётга янада яқинроқ бормоқда-
шар.

Мен ҳозирча кўпроқ ҳикояларнинг ғоявий мотиви
төрсисида тўхтадлим. Уларнинг бадиияти ҳақида ҳам кўп
тиқ гаплар айтиш мумкин. Ҳусусан улардаги тадқиқот-
лик пафоси тахсинга сазовор.

Гапим шу ерга келганда, бирдан адабиётчи дўстим
еволга тутиб қолди:

— Ҳозирги ҳикоячиликда, умуман бадиий прозада
жоналистик тасвиргра мойиллик ортиб боряпти. Лекин бу ҳол

адабиётда қаҳрамонона пафоснинг сусайиб кетишига олиб келмаётганмикан?

— Аналитик тасвирни қаҳрамонликка қарама-қарши қилиб қўйиш тўғри бўлмас. Аналитик тасвирга мойиллик адабиётдаги муҳим бир жараён билан, ҳаётнинг проблематик томонларига эътиборнинг кучайганлиги билан боғлиқ. Ахир, қаҳрамон проблема билан тирик-ку!

— Мен масаланинг бошқа томонини назарда тутялман. Ёзувчиларимиз кўпроқ ҳаётнинг салбий фактларига мурожаат этаётирлар, фактларни танқидий таҳлил этишга берилиб кетаётирлар. Ижобий баҳоланганд ҳикояларнинг деярли ҳаммаси шунаقا. Бу танқидий реализм томонига ўтиш, адабиётимизнинг қаҳрамонона традицияларидан чекиниш бўлмасмикан?

— Бир қатор асарларда танқидий таҳлилнинг устунлиги бор. Бироқ буни танқидий реализмга йўйиш ўринисиз. Адабиётимиздаги танқидий таҳлил худди романтика каби услубий йўналишнинг бир кўриниши. Услубий йўналиш эса ҳеч қачон метод бўлолмайди Адабиётимизнинг ягона методи — социалистик реализм методи. Ҳозирги адабиётдаги танқидий таҳлил ҳам шу методнинг принципларига асосланади.

Ёзувчиларимиз айрим асарларида фактларни танқидий таҳлил этаётган эканлар, улар ҳодисага изчил партийий позицияда туриб ёндашаётирлар, социалистик ахлоқка, социалистик ҳаёт нормаларига ёт бўлган нарсаларни кескин қоралаш, фош этиш йўли билан коммунистик идеалларни тасдиқламоқдалар.

— Тўғрику-я, лекин ҳаётдаги етакчи, ижобий ҳодисаларнинг эътибордан четда қолаётганлиги, замондошлиримизнинг ўзгаларга ибрат бўла оладиган ёрқин, такрорланмас образлари яратилмаётганлиги кишини ташвишлантиради.

— Ташвишларингиз учун маълум асослар бор. Аммо ҳозирги ҳикоячиликда ижобий фактлар тамоман эътибордан четда қолаётгани йўқ. Кўпчилик авторлар совет ҳикоячилигининг барча яхши анъаналарини, жумладан қаҳрамонона характерлар яратиш традицияларини ҳам давом эттираётирлар. Лоақал кейинги йилда эълон қилинган айрим асарларни эслайлик. Ҳ. Гуломнинг «Умр», Қалдирғоч», «Мен севган йигит», «Қўшиқ», С. Зуннунонинг «Мехр», «Гўдак ҳиди», П. Қодировнинг «Жон сирин», Ў. Умарбековнинг «Кўприк», «Қиёмат қарз», Ҷ. Ҳошимовнинг «Тераклар япроқ ёзди», Э. Охунованинг «Кўзлар» ҳикоялари — буларнинг барчаси аввало яхши одамлар, уларнинг олижаноблиги, кураши ва жаорати ҳақида. Бу ҳикояларнинг авторлари кишилардаги ижобий фазилатлар ва уларнинг манбаларини таҳлил этишга интилганлар.

— Интилиси борликка бору, лекин у ҳозирча дурустлоқ самара берәётгани йўқ. Бу ҳикояларнинг аксариятида ижобий фазилатлар ва уларнинг талқини юзаки, притиз, эскича, уларда замонавий рух етишмайди.

— Демак, ҳикоячиликдаги асосий хавф қаҳрамонона традициялардан «чекиниш»да эмас, балки қаҳрамонлик ва унинг талқини масаласида. Бу хусусда бешарол бахсланиш мумкин.

— Эътибор Охунованинг «Кўзлар» ҳикоясини ўқиб буда ажабландим. Кўзи ожиз йигит бир барно қизни севиб қолади. Қиз олижаноблик қиласи. Йигит билан оила туради.

— Ажабланарли жойи йўқ, бунаقا ҳодиса ҳаётда бўши мумкин.

— Ажабланарли жойи шундаки, автор ҳамма нарса-и кўнгилчанликка обориб тақайди, кўнгилчанликни эса олижанобликка тенг килиб қўяди. Ҳикоя қаҳрамони йишининг нючор аҳволига, ҳадсиз тўккан кўз ёшлирига

ачинибгина унга меҳр ҳадя этади. Фақат кўнгилчанлик ва олижанобликнинг ўзигина муҳабатнинг, оиласининг, оиласий ҳаётнинг асоси бўлармикан? Мабодо қиз ўз кўнгли билан ҳисоблашмай олижаноблик юзасидангина йигитга меҳр ҳадя этган, у билан оила қурган бўлса бир умр баҳтсиз бўлиб қолиши мумкин эди-ку! Ҳикояда аксинча талқин этилган. Қиз йигит билан оила қурганига анча йиллар бўлган, у ўз ҳаётидан ниҳоятда миннатдор. Демак, раҳм-шафқатдан, олижанобликдан ташқари, қизни йигит билан боғлайдиган бошқа манбалар ҳам бўлиши керак, ёш автор ана шундай манбаларни ҳам топиб таҳлил этганда ҳикоя ишонарлироқ ва таъсирчанроқ чиқсан бўлар эди.

— Автор ҳикояда қаҳрамондаги бошқа сифатларни эмас, худди шу бир хислатни — олижаноблик туйғусини таъкидламоқчи ва улуғламоқчи бўлган.

— Ҳамма бало шунда, фақат Эътибор Охунова эмас, бошқа кўпчилик ҳикоянависларимиз ҳам олижанобликни таъкидлайман ва улуғлайман деб, бу ноёб туйғуни фетишлаштириб юбораётирлар, олижаноблик олдида бошқа нозик инсоний туйғуларни назар-писанд қилмай қўяётирлар. Саида Зуннунованинг «Гўдак ҳиди» ҳикоясидаги боқеани эслайлик. Ҳикоя қаҳрамони Шаҳзода тасодифан бир қизалоққа дуч келади. Қизалоқ Шаҳзодани ўз онасига ўхшатади ва унга талпинади. Бу тасодиф аёл қалбидан чуқур из қолдиради — қизчанинг онаси ўлган, отаси эса бева қолган бўлса керак, деб гумон қилади, қизчанинг талпинишлари, отанинг дард-ҳасрат тўла кўзлари аёл хаёлини банд этади, қизча ва отаси ҳолига ачинади. Ана шу «ғамгузорлар» кўнглини овлаш аёлнинг бирдан-бир шиорига айланади. Қизалоқ кўнгли учун у қўғирчок магазинларидағи ҳамма ўйинчоқларни сотиб олишга, қизчанинг оёқлари остига ташлашга, ҳатто қизчага она, отасига хотин бўлишга ҳам тайёр, чунки қизча «кў

идаги бир нағасли баҳтиёрлик Шаҳзодани Бир, жис. 5, 1-
и қилиши» мүмкін. Шаҳзода чиндан «олижаноблик» да
ади, неча кунлар шаҳар кўчаларини бердір, дарёни
езиб, охири ота билан қизалоқни топади, мұндрасы да
яди, қизчага она, отага хотин бўлиб олади.

Автор талқинича, Шаҳзода оиласвий ҳаётда олони
наси кўнглига қараб турмуш қуриб, баҳти ислишамаси
ёл. Наҳотки Шаҳзодадек севгида тили куйған вёл иккичи
бор шундай йўл тутса! Бу ҳикояда ҳам кўнгилчан-
ик, раҳм-шафқат туйғуси ҳамма нарсани ҳал этади-кўя-
ди, аёл кўнглидаги бошқа туйғулар эътиборидан чегда
солади, эр шўрликка келсак, автор унинг аҳволи ва кўнг-
ли билан ҳисоблашиб ҳам ўтирумайди, масалани тўппа-
ўғри унинг иштирокисиз ҳал этиб юбораверади.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳикояда юзакилик бор, аммо
дигабанинг бошқа ҳикояларида ундаи эмас. «Меҳр»ни
олиб қаранг. Унда ҳам олижаноблик мадҳ этилади, аммо
едиба бу ерда қаҳрамони қалбига чуқур кириб боради,
кишилар аро муносабатларни бутун мураккаблиги билан
хўрсатади.

Уруш туғайли Шодмонбуви бошига катта кулфат туш-
ган, куёви Раҳимжон жангдан қайтгану, қизи қайтмаган.
Иккى жағфокаш бир хонадонда туради. Раҳимжонга ҳам
қийин. У ичкуёв бўлганидан ёлғиз қолган қайнонани
бошлаб кетолмайди, уйга бошқа бир аёлни бошлаб келол-
майди. Шодмонбуви унинг ҳолини тушунади, раҳми ке-
лади, юраги эзилади, қалбига қанчалик оғир ботса ҳам
йигитнинг уйланиши кераклигини ҳис қилади, лекин буни
айтишга қийналади... Охири бу даҳшатли истак рўёбга
чиқади. Раҳимжон хонадонга бегона бир аёлни бошлаб
келади. Она олижаноблик қилади, бегона аёлга, унинг
фарзандларига меҳр қўяди, кўп руҳий изтиробларни,
зиддиятларни енгиб ўтиб шундай қилади. Кампирнинг
олижаноблигига ҳеч қанақа атайинлик ё кўнгилчанлик

йўқ. Унинг шундай йўл тутиши табиий. Ёзувчи тасвирда «Гўдак ҳиди»даги сингари сентиментал талқиндан қочади, изчил реалистик принципларга асосланади, вазият ва характерлар мантиқига қатъий риоя этади. Ҳикояда шундай бир ситуация келтирилганки, қаҳрамонлар автор тасвир этганидан бошқача хатти-ҳаракат қилиши мумкин эмасдек туюлади.

— Муваффақиятнинг сирини фақат тасвир принципларигагина олиб бориб тақаш у қадар тўғри бўлмас. «Қиёмат қарз» ҳикоясида Ў. Умарбеков ҳам реалистик принципларга асосланади. Аналитик тасвир йўлини тутади, қаҳрамон руҳий дунёсини мураккаблиги билан кўрсатади, характер мантиқига риоя этади. «Қиёмат қарз» қаҳрамони ҳам урушдан жафо кўрган, аммо қалби кенг, олиҳиммат одам. Шунга қарамай, бу одамнинг хатти-ҳаракати бизга негадир ғайри табиий кўринади. Уруш пайти нотанишроқ бир одам Сарсонбой отага иккита қўй қолдириб кетган. Орадан йиллар ўтади, иккита қўй қирқтага этади, лекин нотаниш одамдан ҳамон дарак йўқ. Сарсонбой ота эса, қиёмат қарзни узмоқ, қўйларини эгасига қайтармоқ истайди. Омонат эгасини қидириб кўп юради, изтироблар чекади. Одамлар унинг ночор аҳволига ачинадилар, унга мадад-маслаҳат беришга уринадилар. Лекин чол бунга кўнмайди, изтироб давом этади...

Кўряпсизми, бу ҳикояда ҳам «Кўзлар» ва «Гўдак ҳиди»даги каби олижаноблик талқинида замонавий рух кўринмайди, ҳикоя қаҳрамони бугунги кун кишиисига ўхшамайди. Унинг олижаноблиги чекланган, у кўпроқ бурунги китоблардаги художўй, олиҳиммат дарвешларни эслатади. Ҳикоядаги тасвир жойида — аналитик, лекин талқин эскича, примитив.

— Ҳамма ҳикоялардаги қаҳрамонлар талқини эскича, дейилса тўғри бўлмас. Лоақал Ҳ. Гуломнинг кейинги ҳикояларини эсланг. «Умр», «Қалдирғоч», «Мен севган

йигит», «Қўшиқ» қаҳрамонлари қиёфасида давр хислатлари, ҳозирги кун кишиларига хос фазилатлар яққол кўринади. Бу ҳикоялар сентиментал талқинлардан, оҳ-вотлардан тамоман ҳоли, уларда ҳиссиётга, кўнгилчаниликкаберилиб кетиш ҳам, олижанобликни кўз-кўз қилиш ҳам йўқ. Энг муҳими, бу ҳикояларнинг қаҳрамонлари давр билан нафас олузвчи мөҳнат ва фаолият кишилари. Уларнинг фикр ва манфаат доираси ҳам кенг. «Қалдирғочи»даги жасур аёл қўриқ ерларда лочинде парвоз этади, одоб-ахлоқи, мөҳнатдаги жасорати билан бошқаларга намуна бўлади. «Мен севган йигит» ҳикоясидаги Набиён, «Қўшиқ»даги Эргаш худди шу хил хислатлари билан ажralиб туради.

Адабий практикада қаҳрамондаги ижобий сифатларни таъкидлайман деб қаҳрамонни инсоний жозибадан маҳрум этиб қўйиш ҳолларига кўп марта дуч келганмиз. Ҳ. Ғулом асарлари ҳам шу хил нуқсонлардан ҳоли эмас ёди. Янги ҳикояларида шу хил қусурдан қочишга интилиш бор. Бу нарса «Қўшиқ»да яққол сезилади. «Қўшиқ» қаҳрамони Эргаш ниҳоятда ёқимтой чиққан. Эргаш ҳам кўп-шилик ижобий қаҳрамонлар сингари масъулиятни чуқур-хис этадиган, эл-юрт баҳти йўлида курашадиган шахс. У институтни битириб қишлоққа келган, энtimolog бўлиб ишлайди. «Касбимни севаман. Колхоз далалари, боғлари-ни ҳашарот ва оғатлардан ҳолос этаётганимдан, ҳалқнинг кунига яраётганимдан қувонаман», дейди у.

Шуниси созки, автор қаҳрамондаги мана шу улкан меҳр, олижаноб фазилатларни ниҳоятда содда, самимий қилиб бера олган. Эргаш ижобий қаҳрамон, аммо автор уни ижобий хислатлар қурамасига айлантириб юбормайди, ҳаётий қилиб фазилат ва нуқсонлари билан беради. Эргаш ўзининг қўпол газдаси, дагалроқ гаплари, ўхшоз-сиз ҳатти-ҳаракатлари билан ҳам ўқувчи меҳрини ўзига тортаверади. Бу йигит худога ишонмайди, лекин даврага

Жирганда бесўнақай қадоқ қўлларини очиб, яхши ният билан юзига фотиҳа тортишни канда қилмайди. У Азизани юракдан севади, унга ишонади, аммо шамолдек бекарор Азмиддиннинг вайсашидан ваҳимага тушади, бирдан рашк оловида ловиллаб ёнади. Характердаги ва хатти-харакатдаги шу хил зиддиятлар унга алоҳида жозиба, илиқлик баҳш этади.

— Қаҳрамонлар характеридаги давр аломатларини, тасвирдаги самимиятни инкор этиб бўлмайди, бирок Ҳ. Ғулом ҳикояларида бир камчиликни айтмасдан ҳам илож йўқ. Назаримда, Ҳ. Ғулом ҳикояларида драматик ўткирлик етишмайди, ижобий қаҳрамон йўлидаги қийинчиликлар, муаммолар бутун кескинлиги билан ифода этилмайди, автор кўпинча қаҳрамон йўлидаги жиддий ғовларни четлаб ўтади, қаҳрамонни арзимас тўсиқларга рўпара қиласди, уларни жуда осон ҳал этади. Чунончи, «Қўшиқ» қаҳрамони қишлоқда агроном — энтиолог. Энтиологларнинг меҳнати ниҳоятда оғир ва мураккаб. Ҳозирги кунда уларнинг касби билан боғлиқ жуда кўп муаммолар бор. Ҳикоя қаҳрамони Эргаш бўлса нуқул ўз меҳнатининг завқ-шавқидан гапиради, кўпчиликнинг бошини қотираётган масалаларни хаёлига ҳам келтирмайди.

— Ёзувчининг мақсади бу эмас. Ҳикояда асосий эътибор қаҳрамоннинг севги саргузаштига қаратилган.

— Қаҳрамоннинг севги саргузашти ҳам юзакироқ чиқкан. Бундаги ҳодиса ҳам жиддийроқ эмас. Эргаш қишлоқда эканида енгил табиат йигит Азмиддинга дуч келади, орада бир оз тўқнашув юз бергандек бўлади, бирок бу қаҳрамон ҳаёти ва тақдиррида ҳеч қанақа из қолдирмайди. Қолаверса, худди шу хил ситуация «Мен сезган йигит» ҳикоясида ҳам ифодаланган. У ҳикояда ҳам ижобий қаҳрамон севги йўлида арзимас тўсиқка дуч келади, читтакдек бекарор Даврон Набижон билан Нафиса орасида кўндаланг бўлади, бу ғов ҳам осонгина бар-

тараф этилади, кишининг эсида қоладиган, уни ҳаяжонга соладиган ҳеч қанақа ҳодиса рўй бермайди. «Қалдирғоч» ҳикоясида драматик конфликт учун асослар бор, жасур қиз хилма-хил табиатли одамлар орасига тушиб қолади; ҳарактерлар, қарашлар тўқнаш келиб, учқунлар уч беради, афсуски улар алангага айланмай сўнади-қолади.

Гап конфликт масаласига бориб тақалаётир. Фақат Ҳ. Ғулом ҳикояларида эмас, умуман ҳозирги ҳикояларда конфликт жиҳатдан оқсоқлик бор. Ҳолбуки, чинакам ҳикоя ўтирик драматик конфликтлардан туғилади, ижобий қаҳрамон қиёфаси жиддий тўқнашувларда ёрқин очилади.

— Бир вақтлар «конфликтсизлик назарияси»га қарши кураш, конфликтсизликдан қочиш шиори остида «конфликтбозлиқ» авж олиб кетган эди. Ўша йиллари бадиий асарда албатта ижобий ва салбий қаҳрамон ҳамда улар орасида кескин кураш бўлиши шарт, ижобий қаҳрамон ҳарактерини очиш учун унинг қаршисида унга тенг келадиган салбий қаҳрамон ҳам бўлиши лозим деган гаплар тарқалган эди. Бу ҳам худди «конфликтсизлик назарияси» каби адабий процессга салбий таъсир кўрсатган, ҳаёт ҳақиқатини назар-писанд қиласликка, схематизмга олиб келган эди. Айрим авторлар нима қилиб бўлса ҳам конфликт ясаш, қаҳрамонлар орасига аттайлаб низо солиш йўлига ўтиб олган эдилар. Бу ҳодиса адабий тәнқидчиликда кескин қораланган эди. Сиз эса яна ўша эски шиорни ўртага ташлаяпсиз.

— Йўқ, мен ясама интригалар эмас, чинакам конфликтлар тарафдориман. Қаҳрамон йўлидаги ўтигинчи, арзимас тўсиқларни эмас, реал, жиддий конфликтларни кўрсатиш, қаҳрамон ҳаётини, қаҳрамонлар аро муносабатларни бутун мураккаблиги ва кескинлиги билан бериш, китобхонни ҳаяжонга соладиган ўтирик ҳаётий проблемаларни кўтариб чиқиш, қийин вазиятларда ўзли-

гини намоён этадиган, курашларда тобланадиган мардана характерлар яратиш тарафдориман.

— Кейинги пайтларда шундай асарлар ҳам пайдо бўляпти. П. Қодировнинг «Жон ширин», Ў. Ҳошимовнинг «Тераклар япроқ ёзди» ҳикояларида худди сиз айтган фазилатлар мужассам. Ҳар иккала ҳикояда ҳам жиддий ҳаётий масалалар кўтарилиган, иккала ҳикоя ҳам турли хил қарашлар, манфаатлар ва характерларнинг кескин тўқнашуви асосига қурилган. Мухим томони шундаки, ҳикоя авторлари ҳам ўткир ҳаётий масалаларни кўзғаш билан баробар, ҳаётда бу муаммоларни бартараф этишга қодир бўлган кучларни ҳам кўра олган, курашчан, мардана характерлар яратса олган.

— Фақат ўткир проблемалар, кескин интригалар, курашчан характерларнинг ўзи билан иш битмайди, бутун гап уларни ҳаққоний ва ҳаётий қилиб ифодалашда. Ҳар иккала ҳикояда ҳам ҳаётий материалнинг бадиий ифодаси мукаммал эмас.

«Тераклар япроқ ёзди» ҳикоясида ёш ўқитувчи Дамирнинг консерватив колхоз раиси билан олишуви мантиқан пухта асосланмаган. Раис Дамирдан ўқишини тўхтатиб, болаларни пахта теришга олиб чиқишини сўрайди. Дамир унамайди, орада даҳанаки жанг бошланади, куреш шиддат билан давом этади. Демак, интрига зўр, лекин интриганинг асоси бир оз бўш. Маълум бўлишибча, раис техникани менсимайди, терим машинаси бу ёқда қолиб, нуқул қўйл кучига зўр беради... Ўн йил бурунги гап! Тўғри, ҳозирги кунда ҳам худди шу хил колхоз раҳбарларини учратиш мумкин. Лекин улар ҳикояда тасвир этилганидек нодон, бефаросат эмас. Улар ўз ишларига нихоятда пишиқ. Уларнинг қўлида ўз хатти-ҳаракатларини «оқладиган» важ-карсонлари бор. Ҳикоя қаҳрамонида эса дурустроқ асос йўқ; у ўжар, қолоқ яъни ёмон одам, бинобарин, унинг қўлидан ҳар қандай ёмонлик келазериши мумкин.

бўлаверса, ҳикояда салбий қаҳрамон вазиятдан, шароитдан ажралган ҳолда ҳаракат қилади, автор унинг кучига ортиқча баҳо бериб юборади. Интриганинг асоси бўш бўлганидан ижобий қаҳрамоннинг актив фаолияти ҳам тунъий чиққан, қаҳрамон атайлаб курашга тортилаётганлиги шундок кўриниб турибди.

— «Жон ширин»да ундоқ эмас. Бу ҳикояда интригапар асоси пухта, ҳаётӣ. Бу ҳол ҳарактерларнинг ёрқин, ҳаётӣ чиқишига имкон берган. Ёзувчи шундай бир сиуация танлайдики, ҳарактерлар «ўз-ўзидан», табиий рашда бир-бирлари билан тўқнашади, бу тўқнашувларда ларнинг моҳияти, қиёфаси очилади. Зиёдилланинг беакт ўлимни катта можарога сабабчи бўлади. Аслида бу ўнитит ишлаб чиқаришдаги эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик курбони. Бу баҳтсиз ҳедисанинг бош сабабчиси — юлондон бригадир билан, унга нотўғри буйруқ берган аис. Ҳақиқатни аниқлаш, ҳақиқий айбдорларни жазолаш билан масала осонгина бир ёқли бўлиши мумкин эди. Аммо ҳаётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди, ноңок, номард, худбин кимсалар орага тушади-да, масала мураккаблашиб кетади. Бош врач Мирвоҳид билан масъул ҳодим Болтабоев бу ишни босди-босди қилмоқчи, ёш врач Музаффар эса ҳақиқатни очмоқчи. Орада кескин кураш бошланади.

Музаффар қаршисидаги икки куч аслида моҳият ҳақиқатдан бир, иккаласи ҳам ноҳақлик тимсоли, аммо улар табиатан бошқа-бошқа одам. Мирвоҳид кўриннишда ниҳоятда камтар, майин-мулойим, беозор, бегуноҳ шахс. Бироқ у шу «бегунсҳ»лиги билан катта гуноҳларга йўл очади; у ўзини «қарам одам» деб билади, жони, амалдорлик креслоси ширин кўринганлигидан Болтабоев тирадаги нопок одамларга кўр-кўrona итоат қилади, кўрабила туриб ҳақиқат юзига кул сепади. Болтабоев эса, маккор ва мағрур шахс, унинг ҳам жони ширин, мансаб

курсиси мустаҳкам бўлишини ўйлайди, ўзига гап тегдири-
маслик учун ҳақиқатни оёқ ости қиласи, у ўз қўли ости-
даги одамларнинг итоаткор бўлишини истайди, итоат
этмаганларни эса танқдек янчиб ўтишдан ҳам той-
майди.

Ҳикоя қаҳрамони Музаффар ана шундай одамлар
 билан олишади. Бу курашда у баъзан адашади, баъзан
 довдираб қолади, лекин унинг дили пок, партия ва халқ
 манфаати, ҳақиқат бу йигит учун ҳамма нарсадан му-
 қаддас; ўз ҳузур-ҳаловатидан, тинчгина вазифасидан,
 Болтабоев инъом этган нақд квартирадан, пишиб турган
 тўй-маъракадан воз кечиб бўлса ҳам, ҳақиқат учун ку-
 рашади ва бу курашда ғолиб чиқади.

— Ҳикоядаги интригалар асоси пухта, лекин ечим
 бўш; тантанавор ниҳоя ифодаси кўнгилдагидек эмас, ма-
 салани автор анча юзаки ва эскича ҳал этади. Ҳикоя охи-
 рида келтирилган масъул ходимларнинг аралашуви орқа-
 ли можаронинг бартараф бўлгани ҳақидаги қуруққина
 ахборот асар давомидаги ғоят жиддий тасвир тонини
 бирдан ўзгартириб, бўшашибтириб юборади. Бунинг усти-
 га, ёзувчи қаламга олган ҳаётий материал «жанр рамка-
 си»га кенглик қилганидан бўлса керак, ҳикояда, хусусан,
 унинг иккинчи ярмида тасвир темпи жуда тезлашиб кет-
 ган, автор олишувлар ва уларнинг ниҳояси ҳақида ахбо-
 рот бериш билан чекланган.

— Бу фикрингизда жон бор. «Жон ширин»нинг асо-
 сий камчилигини худди ўша материал билан жанр ораси-
 даги номутаносибликтан қидирмоқ керак. Эслаб кўринг,
 авторнинг аввалги ҳикояси «Юракдаги қуёш»да ҳам ай-
 ни шу хил нуқсон юз берган эди. Ёзувчи танлаган, унинг
 қалб мулкига айланган ҳаётий материал ҳикоя жанри-
 нинг «рамкаси»га сиғмай қолган эди, автор повесть ма-
 териалини ҳикоя «рамкаси»га зўрлаб жойлаштироқчи

ўлган эди, ҳикоядаги «узуқ-юлуқлик, паришонлик» слида шу нарсанинг оқибати эди.

Жанр ва ҳаётй материал масаласи, менимча, жиддий масала, буни жиддийроқ ўрганиш керак.

— Матёқуб Қўшжонов «Ҳаёт ва истеъдод» мақола-ида¹, ҳикоя жанри учун материалнинг фарқи йўқ, бир материалнинг ўзидан қисса ҳам, драма ҳам, роман ҳам иккаравериш мумкин, «гап фақат ўша ҳаёт материалининг асвир қилиш йўлларида, тафсилот меъёрида, хусусан ҳикояда унинг бир қисмини яширган ҳолда катта маъно иккада билишда», дебди. Бу фикрга қандай қарайсиз?

— Ҳар бир жанрнинг, жумладан ҳикоянинг маълум ёзига хос тасвир усууллари борлиги шубҳасиз. Шу билан баробар бунда ҳаётй материалнинг аҳамиятини сираим камайтириб бўлмайди. Моҳир ҳикоянавис Абдулла Ҳаҳдор бир сухбатда: «Ёзувчи танлаган ҳаёт ҳодисаси-нинг ўзи ё роман, ё қисса, ё ҳикоя бўламан деб айтиб туради, бунга қулоқ тутмасанг, айтайлик романбоп материалдан ҳикоя ёки, аксинча, ҳикоябоп материалдан роман ясамоқчи бўлсанг, иш расво бўлади», — деганди.

Шу хил фикрни юз йил бурун буюк танқидчи В. Бенинский ҳам айтиб ўтган эди. «Шундай воқеалар, шундай ҳодисалар борки,— деб ёзди у,— улар драма учун етарли эмас, улардан роман чиқмаслиги мумкин; бироқ улар ниҳоятда чуқур, асрлар давомида унтиш мумкин бўлмаган ҳаёт ҳақиқатини шундоқ ўзидаги мужассамлаштирган бўлади; повесть (ҳикоя демоқчи — У. Н.) ана шундай воқеа ва ҳодисани танлаб олади ва ўзининг торрамасида ифода этади».

М. Қўшжонов адабий тажриба билан, адабиётшуносликда айтилган гаплар билан ҳисоблашмай туриб ҳикоя-

1 «Шарқ юлдузи», 1968 йил, № 12.

да материалнинг роли масаласига менсимай қарайди, ҳамма нарсани фақат тасвир усулига обориб тақайди; аммо конкрет мисолларга келганда ўз фикрига қарши чиқади, чунончи дастлаб А. Қаҳҳорнинг «Анор», С. Зуннунованинг «Қўллар» ҳикояларига асос қилиб олинган ҳаётий материалдан роман ҳам чиқариш мумкин эканни айтади-да, нарироқ бориб, мабодо шу материал кенг, батафсил тасвир этилса (яъни романга айлантирилса) ундан чучмал бир нарса майдонга келар эди, деб юборади.

Кўрятпизми, фактларнинг ўзи авторнинг фикри асосли эмаслигини ошкор этиб қўйяпти, уни тўғри холосага етаклаяпти.

Кўшжоновнинг мақоласида яна бир мунозарали ўрин бор. Бу ҳам худди ўша жанр масаласида тасвир усулига ортиқча баҳо берни юбориш, материалнинг аҳамиятини назар-писанд қиласлик оқибати бўлса керак. Адабиётшунос олим: «Ҳикоя ёзувчи томонидан қаламга олинмаган бошқа кўпгина воқеа ва ҳодисаларнинг якуни, натижаси сифатида майдонга келади. Гўё ёзувчи бутун қўёшнинг нурини битта фокусга йигади. Ўқувчи фақат ўша фокусдаги нурларнинг йигмасини кўради»,— деб ёzáди.

— Бу фикр янгилик эмас. Биласизми, 30-йилларда ҳикоя жанри теварагида жуда кўп баҳслар бўлган, ўша йиллари «концентрация назарияси» деган назария кенг тарқалган эди. Бу назария тарафдорларининг фикрига кўра, ҳар қандай улкан ҳаётий материал ҳам, чунончи, «Уруш ва тинчлик»да тасвир этилган ҳаёт ҳодисалари ҳам биргина ҳикояга жо бўлаверади, бу ерда бутун гап тасвир усулига боғлиқ, ҳикояда ҳодисаларнинг батафсил тасвири эмас, холосаси, синтези, яъни концентрацияси берилиши лозим ва ҳоказо.

«Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Қутлуғ қон», «Синчалак» воқеасининг ҳикоя рамкасига жо бўла оли-

ини сира ҳам тасаввур эта олмайман. Бу асарлардаги ҳаётый материалларни фақат ўша жанрлар имконияти оиласидагина ифода этиш мумкин, холос. Кимдир «Уруш ва тинчлик» эпопеясидаги ифода унга асос қилиб ғолинган ҳаётый материалнинг кўламига нисбатан ниҳоатда қисқа, ихчам, уни бундан қисқароқ формада бериш асло мумкин эмас, деган эди.

Ҳаётый материал билан жанр орасида чуқур қонуний алоқа бор. Бу алоқа бузилдими, дарҳол аҳвол чатоқлашади...

Адабиётчи дўстим баҳсга киришдими, уни гапдан ўхтатиш қийин. Янги-янги муаммоларни қалаштириб ташлайверади. У билан ҳикоя устидаги баҳсимиз яна давом этади.

1968

МУНДАРИЖА

Поэма — қалб қўшиғи	3
Жанр имкониятлари	23
Баллада ва давр	70
Роман ҳақида диалог	92
Ҳикоя устида баҳс	112

На узбекском языке

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ВОЗМОЖНОСТЬ ЖАНРД

КРИТИЧЕСКИЕ СТАТЬИ

Редактор **Озод Искандаров**
Рассом **Битков**.
Расмлар редактори **И. Цыганов**.
Техн. редактор **Э. Сандов**.
Корректор **Ш. Собирова**.

Босмахонага берилди 27/II-1970 й. Боснига рухсат этилди 1/X-1970 й.
Формати 70×108^{1/2}. Босма л. 4.25. Шартли босма л. 5.95. Нашр л. 5.72.
Тиражи 3000. Р 09590. Рафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома № 177-69

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Деплат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган магрицадан 1- босмахонасида № 2
қоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кӯчаси, 21. 1970 йил. Заказ № 147.
Баҳоси 28 т.